

*Ўзбекистон Республикаси
Фангар академияси
Алишер Навоий номидаги Давлат
адабиёт музейи*

Н.Ғ.Низомиддинов

*Шарқий Осиё диниёт-фалса фий
татълим отлари ва ислом*

(Иккисинчи китоб)

Тошкент – 2006

**Алишер Навоий номидаги Давлат Адабиёт музейи
ушбу монографияни нашр этишда ҳомийлик қилган
“Электрокимёсаноат” очиқ акциядорлик
жамиятининг касаба уюшмаси қўмитасига
миннатдорчилик билдиради**

Истиклол шарофати билан республикамиз ўкув юртлари дас турига диншунослик фанининг киритилиши, эндиликда, олимпийизга дунё динларини кенг миқёсда ўрганиш ва уларни буюк Беруний бошлаб берган анъана руҳида илмий-киёсий тадқик этиш масъулиятини юклайди. Шу нуткаи назардан эътиборингизга хавола килинаётган рисола мұқаддам чоп этилган «Жануби-Шаркий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом» мавзудаги биринчий китобнинг мантикий давоми бўлиб, унда конфуцийлик, даосизм, синтоизм ва Шаркий Осиёдаги буддизм фалсафий асослари баёни ҳамда уларнинг ислом билан айrim муштарак жиҳатлари таҳлил этилган.

Мазкур нашр Олий ўкув юргларининг юкори курс талабалари ҳамда Хитой, Корея, Япония дини тарихи, фалсафаси билан шуғулланувчи аспирантлар, илмий ходимлар, дипломатлар ва шунингдек, кенг ўкувчилар оммасига мўлжалланган.

**Масъул мухаррир:
Тарих фанлари доктори, профессор
Аҳаджон Ҳасанов
Такризчилар:
С.С.Ағзамхўжаев
Тарих фанлари доктори, профессор
Э.Ф.Ибрегимов
Ўзбекистон Республикаси
Президенти девонининг
консультанти**

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Дин ишлари бўйича қўмитанинг эксперглик гурухи холосасига
биноан чоп этилди.**

2006 йил.

© Ўз Р ФА Давлат Адабиёт музейи, 2006.

Мұндағы

1. Кириш.....	6- 17
2. Қадимги Ҳитой.....	17-45
3. Конфуцийлик.....	46-63
4. Даосизм.....	63-84
5. «Ҳитой буддизми ».....	84-95
6. Қадимги Қурия.....	95-99
7. Корейс мифология яси.....	99- 102
8. «Корейс конфуцийлыгы»	102-105
9. «Корейс буддизме».....	105-110
10. Қадимги Япония.....	110-111
11. Синтоизм.....	112-119
12. «Япон буддизми ».....	119-126
13. Хулоса.....	127-130
14. Шарқий Осиё мемлекеттері	
хақида мұхтасар мағлұмдот.....	131-134
15. Диний-фалсафий атамалар изохи.....	135-139
16. Фойдаланылған әдабиёттар ғүйхаты.....	140-143
17. Диний, адабий, инжимо ий мәтн ва ашёлар намунасы.....	144-151

*Ушбу рисола динларни қиёсий
ўрганиши услуби тамал тошини қўйган
аллома – ҳазрат Абу Райхон
Берунийнинг порлок
хотирасига
багишланади.*

Муқаддима

Маълум ки, инсоният қанчалик илмий, ижтимоий ва иқтисодий экихатдан ривожланмасин, унинг доим ўз ўтмиш аждодларига мансуб ақлий, руҳий ва ахлоқий тақомилликни қумсаб яшаши ҳамда уларга ўхшашиб интилиши ҳеч кимга сир эмас. Бу борада ота-боболарнинг руҳи поки, ибрагли турмуш тарзи ҳамда ҳаёт тажрибасига бўлган чуқур эҳтиромнинг ҳатто эътиқод даражасига кўтарилиганинига тарихдан мисоллар кўп. Хусусан, қадимги Хитойда пайдо бўлган конфуцийлик, японлар синтоизми ёки корејсларнинг мифологияси шулар жумласидандир.

Лекин даврлар ўтиши билан диний туйғунинг руҳий оламга муносабати шаклан ва мазмунан ўзгара борди. Масалан, Хитойда аждодлар руҳи ва улар орқали табиатнинг ғайрисиддий кучларига топиниш қатори «шаклсиз Шакл, ўзи йўқ Қиёға» тимсолида Дао таълимотини диний эътиқод сифати да қабул қилиниши, ягона Муқаддасликка интилишнинг бир кўриниши эди десак, хато бўлмас! Зотан, “то пайғамбарлар юборилмагунча” бундай ҳолатларнинг бўлиши мумкинлиги Қуръони каримда башорат қилинишиб, шунингдек, уларнинг жазога йўйилмаслиги ҳам кафолатланган:

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

وَمَا أَهْلَكَنَا مِنْ قُرْيَةٍ إِلَّا لَهَا مُنْذِرٌ وَنَ

«Биз бирорта ҳам огоҳлантирувчиси бўлмаган қишлоқ(шаҳар)ни ҳалок қилимадик» (2.Шуаро сурасининг 208-ояти.).

Ёки:

مَنْ اهْتَدَى فَإِنَّمَا يَهْتَدِي لِنَفْسِهِ وَمَنْ ضَلَّ فَإِنَّمَا يَضْلُلُ عَلَيْهَا وَلَا تَرْزُقُ
وَأَزْرَةً وَزَرَ أَخْرَى وَمَا كُنَّا مُعَذِّبِينَ حَتَّىٰ نَبْعَثَ رَسُولًا

«...Биз то бирон пайгамбар юбормагунча (у орқали Ўзимизнинг амру фармонларимизни юбориб, унга итоат қилишдан бош тортмагунларича, бирон кимсани) азоблагувчи эмасмиз» (1.Ал-Исро сурасининг 15-ояти.).

Аммо, юкорида зикр этилган хар уч диний-фалс афий таълимот ва мифологиянинг тарихи, уларнинг эрамиздан аввалги ва кейинги асрларда Хитой, Курия, Япония халкларининг маънавий юксалиши ҳамда сиёсий, ижтимоий, маданий-маърифий хаётида ўйнаган роли тўғрисида сўз бошлишдан илгари, «инсондаги диний туйгунинг уйғониши» мавзуига доир айрим сўнгги илмий мулоҳазалар масаласига бир оз тўхталсак.

Гап шундаки, якин ўтган йиллар ичидаги ушбу «муаммо» юзасидан билдирилган баъзи илмий-гадқиций фикрлар, ўзининг мазкур йўналишдаги илк диний манбадарда таъкидланган асосларга мантиқан анча яқинлашганлиги билан дикқатни жалб этади. Бирок шу ерда мавзу юзасидан, таъбир жоиз бўлса, яна бир “дақиқнукта”га эътибор берилиши мақсадга мувофиқ кўринади, яъни дунё динларини қиёсий ўрганиш масаласига! Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, негадир ушбу соҳада олиб борилаётган изланишлар, кўўинчча, ҳаттоқи баъзи мутахассислар томонидан ҳам ижки ёки ундан ортиқ диний эътиқодлар ўргасидаги айрим тасодифий «назарий ўхшашлик ёки нари борса, муштараклик»ни юзага чиқаришга бўлган интилиш, дея баҳоланади. Ҳолбуки, бундай киёсий илмий таҳлиллар наинки диний-фалсафий таълимотлардаги мавжуд умумий гоя ва дунёқарашларни аниқлашга, балки шунингдек, улардаги баъзи қарама-қарши нуқтаи назарлар асо-

сини англаш ва мушоҳада қилишга ундаиди. Қолаверса, дунё динларининг асл моҳиъяти – бирлиги омилига азалдан донишман дижод аҳли белисанд бўлмаган. Айтайлик, Жалолиддин Румий қаламидаги динларга хос ибтидоий “зиддий-лик”нинг иентихода бирликка ўтиши, барча эътиқодлар манзилининг ягоналигига энг яхши ибрат:

«Кўрмаяпсанми, Қаъбаға Шимолу Шарқ, Жануб ва Ғарбдан, Ироку Ажам, Ҳиндуда Ямандан одамлар йўлга чиқкан. Йўлда ихтилофлар, тортисувлар бўлади, аммо Қаъбага етгач, баҳслар тўхтаиди, ихтилофлар барҳам топади...»(20:266.).

Ёки, Ҳиндистонда ўрга аср «бҳактий-садоқат» таълимоти адабиёт ининг яловбардори Кабирдос ўз ашъорида «Садоқат й ўли»ни барча Баробар ҳис қилиши учун, турли эътиқодлардаги умуми й кадриятлар образиздан кенг фойдаланган. Шоир сўзни ҳинд ва мусулмонга муқаддас бўлган Қаъба ва Коший (Банорас)дан бошлар экан, у ҳар иккى диний маскандан олинадиган маънавий озуқани мажозан буғдой донига қиёслайди. Адид бу билан ҳиснд ва мусулмон ўзга дину диёнатга ҳам Ҳак таолонинг модд ий неъматларига бўлгани каби яқдил муносабатда бўлип ли керак, дейди. Токи инсонлар учун ўртадаги мавжуд наслий, миллий ва диний турфалик «кумуммақсад йўли»да низо ва можароларга сабаб бўлмасин:

Kaba phir Kəsi bha ya, Ram bəhaya Rahim,
Mo't chun məyda bəhaya, bəytli Kabira jım.

Яъни:

На Қаъба-кошийда ғарқ, на Раҳиму Ром,
Шу “Дон” донас и уни дир Қабирга таом!

Юқорида көлтирилған икки мисолнинг ўзиданоқ маълум бўлдики, «Келишмовчиликлар маънода эмас, шакстда – сўзда!»

«Ха, дунё касрат(кўплик) олами. Касрат эса хилма-х ил қарашлар, тушунчалар, истак ва хоҳишилар демакдир. Дин ҳам ана шунга мос равища кўпdir... Демак, динлар, мазхаблар, таълимотлар, қарашларнинг турл и-туман бўлиши қонуният, табиий ҳол.»(20:33б.).

Шу нұқтаи назардан инсониятнинг илк политеистик эътиқод унсурларидан то монотеистик диний тафакъургача мингийилликлар давомида босиб ўтган йўлларини қиёсан ўрганилиши, факат асл меъроjий ҳакиқатга етиш масофасини қисқартиришига хизмат қилади. Бинсабарин, қарийб минг йил муқаддам «ўзаро душманлик, диний ақидапараастлик каби адсоват ўчогини ўт олдирған қонли ва беаёв уруш йиллари халқлар ўртасида мадений ҳамжиҳатлик алоқаларини ўрнатишдек улуғ маслак йўлида меҳнат қилган Абу Райҳон Беруний»нинг «янги илм-фан» жабҳасидаги энг қудратли «куроли» ҳам, унинг дунё динларини ўрганишдаги қиёсий услугуби эди!»(5:48б.). Биргина Беруний фаолияти мисолида айтиш мумкинки, аждодларимиз узоқ ўтмишданоқ доимо башарият қадриятларини ўз ўрнида қадрлаб келгандар. Шу боисдан ҳам «Мустақил Ўзбекистоннинг куч- қудрати манбаи, - Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга со диклигидир»(18:56б).

Дарвоҷе, биз биринчи китобимизда инсонда Илоҳга нисбатан қалб кўзининг очилиши борасида теологияя ва фалсафада турли мушоҳадаю мубоҳасалар мавжудлигини қадимги Юнон, Шарқ ҳамда Фарб файласуф олимларининг турли хуносалари мисолида ургулаган эди. Куйида диккатингизга ҳавола қилинадиган ик-

тибос ва унинг мұхтасар тақлиғи ҳам, диний эътиқод ибтидоси масаләсига илмий мұносабатнинг нисбатан янги талқини ёки хилқаттар ичида инсоннинг ўз дини билан яратылғанлығы ҳақидағи фикрнинг давоми дейиши мүмкін:

«Энди ҳам ма диншүено слар, - деб ёзади рус олим Е.А.Торчинов ўзининг “Дунё динлари” асарида, - шуни яхши билишадықи, ҳозир қанчалек примитив бўлмасин, диний тасаввурга эга бўлмаган бирор ҳалқ ёки қабилани топиш мумкин эмас. Лекин биз шунга қарамай, ўз собиқ марксистик тасав вуримиз асосида диннинг келиб чиқиши тўғрисида гап ирганда, уни тарихан жамият оғгининг ўткинчи бир шакли сифатида таърифлашга ўрганганимиз... Яна шунисың қизиққи, бундай ёндашув, аслида яхудий ва насроний тафак кур анъанасида юзага келган «*religio* - дин» деган лотин сўзи, унинг қайси асосида, яъни «алоқа», «Бирлашиб» ёхуд «эҳтиром» маъносида қўлланишидан қатъи назар, «гуноҳга ботиши» оқибатида пайдо бўлган. Чуенки, унг ақдар Худо билан ўзаро бевосита муносабатда бўлингган ва ушбу ришта қайта тиклангач, дин яна Ўз-ўзидан йўқолиб кетади». Ва Муқаддас Иоаннинг «Апокалипсис – Янги аҳд» китобида ёзилишича:

«Тангри шаҳри – янги Ерусалимда ибодатхоналар бўлмай, ҳар ерда Ўзи ҳозиро нозир бўлади».

Ёки, айни мазмунни бевосита «Инжили шариф» тилида ифодаланганда у шундай:

«Бу шаҳарда маъб ад кўрм адим. Зероки, ҳар нарсага қодир Худои таоло ва кўзининг ўзи шаҳарнинг маъбадидир»(4:6116.).

«...Айтган дек, бу ерда, одамлар ва илоҳлар дунёсининг ибтидоий алоқалари кеёнинчалик завол топиб, уларни фақат нуғузли зотлар – шаманлардагина сакла-

ниб қолганлиги ҳақидағи мифологик сюжет күзга ташланады...»(42:836.).

Тадқиқотчи ўз асарида шунингдек, археологик қазилмаларда «қадимги одамлар»нинг диний тушунчага эга әканликларини тасдиқловчи омиллар топилмаганлиги учун, моддиюнчиларнинг диний эътиқоднинг вужудга келиши тарихига ёндапиш услубини шундай ху-лосалайды:

“Борингки, агар ҳақиқатдан ўша одамларда ҳеч қандай диний тасаввур бўлмаган тақдирда ҳам, афсуски, бу диннинг юзага чиқиши тарихи тўғрисидаги назариянинг «фойдаси» учун аргумент бўлолмайди. Негаки, жиддийроқ айтганда, улар ҳали одам бўлмаганлар, аникрорфи, биз «гуноҳкорлар» каби **«homo sapiens** - биологик наслуга тегишли эмасдилар. Ахир бизлар одамсимон маймунларда диний эътиқод бўлмаганлигига ҳайрон бўлмаймизку! Дин доим онгли одам билан пайдо бўли б, у билан бирга қолади: фанда ҳам **homo sapiens** - онгли одамсиз дину, динсиз **homo sapiens**, яъни онгли одамнинг бўлганлиги маълум эмас.

Ва фақат “кроманьон”, яъни дастлабки онгли одамдагина диний тасаввур тажассум топган: худи шундан сехрли буқалар, коринли “венералар” ва дафн маросимлари ибтидо олган. Мана шунинг ўзи диний туйғу ва тажрибанинг одамзод табиатида мавжудлиги эмасми?

Аммо иккинчи бир томондан, фақат археологларга эмас, этнологларга ҳам маълум бўлган наинки кроманьон, балки бошқа қабила ва калқлар эътиқодла-ри, албаттага, ҳали унда санъат, мифология, илм-фанга та-алгужли ва улардан ажралиб турувчи «рисоладаги дин»-ни ташкил этмасди...”(42:846.).

Муаллифнинг “диннинг келиб чиқиши” тўғри-сидағи саволи ёки санъат, маданият ҳамда илм-фанинг динг а тегишли жиҳатларини қандай хулосаланган бўли-

шига қарамай, унинг одамзоддаги мавжуд «диний туйғу» эманацияси эътирофига яқинлашишининг ўзи, майли савол ёки гипотеза кўрингишида бўлсин, диншуносликииинг бевосита ё билвоситга Куръони карим ҳакиқатига юз тута бошлага инигидан далолкат:

اَنْ هَذِهِ اُمَّةٌ وَاحِدَةٌ وَآتَانَا رَبُّكُمْ فَاعْبُدُوْنَ

«(Эй инсонлар), сизларнинг миллатингиз -- диннингиз, ҳакиқатда бир диндир (яъни Исломдир). Мен эса (барчаларингизниңг) Парвардигорингиздирман. Бас, Менгагина ибодат килинглар!» (1.Анбиё сурасининг 92-ояти).

Шунингдек, Куръони каримда ибтидодан бир миллат -- диндагиларнинг «ҳавойи нафс»лари инобатга олиниб, «имтиҳон қилиш учун» ҳар бир миллат(дин)га алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйиғанлиги ҳам кўрсатилган:

وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ
وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ فَاحْكُمْ بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ عَمَّا
جَاءَكُمْ مِنَ الْحَقِّ لِكُلِّ جَعْلَنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا وَلَوْ شَاءَ اللَّهُ
جَعَلَكُمْ أَمَّةً وَاحِدَةً وَلَكُنْ لِيَبْلُوْكُمْ فِي مَا اتَّيْكُمْ فَاسْتَبِّقُوا الْخَيْرَاتِ إِلَى
اللَّهِ مَرْجِعُكُمْ جَمِيعًا فَيُبَيَّنُكُمْ بِمَا كُنْتُمْ فِيهِ تَخْلِقُونَ

«Сизга эса, (эй Мұхаммад), Ўзидан олдинги Китоб(лар)ни тасдиқлагувчи ва у (Китоблар) устида гувоҳ, бўлган бу Китобни ҳаққирост нозил қилдик. Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва сизга келган ҳақдан юз ўгиривб уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг!

Сизлардаң хар бир миллат (яъни дин) учун (алохіда) шариат ва йўл қилиб қўйдик. Агар Аллоҳ ҳохласа эди, ҳаммангизни бир миллат қилиб қўйган бўлур эди. Лекин Ўзи ато этган нарсаларда сизларни имтиҳон қилиш учун(хар бир миллатга алохіда шариат, йўл қилиб қўйди). Бас, яхши амалларга шошилингиз! Барчангизнинг Аллоҳга қайтишингиз бор. Сўнг У зот сизларга ихтилоф қўилгувчи бўлган нарсаларингизнинг хабарини берур» (1. Мойда сурасининг 48-ояти).

«Дин тарихи билан шуғулланувчи олимларнинг фылкрича, - деб таъкидлайди «Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир» рисоласининг муаллифи, - инсонлағрнинг дастлабки даври вахшийлик эмас, балки илк мәданият давридир»(ЗІ:126.). Бас шундай экан, инсондаги диний туйғу илдизини ўтмиш Гарб тасавурига хос «табиатнинг сирли ва беаёв кучлари таъсири» атрофида излашдан фарқли ўлароқ, ҳозирда «уни ҳатто маданий-мәърифий унсурлари билан бўлинмас яхлитлик»да кўрилиши, бир йўла диншунослиқдаги икки принципиал мәсалага ойдинлик киритади:

Бири, XIX асрдан кенг тарқалган «Одам боласининг асл зотига зид назария»ни тўла-тўқис инкор этса, исккінчиси, ундаги онг ва диний туйғуга мансуб эзгулиёнки тарғиб қиласи. Айни шу боисдан Шарқий Осиё фалсафий таълимотларига оид аксарият тадқиқотларда конфуцийлик, даосизм ва синтоизмнинг диний эътиқод сифатидаги моҳияти бевосита ахлоқий, маънавий, ижтимоий ҳамда сиёсий-маъмурий тушунчалар билан узвиётликда таҳлил қилинган. Демак, Хитой, Курия ва Япония халклари диний-фалсафий дунёкарашларини ўрганишни ҳам қадимдан ушбу минтақада истиқомат қўялган халқларнинг жуғрофий, ижтимоий ва маданий-мәърифий хаёти тарихидан бошлаш лозим. Фақат шу услубда улар, хусусан, хитойлар миллий қадриятининг

ажралмас қисми **Бўлган** этикаси маззининг қай асосда эътиқод даражасига кўтарилиганини аниқлаш ва идрок этиш мумки н.

«Азалдан шимолда ва шимоли-гарбдаги хитойлар савдо-сотик ва урушлар туфайли тунгуслар, манжурлар ва мўғуллар, жануби-гарбда эса тибетликлар билан тил жиҳатдан яки н бўлиб, Бирма ва Хинди-Хитойдаги қабилалар билан аralашеб тургандар»(6:6926.). Шунга қарамай, таркибан бундай этник турфалик туб хитойларнинг **неолит** даври(*A*) мадданий тарифидан то **Шан-Ин** давлати мадданиятигача ўтган даврлар давомидаги ижодий фаол иятига бутлақ соя солмайди.

Тўгри, қадимдан хитойлар истиқомат қилиб келган ерлар ҳозирги Хитой эгалла б турган сарҳаднинг кичик бир қисминигина тасвил қилиган. Шунинг учун бу юртнинг ўғмиш тарихи ва ҳудуди ҳақида сўз юритганда, **Хуанхэ** ҳавзасининг ўрга қисми билан чегараланган «Инлар даври» ёки **Хуанхэ** ҳавзасининг катта бир қисми ҳамда **Яңизи дарёсининг** шимолини эгаллаган «Чжоулар даври»даги Хитой ни иноватга олмок керак. Чунки факат **Цин-Ха** и «Сам овий салтанат»и ҳукмронлигига бутун Хитой забт этилган эди(34:1406.).

Дунёдаги Барча тилларнинг бирор гурухга мансублиги ёки ўзаро қўни-қўшичилик алоқалари, маълумки, доим турли миллатлардан иборат фуқароларнинг ўртасида умумий муомала воситасининг яратилишига замин тайёрлаган . Шу мәънода, Хитойдаги турли суолалар даврида тил – оғзаки ёзма бўлсин, мавжуд ҳудудлардаги ички барқарорлик, тинч-тотувлик ва савдо-сотик ишлари ривожи учун мухим омил бўлган.

Масалан, **Хитойнинг** энг яқин қўшиси **Хиндинсонда**, маҷаллий тилшуюсларнинг фикри бўйича, мусулмонлар истилосидан кейин ҳинд, форс, араб ва туркий тили унсурларидан тарзиб топиб «XIII асрдан

шим-олда кенг тарқалған урду тили, ҳинд ва мусулмонлар ўргасида ҳар икки томон учун тушунарли бўлган тилга айланган»(33:53:430-431б.). Айнан бўлмаса-да, худд и шунга ўхшаб нафақат қадимий Хитойнинг катта бир қисми, балки Тибет, Таиланд ва Шимолий Вьетнам халқлари ҳам ўзаро хитой-тибет тиллари оиласига мансуб тилларда гаплашган. Фанда эса, эрамиздан аввалги бешинчи мингийилликка келиб Хуанхэ ҳавзасида кенг тарқалған сўзлашувнинг баъзи турлари, ҳозирги хитой тилининг ибтидоси бўлганлиги тахмин қилинади (34:1 39б.).

Хитойда тилнинг ilk ёзма шаклига ўтиш даври археологик топилмалар ва ибодатхоналарга тегишли турлари ашё ҳамда ҳужжатларда ўз аксини топган. Уларнинг орасидаги энг дастлабки ёзма намуналар, эрамиздан аввалги иккинчи мингийилликка тегишли суюк қуръалар, тошбажа косаси, диний иримларда тутиладиган бронза идишлар, тош ногоралардаги битиклар ва шунингдек, эрамиздан аввалги XVIII-VIII асрлардаги «**Оракула** - Валиуллоҳ»га қарата берилган қисқа-қисқа саволлар матнидан иборат (6:686-6876.).

Иероглиф ёзув-ёдгорликлари ўз тарихий қиймати, ижтиromoий ва илмий аҳамияти ҳамда ўзаро икки бир-бирига зид – «салбий ва ижобий» хусусиятлари билан ажралиб туради. Яъни, улардан бири – «қадимий донолиж»ларни фақат роҳиб ва аристократлар маҳрига тушгашлиги сабабли узоқ вақтларгача оддий авомга маълум бўлмаганлиги бўлса, иккинчиси, иероглифлардаги тарихий маълумотлар, дуою афсунлар, ижтиromoий тизим битиклари фан учун Хитойнинг узоқ ўтмишини ўрганишда нихоятда ишончли манба. Ёзув обидаларнинг бу икки ҳолати, Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари учун «анънавий қонун» эканлиги бизга ҳинд **ведалари**(Б) сир-асрорларини фақат браҳманларнинг ўқиши

ва уларнинг кшатгрийлар табақасига ўргатиш ҳуқуқиға эга бўлганликларидан ҳам маълум (30:216.).

Хитойда тилтнинг ёзма услубиға ўтиши уч босқичда кечган: аввал энсииз бомбук тахтачаларга ёзилган, кейин шойи матоларга ва охири — тушиш фарзанда ўтилган. Одатда Битиклардаги сўзларга маъно берилада конкрет объект — куёш, ой, ер, ўрмон, эркак ё хотин киши, маросимлар ва қурбонликларнинг тасвиридан фойдаланилган. Миссул учун, житойлар «шарқ» сўзини ёзмокчи бўлсалар, дараҳт ортидан чиқиб келаётган қуёш суратини чизгаилар (6:713б.).

Ёзма гил борасида эришилган мувafferациялар расман тарихий ва бадиий адабиёт асарларини оммалаштиб, йирик асарлар ададининг қўпайишига йўл очиб берди. Энг қадимги тарихий манбалар сирасидан бўлган «Шуцзи - Хужкатлар китоби» ва Лу п одшолигининг хроникаси бўлмиш «Чун-цю - Баҳор ва куз» асари ҳамда кеинчалик унга илова қилинган «Цзо-чжуан» шарҳи, Хитой тарихининг биринчи ёзма намунаси ҳисобланади (6:688-689б.).

Тарих, адабиёт ва санъатнинг бошқа турлари қатори Хитойда қадимдан мусиқа ва қўшиқ жанрига ҳам катта аҳамият берилган. Санъатнинг бу турига Конфуций назари билан қарагандо, унинг инсон хаётида жуда катта маънавий-ижтимоий моҳиятни борлигини кўрамиз. Зеро, «Муқаддас зот» таърифида:

«Сўзлар кишини алдаши мумкин, одамлар айёрлик қилишлари мумкин, факат мусиқагина ҳеч ёлғон сўйла-майди!».

Бизнингча, аслида Конфуций бу қиёслар билан мусиқа оханрабо сини инсоннинг “ўзи ва сўзи”га қарши қўймаган, балки тингловчега дикқатини иложий мўъжиза кўмагида комил фазилат ҳақиқатига қаратмоқчи бўлган бўлса, ажаб эмас! Чунончи, У-ди салтанатида маҳсус

“Юэфу” – мусиқа палатасининг тузилиши, ҳалқ қўшиқлари зи тўплаб улар замирида диний тароналар яратиш йўли даги интилишнинг амалий ибтидоси эди (36:532б.). Муҳқеми, эрамиздан аввалги XII-VII асрлар мобайнида Хитойнинг турли вилоятлари бўйлаб йигилган “Шицзинс” - Кўшиқлар китоби” шарофати билан ҳозирга қадар жуда қадимий матн парчалари сақланиб қолган. Парчаларнинг тарих учун яна бир бебаҳо жиҳати шундаки, хитойларнинг кўхна қўшиқлари ҳаётий ва ўз даври всекий хотиралари билан чирмашиб кетган (6:687б.).

Шундай қилиб, юқорида тилга олинган диннинг «мадданий таркиби» ҳақидаги моҳиятини, Хитой мисолида ёзма, тарихий, адабий ва мусиқий обидаларининг хар икки – диний ва дунёвий йўналишларда бир мақсадга, яъни кишилилк жамиятининг маънавий-маърифий юксалишига хизмат қилганингини кўрдик.

«Шарқда Миср ва Хиндистондан кейин башарият цивилизациясига улкан ҳисса қўшган Хитой ҳалқи»нинг узоқ – таназзул ҳамда тараққиёт погоналаридан иборат тарижки, бу ерда қадим замонлардан мавжуд бўлган илк диний тасаввур ва шунингдек, иирик фалсафий таълимотлар билан ҳамиша ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган. Шунинг учун ҳам ўтмиш мифологияси ҳамда Конфуций ва Дао таълимотларининг яратилиш сабаблари, мантиқан, мозийга кайтиб, яъни эрамиздан аввалги иккинчи ва бўринчи мингийилликлар билан муштарак равища таҳлил ва баён килиниши керак.

Қадимги Хитой

Дунёда олдин оғзаки, кейин эса ёзма тарихий адабиётларда истифода этилган «хитой» ёки «хитойлик» атамаси, мазкур ўлкада яшаган ҳалқнинг ўз номи эмас, балки бу ном қадим туркийларнинг «қидан - қытай»

сўзидан олиниб, кейин эса «хитой» бўлиб жетган. Ҳар қалай хозирги житой ҳалқи илгари ўзини хеч қачон «хитой» ёки «хитойлик» деб атамаган. Европаликлар эса бу ерни антик даврда лотинча *sinae*, сўнг французлар *chine* ва инглизлар *china* деган сўз-атама билан номланганлар (35:1406.).

Табиийкин, «хито й» сўзининг келиб чиқишига туркийларнинг тили сабаб бўлганлиги, уларнинг «**кағанат**»и тарихидан бехабар киши учун балки ажабланарли туялар. Ваҳолоёнки, хозирги Хитой сарҳадида турки й-ларнинг ҳам чукур ўз илдизига эга маданияти ва милләй анаъналари бўлған. Факат «уларнинг моддий маданияти унсурлари – кигиз, чарм, ёгоч ва гўстин каби маҳсулотлари тош ҳамда темирга нисбат ан сақланниши қийин бўлганлиги туғайли, Ғарб олимлари кўчманчи турки й-ларни гўё инсон иятнинг «трутними - танбал» қисми деб нотўғри таърифлаганлар.

Ўтган ас рининг 60-йиллари да олиб Борилган ерости қазилмалари юқоридаги асоссиз хулосани инкор этди. Яъни, моддий маданиятдан -да муҳимлиги билан кейинги тадқиқотчиларни ҳайратда қолдирган фактор - бу туркийларнинг мансабдорликдаги мавқега қараб бўйсуниш тартиби, ҳарбий интизоми, дипломатия ва шунингдек, қўшини давлатлар мафку расига жавобан аниқтаник ўз мустақил дунё қарашларига эгалиги эди (11:4-56.).

Илмий манбаларнинг кўрсатишича, ilk даврларда хитойлар орасида милий адсоват, ирқи й камситиш ёки муҳолифат бўлмаган. Уларниң аксарияти тушунчасида инсонлар Ўртасидағи фарқ факат кишиининг озод ё куллиғи билан ўлчангандан ва қул зоти борки «варвар - жаҳолат бандаси» ҳисобланган (35:1416.). Қиёсан «Хитойда кулларга кўлланган сиёсат, кўп жиҳатдан ҳам

Борилган

19485

шакланған, ҳам мазмунан қадимги римликларга ўхшаб кетарди...».

Бу ерларда ҳали «Ле-го»(В) ва «Чжан-го»(Г) даврлари тоифасидаги кичик ёки нисбатан йирик давлатлар пайдо бўлишидан муқаддам, Ҳуанхэ ҳавзасининг ўртаси ва пастки қисми ҳамда Буюк Хитой текислигига худди хинд рожаликлари сингари кичик шаҳар-давлатлар мавжуд бўлиб, улар ўзаро мустақил ва нисбатан тинч-тотув яшаганлар. Аммо орадан вақт ўтиши билан худудий ҳукмронликка эришиш ҳаракатлари кучая бориши Билан қўшни давлатлар ўртасида жангу жадаллар бошланған. Ўзаро қирғин-суронлар натижасида эрамиздан аввалги VIII аср охирида юздан зиёд собиқ мустақил жамоалар ўрнида ўнга яқин давлатлар юзага келган (34:350 -351б.). Натижада қишлоқ хўжалиги ва хунармандчи ликнинг ривожи ҳамда хомашё сероб бўлган жойлар да ўз вакти технологиясига яраша бронза ва темир қўйиш ишларидағи силжишлар, жамиятда ҳам жиқидий мафкуравий ўзгаришларга сабаб бўлган. Агар ушбу «мафкуравий ўзгаришлар» таҳлилини Ле-го даври подшоликларидан муқаддам жорий бўлган эътиқодлардан боғлагудек бўлсак, хитойларда табиатнинг сирли кучларини улуғланишидан, улардаги диний тушунчанинг **анимизмга** яқин бўлганлигини англаш кийин эмас.

«Анимизм - рух», маълумки, диний тасаввурларнинг бир тури бўлиб, бу онгли ёки туйғуга асосланган руҳий субстанциянинг наинки инсонда, балки ҳар қандай жонзот ва ҳаттоқи ўсимликларда ҳам борлигини эътироф этувчи эътиқоднинг инъикоси. Мазмунан, анимизмга турдош – фан таърифида янада кенгроқ маънодаги «аниматизм» эса, бутун борлиқни бир вужуддаги яхлит жон эканлигини ёқлади (42:85). Ҳолбуки, Ибн Аррабий ўзининг «Ваҳдатул вужуд» талқинига хос

«Бутун борлық вужуди маъносининг бирлиги»ни, XIX аср охири - XX асрнинг биринчи ярмига тааллукли аниматизм тушунчаси дан фарқлаш улароқ, салкам етти аср муқаддам кашф этган эди. Яъни, «у шундай бирликки, унда барча мавжудот бор, бу эса Аллоҳ таолодир»(44:236).

Шундай қилиб, қадимги хитойлар ўзларининг фалсафий таълимотлар асосида юзага чиқкан диний эътиқодига эга бўлгун ича, аниматизм руҳиятига мойил «тирик табиат» унсурлари – тоғу тош, денгизу дарё, күёш ва шамол сингари сирли объектлар ҳамда подшолар аждодининг дастлабки Олий вакили «Шанди»га (Д) сигинишган. Лекин Чжоу җаврига келиб, мавжуд илохий пантионда янги Илоҳ илгари сурилди – бутун самовий илоҳиётнинг олийси бўлган “Осмон” ва шунингдек, ердаги унинг “ўғли” ва иноibi, яъни Чжоу подшоси - «ван» (34:361)-

Хитойларда бамисоли «о та ва ўғил риштаси» замиридаги эътиқоднинг юзага келишида, айрим миллий хусусиятга тааллукли сабаблар бор эди. «Бу ерда азалдан ижтимоий этика ва администртив тажриба роли, мистик абстракция ёки ҳиндларга ўхшаб индивидуал тарзда Илоҳдан паноқ излашга караганда жуда устун бўлган. Хушёр ва рационал фикрловчи хитойлик, - деб ёзади таникли рус динишуноси Л.С.Васильев, - ҳаёт ва ўлим ёхуд боқий дунё сир-асрорлари ҳақида кўп ўйга толмай, у доим етук и нсоний фазилат соҳибларига тақлид қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб билган. Хитойда гунохлар азобидан қутилиш ва у дунёда хузур-ҳаловатда яшашни эмас, балки жамиятда қабул қилинган нормаларга муносаб умргузаронлик қилишни ўргатувчи энг улуғ ва пайғамбар мақомидаги зотларга кўпроқ тахассусб қилинган. Бошқача қилиб айтганда, Хитойда жуда қадимдан дунёни диний англашдаги мифо-

Эзогик мұқаддаслик ўрнида, мажозан унинг «акс жара-шын» и жорий бўлган. Зеро, хитойликлар хаёлида илоҳиёт кўқдан ерга тушиб, асрлар оша мақоми юксалиб келганд аллома ваadolатли подшолар тимсолида намоён бўлган (10:273-2746.). Шу сабабдан, ўтмишдаги хукмрон сулолалар асосчиларининг шахсий ҳаёти ва давлатчилик фаолияти диний аҳамиятга эга эканлиги боис конфуцийлик, доасизм ва буддизм мавзуига ўтишдан олдин, қисқача бўлса-да, Хитойнинг қадимги тарихи саҳифаларига мурожаат қиласиз.

Ин даври

Энг қадимги ёзма ёдгорникларда сақланган маълумотларда, эрамиздан аввалинг иккинчи мингйилликда Ҳуанхэ дарёсиинг қирғоти атрофидаги экин-тикинга қулаги ва ҳосилдор ерларда этилк жиҳатдан бир турдаги жамоалар яшаганинги қайд этилган. Археологик қазилмаларнинг қолган барча ашёлари ҳам айнан шу даврининг майший, ижтимоий, диний ҳаётидан хабар берувчи манбалар сирасига киради. Ҳусусан, ҳунармандчилик устахоналари, аристократларнинг серҳашам уй-жойлари, подшонинг саройи, турли сағаналар, ибодатхоналарда ишлатиладиган бронза идиш-товоқлар ва бошқа диний маросимларга доир материаллар, ўзининг тарихий қийматидан ташқари, яна ўша давр фуқароларининг ижтимоий табакаланиш даражасини акс эттирганлиги билан ҳам муҳим. Ин ва кейинчалик Шан-Ин деяномланган давр қабилалари ҳақидаги илмий тадқиқотларда бальзан бири-иккинчисини инкор этувчи гипотезалар учраб туради. Бир тоифа тарихчилар махаллий аҳолини ғарбдан келиб жойлашган истилочи қабилалар десалар, бошқалари эса, ушбу қабилаларни туб ерлик эканлигини таъкидлаб, уларни махаллий неолит даври

маданиятининг меросхўрлари ҳисоблайдилар (6:7 00-2016.).

Шан-Ин давридағи хитойлар тушунчасига кўра, подшонинг асосий фаслияти урушлар олиб бориш билан бирга илоҳиёт, табиат кучлари ва аждодлар руҳи хотираси учун қурбонликлар қилингандан иборат бўлған. Курбонликлар тиинимсиз урушларда қўлга киритиладиган мол-хол, дон-дун сингари ўлжалар ҳамда аси рга олинган қуллар ҳисобига амалга оширилган. Шанлик фуқаролар ўз эътимодига мувофиқ, қурбонликлар шарофати билан ўтган аждодларининг табиат кучларига таъсир кўрсата олинига жуда қаттиқ ишонгандар ва ўзларини доим уларнинг ҳимояси остида ҳис қилган лар (10:2766.).

Тарихан исбатало кисқа му ддат ичида ижти мой-иктисодий жиҳатдан «шахар-давлатлар» орасидан йирик кучга айланган шанликларда, кейинчалик, урушда қўлга тушган асиirlарни илгариғидек барини курбонлик қилиш одати кисман барҳам топган. Қулларнинг асосий ҳисми қишлоқ хўжалигидаги энг оғир ишларни бажаришга жалб қилинган. Хуллас, дехқончиликда эжин майдонларини кенгайтириш ва ибодатхоналар қарамоғидаги ёрларга ишлов бериш зарурияти, қулларга нисбатан аввалгидан кўра «юмшоқ»роқ чоралар қўллашга мажбур қилган. Ўнобаёнин, «диний маросимларда битилган куръа ёзувларида, катл қилиниши керак бўлған қуллар ўрнига буза, қўй ва чўчқалар сўйилиб курбонлик қилинганилиги зиёр этилган». Яна шуниси борки, давлат миқёсидаги ёрларга ишлов бериш ва яхши ҳосил ундириш ишларига муқаддас аждод вакили «Ван»нинг ўзи ёки унинг ноиби – «чэн» бош-қошлиқ қилгани учунёми, бу ишларга «бракали ҳосилни таъминловчи диний руҳдаги ҳашар» асносида шахар аҳолиси ҳам жалб этилган.

Хукумат ва диний идоралар хўжалигига аҳоли томоёнидан кўрсатиладиган бундай беминнат хизматнинг ўз вақти учун ниҳоятда бир муҳим томони - ижтимоий кафслати бор эди. Табиий оғатлар, яъни кургоқчилик ёки Хуанхэ дарёси тошиб ҳосилдорликка зарар етказган йиллари фуқарони очликдан сақлаш мақсадидга давлат омборларида сақланган озик-овқат захираси аҳоли орасида тарқатиларди(35:154-155б.).

Деҳқончиликда асосан ерга сувни кам талаб қиласидиган тариқ экилган, бора-бора шунинг қаторида арпа, бугдой ва жўхоридан ҳосил олиш ўзлаштирилгач, кейин махсус ерларда чой ўстиришга ҳам ўтилган.

Аксарият илмий манбаларда ёзилишича, Шан-Ин даврининг яна икки хусусияти бўлғуси салтанат сулолалари учун қайсиdir маънода “маънавий мерос” бўлиб қолган. Бу – давлат ва оила хаётидаги беистисно патриархал рухият анъаналарининг барқарорлиги эди. Яъни, агар ғилада ота чексиз хуқуққа эга бўлган ягона хукмдор бўлса, подшони гоҳ Тангрининг ердаги ноиби, гоҳ ўғли, гоҳ “Осмон билан Ер” ўргасидаги воситачиси ва гоҳо эса, уни ҳатто тўппа-тўғри Худо ҳам деб билинган. Давлат ва оиласидаги хукмронлик чексизлиги шу даражга етган эдики, бордию, дейлик, фарзанднинг ўз стаси жиноятига гувоҳлик бериши гуноҳ ҳисобланса, подшонинг илоҳий мақоми фуқароларни ёппасига унинг қулига айланышига олиб келган эди. Шу боисми ё бошқа сабабданми, “Шан-Ин фуқаролари учун ер куррасининг маркази ҳукмдор саройидан бошланган. Улар улуғ Шан шахри атрофидағи тўрт томонга чўзилган ҳудудларни ҳам ўз давлатлари сарҳади дея фараз қилганилар. Демак, қайси бир қабила Шан-Ин подшоси ҳукмронлигини тан олмас экан, у – душман бўлган!

Тарихда ёзилишича, эрамиздан аввалги XIII асрнинг иккинчи ярмидаги Шан-Ин давлатининг энг ри-

вожланиб гуллаган палласи У-ди ҳукмронлик қилган йилларга түгри келади. Ҳақиқат дан ҳам унинг даврида янги қасрлар ва ибодат масканла-ри қад кўтарди, сарҳадлар ҳам анча кеңгайтирилди. Аммо У-ди ўлимидан сўнг тахтга чиқсан маънан тубан подшо қўли остида салтанат таназзулга учраган. Ёзма обисдалардаги мазкур ҳукмдор шанига билдирилган танқидий фикрларни, бошқа бир тарихий манбада, эрамиздан аввалги XI асрнинг учинчи чорагидаги Чжоулар тоғонидан подшоликнинг забт этилишини оқлашга қилинганд уринишдек баҳоланганд(16:390-391б.).

Чжоу давлати

Аслида Чжоу қабилалари ҳақидаги биринчи маълумотлар, «Қадимги шарқ тарихи» асарининг муаллифлари хабар беринича, факат У-ди давридан қолган Ин эпиграфик ёдгорликларидан мәълум. Бу вақтда Чжоу ҳали Шан-Ин давлатига тобе ҳудудлар сирасига кирсада, аммо у тождор назарига тушиб ултурган ва қабиланинг сардори «Чжоу хоу» унвонига мұяссар бўлган эди. Ин ва Чжоу ўртаси даги дастлабки тўқнашувлар ҳам айни шу йиллардан бошланган.

Қабиланинг Чан исмли бошлиғи, бўлғуси жанглар арафасида ёк атрофдаги кўшини жамоаларга ўз таъсирини ўтказиш, уларни ягона қуч остида бирлаштириш мақсадида талай ҳарби й-ижтимоий тадбирларни амалга ошириб, ўша вақт шароити учун кучли коалиция тузишга муваффақ бўлган эди. Гарчи унинг бошлаган ишини ўғли У-ван тугаллаган бўлса ҳам, лекин муаррихлар таъкидлашича, янги сўюла ҳукмронлигига подшоликка тобе ҳудудларни бошқариш бўйича бирорта қўзга кўринарли ўзгаришлар сезилмаганд (16:391-392б.). Қолаверса, чжоулар ҳали ўзлари забт этган салтанатнинг

маънавий, ижтимоий ва иқтисодий савиясига қарагаңда анча орқада эдилар. Дин соҳасида ҳам ўз илоҳлари бўлмаганилиги туфайли улар шанликлардан ўтмиш аждодлар рухиятига сигиниш, фол очиш сингари анъанавий диний асосларни ўзлаштирилар. Муқаддам илоҳий кучларнинг ибгидоси ҳисобланган «Шанди»(Д) ўрнини Чжоулар замонасида «Осмон» эгаллаб, шундан Унинг ҳукмдор билан бевосита ирсий таалукдорлиги қарор топиб, Чжоу подшохи «Осмон ўғли» унвонига сазовор бўлган» (10:2786.).

Албатта, эрамиздан аввалги биринчи мингйилликка доир ёзма ёдгорликлар асосида тўпланган ва баён этилган тарих сахифаларини бир ёки бир неча тадқиқотчilar таҳлили натижалари билан якун топган, деб бўлмайди. Боз устига, Чжоу давлати тўғрисидаги хабар ва маълумотлар ҳам доим ўзаро бири иккинчисини тасдиқлаб желавермайди. Масалан, баъзи тадқиқотларда «Чан даврига хос қўшни қабилаларни бирлаштириш йўлидаги харакатлар», ўзга иммий изланишлар хуносасида ”Қўшни халқтарни талаап ва қулга айлантириш ўчун олиб борилган урушлар сифатида кўрсатилиб, улар ҳайтага ўртадаги зиддиятларни янада кескинлашувига олиб келган”лиги қайд этилган. Ёки айрим манбалар баёнига биноан, бир томондан, қоалициядаги қўшни қабилаларда катта ер-мулк эгалари янада иқтисодий қучайган бўлса, иккинчи томондан, камбағаллар ва қулхар аҳволи, аксинча, нихоятда хароблашган (6:7286.).

Шу тариқа аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасидағи табақаланиш тобора чукурлашиб борган.

Хитойдаги табақаланиш, Ҳиндистондаги ведизм таркибидан фарқли ўларок диний-наслий эмас, балки маъмурий-ижтимоий жиҳатдан ўзаро фарқланган. Давлатда куллардан ташқари фуқароларнинг асосий қис-

мини ташкил қилған озсөд ахоли беш қисмдан иборат табақага бўлинниб, улар шунга яраша яшаш ва фаолият кўрсатиш хуқуқига эга бўлган:

Биринчи табақа - подшо бошчлигидаги олий насаб мансабдорлар.

Иккинчи табақа - Чжоу аристократиясининг катта ер-мулк меросхўрлари.

Учинчи табақа - “чжоу-хоу” мулки меросхўрларидан иборат гурухларниң сардорлари.

Тўртинчи табақа - жамиятдаги катта оиласарниң бошлиқлари.

Бешинчи табақа - оддий авом.

Яна, Хитойдаги бузандай маъмурий-ижтимоий табақаланиш ва унинг маънавий масъулияти машҳий масалаларда ҳам ўз исфодасини топган эди, яъни:

1. Ван - подшо факат бука, қўй ва чўчка гўштини истеъмол қилган.

2. Чжу-хоу – мулқдор аристократлар факат мол гўштини истеъмол қилган .

3. Дафу - қабила сардорлари чўчка гўштини истеъмол қилган.

4. Ши - катта оила бошлиқлари балиқ гўштини истеъмол қилган.

5. Шужэн - оддий авом умуман гўшт истеъмол қилмаган (16:393б.).

Азвалги анъанавий қулларга муносабат Чжоу давлатида қайта тикланиб, урушда олинган «тирик ўлжалар» сони энди фуқаролар орасидан оғир жиноят қилган ёки аждодларнинг муқаддас руҳига номуносиб гуноҳкорлар ҳисобига янада орта бошлади. Озод фуқа-

ролар кулга айланганидан сүнг, улар маңнан хитойлик учун қулликдан ҳам күчлироқ жазога тортилганлар – ўз аждодлари пушти-панаҳидан маҳрум этилганлар. Эрамиздан аввалги 827 йили, норозилик кучайған кезлари бошланған құзғолонда пойтахтни ташлаб қочиб кеттән собиңк подшо Ли-ван ўлганидан кейин, ҳокимиятни **рекентлар**(Е) томонидан унинг ўғли **Сюаньга** топширилишгі, Хитой тарихида энг катта урушлар даври сифатида тәърифланған.

Замона зайли билан Хитойдаги қүшни қабилалар ўртасидаги илгариги сиёсий ёки худудий келишмов-чиликлар секин-аста насл-насада устиворлиги характеристикани әгаллай бошлади. Бу вақтда тинимсиз юришлар ва уругшлар оқибатида «Осмон ўғли» қўли қисқарған ва у қадар ўз истаган ерига етмай қолғанди. Шу орада «чжоу-хоу»ларнинг давлат ва қабилалараро алоқаларга араглашувининг имкони бўлмай қолгани сабабли, кечаги тобе қабилалар энди мустақил иш юритишга ўтдилар. Бундай бекарорлик хукм сурган даврдаги воқеалар хотириасининг халқ ижодида ўз ёрқин бадиий ифодасини топтандырып, «Қўшиклар китоби»да сакланиб қолган. Масалан, қўшиклардан бирида кўчманчи **Сюнну** қабиласининг эрамиздан аввалги 822 йилда Чжоу подполигига бостириб кириб, пойтахтни қандай әгалламоқчи бўлғанлиги тасвириланған:

Олти ой бўлғанди алғов-далғовга!
Жанг аравалари туар шайланиб,
Тўрттадан арғумоқ ҳар аравага -
Кўшилган, улар ҳам жангга шайланиб.
Қаҳрли Сюнну элимиз босди,
Шул сабаб шошилинч рўбарў чиқдик.
“Пойтахтни кутқармоқ учун отланинг!”
Деди шоҳимиз, биз йўлга чиқдик.

Қаҳрли Сюнну элгимиз босди,
Шул сабаб шошилинч рүбару чиқдик.
“Пойтахтың қутқармоқсузун отланынг!”
Деди шохитмиз, бириз йүлтага чиңдик.
Күрсатдик мислесиз мағдлик, жасорат...
Сюнну енгилди бириз ғолиб чиңдик.
Цяо ва Хунни күлтә а киритиб,
Хао ва Фэнни ҳам истило киلىб.
Цин дарёсүнни шимолыгача
Ета олган Сюнну роса әнглишди,
Режалари ҳам хүп пучгә чиқди.
Күшлар тасварлаған Байроғимизда,
Хилгирап эди у бақувват күлдә.
Үнта жанг әравасы олденди утар...
Омонсиз еңгидик Сюннүни бириз,
Үн минглаб эллар га бу намун амиз

(6:728-729б.).

Күшиккінг жүшкін рухиятидан, унинг матни ёзилган паллагаларда Чжоу давлати җали ҳам үз күчкүдратини йүкотмаган кезларига ўхшайды. Аммо ҳакиқатда эса, Хуанхэннинг унумдор водийларига күз тиккан қабилаларнинг сурункали ҳужумлари давлатнинг икти sodiga, ички бирда млиги га пултур етказиб бўлган эди. Шу зайлдаги ички ва ташки бекарорлик шароитида ўтган йиллар ичидә зодагон қўлдорлар қўлида бўлган марказий хукумат тарқалтиб, давлат яна катта-кичик подшоликларга бўлзиниб кетди. Шундай бўлса-да, Хитойда марказлашган давлатни тузиш қайфиятида бўлган хукумдорлар йўқ эм асди. Эрамиздан аввалги V асрнинг иккинчи ярмидаги ўзаро урушлар жараёнида, ниҳоят, «еттилик» ва шундан сўнг улар ўртасида беш йирик подшолик иттифоки тузилди. Бирок «бешлик» ўртасидаги ўтган давр ичигда кузатилган бир-биридан устунликка интилиш тенденцияси, иттифокнинг мустаҳкам-

нинг асосий қисмини жангу жадаллар ташкил килган. Гарчы шундай бўлса ҳам, ўтмиш тарихи саҳифаларида шуғингдек, Хитойнинг муайян даражада иқтисодий-ижтимоий ривожланишга юз тутганлиги – ерга ишлов бер иш асбоб ускуналари ва мелиорация ишларининг тақомиллашуви ҳамда тўкувчилик, кемасозлик, дурадгорлик, заргарлик, лок ва сопол ишлаб чиқаришнинг ўсиб борганлиги қайд қилинган(37:492-493б).

Рақобатдаги иттифоқчилар ичидаги ҳарбий ва иқтисодий жиҳатдан энг кучлиги ҳисобланган Цин подшошлиги ўзаро мухолифатга барҳам бериб, кучли марказлашган давлат барпо этииш ва барчани ягона куч остида бирлаштиришдек Хитой учун долзарб масалани ҳал этишида, том маънода яловбардорлик қилди. “Ўша вақтда бундай сиёсий-иктисодий муҳим воқеани содир бўлишининг асосий сабабларидан бири, мавжуд подшолислар ўртасида «пул-товар муносабатларининг ривожлањиши ва хўжалик алоқаларини йўлга қўйилиши бўлди» (16:402б.).

Шундай қилиб, ўз даври сиёсий, ижтимоий-иктисодий вазияти тақозоси билан тахтга чиқсан Цин подшошлигининг ҳукмдори Чжен, ҳокимиятни қўлга киритгача, «Цин Ши Хуан-ди» унвонини олганлиги муносабати билан келгуси авлодлари ҳукмронлигининг минглаб йиллар давом этажагини башорат қилди.

Цин салтанати

Тўғри, биринчи марказлашган Хитой давлатини нг тақдирини «Осмон ўғли» бўлишдан воз кечган император – «хуан-ди»нинг башорати оқламади ва салтанат ҳаммаси бўлиб ўн тўрт йил фаолият кўрсатди. Бироқ шуниси ҳам борки, хитойшуносларнинг яқдил хуносасига кўра, «ўтган йиллар мобайнида яратилган

давлатчилик асослары, ке лгусидаги салтанатлар учун ёркін тажриба тимсоли бўлгилб қолди».

Цин Ши-хуан-ди салтанати бир неча вилоятларга бўлиниб, «унинг худуди Маньчжурея ва Мўгулистоннинг бир қисми, Курия ва Ҳинд-Хитой чегаралари гача бўлган жуда катта майдонни эгаллади». Буюк Хитой девори қурилиши ҳам Цин империясининг кенг худудлари хавфсизлигини таъминлашга мўлжалланган эди. Дунёга машхур деворнинг қурилиши и Хитой тарихида наинки ўзининг узок ўйилликларга чўзилиб кетганилиги, балки шунингдек, унга қислингани сарф-ҳаражатлар миқёси ва ишоюст пойдевори остида ҳаётдан кўз юмган минглаб қуллар меҳнат-машҳақкатининг «обидаси» сифатида ном қолдирди.

Салтанатнинг бошқариш ишларидаги давлат маъмурий тизими аник ва яғона тарига солинди, пастдан юқоригача шахсан императорга бўйсунувчи мансабдор ва маҳкамма хизматчилари усти дан назорат ўрнатилди. Давлатда фуқароларнинг ҳак-хукуклари масаласи юзасидан насл-насад, мансаб-марта бадан қатыи назар, умумий ўзаро тенглигини кафолатловчи қонун таъсис этилди ва мамлакат аҳолисини бирном б илан аташга қарор қилинди - “Қора бошлар”. Император бу жабҳада ҳатто ўз ўғли ва ака-укаларини аямай, уларни ҳам оддий авомга тенглаштирди. Айрим ўтмиш анъаналари ёқлаб чиқилди, лекин янги қарорни танқид қилиган зиёли ва тақвадорлар тириклийн ерзга кўмдир илди. Вақти-вақти билан жамиятда содир бўлиб турадиган тартибузарлик ва жиноят ишлари ниҳоятда қаттиқ такиқланиб, гайреконуний ишлар билан боғлиқ гуноҳкорларни фақат ўзлари эмас, балки бутун озла аъзолари ва қариндошуругларини ҳам бирга жазог а тортиш жорий этилди. Энг оғир жиноят содир этганларга ўлим жазоси бериларди, қолганлари эса келаси уч авлодига қадар кул саналарди

(37:5016.). Доимий сон жиҳатдан ортиб борувчи бундай күшими чишилди. Солик масаласида яна шуни таъкидлаш жоизки, «баъзи маълумотлар бўйича, аҳолидан олинадиган солик 20-30 маротаба ошиб кетганлиги сабабли ер эгалари ақл бовар қилмас даражада қашшоклашиб кетган бўлсалар, янги нуфузли мансабдорлар доирасида катта ер-мулк эгалари сонининг муттасил ортиб бориши қонун тусини олган эди» (37:5026.).

Цин салтанати тарихида энг катта қўзғолон, кичик мансабдор **Лю Бан** ва насли **Чу** подшолигига тааллукдор ҳарбий саркарда **Сян Юя** бошчилигидаги дехқон ва хунармандларнинг ҳарбий чиқиши бўлган. Дастрасида келишмовчилик чиқиб, кечаги иттифоқчилар бир максад йўлидаги ўзаро қарама-қарши кучларга айландилар.

Аввалига иккала томоннинг ҳам ўзига яраша тўқиашувда устун келишини таъминловчи имкониятлари бўлиб, хусусан Сян Юя ўз рақиби га нисбатан катта ҳарбий куч ва тажрибага эга эди. Лю Бан эса оддий авомни ўз тарафига оғдиришига ишонарди. Нихоят, Эрамиздан аввалги 202 йилнинг январида Сян Юя билан бўлган ҳал қилувчи жангда ғолиб келган Лю Бан Ҳитойда янги Хан сулоласи даври бошланганлигини Эълон қилди (37:5056.).

Хан салтанати

Мутгасил урушлар, оғир солиқлар, эгасиз -- ишловсиз колиб кетгән ерлар, жангарилар сиёсатига курбон бүлган мингләб одамлар, издан чиқсан хўжалик, вайрон бүлган уй-жойлар – Булар ҳаммаси янги империя учун ҳал қилиниш и пайсалта солиб бўлмайдиган муаммолар эди. Ахвол ни қай даражада оғир эканлигини фаҳмлаш учун, янги Гоу-цзу унвонини олган императорнинг қуидаги сўзларига эътибор беришнинг ўзи кифоя:

«Мен бутун «Осмон ости»неги кезиб чиқдим, факат Лояндагина шунчалик өўп одамлар борлигини билдим!».

Ваҳолонки, қачонлардир 30 мингдан зиёд оила яшаган Ўйида ўт на вактда беш мингдан ортиқ ховлижой йўқ бўлиб кетгән эди.

Ахвол билан танишиб, қишлоқ хўжалиги ва администрацияда ислоҳот ўтказилиши зарурлигини англашетган император, Сиринчи бўлиб дечқон ва собиқ ҳарбийларни мажбури й меҳнатдан озод қилган ҳолда, уларни ер билан таъминлади. Мукаддам қашшоқлик туфайли ўзини қулликка сотган оиласларга фуқаролик қайтарилди ва солиқлар илгарига нисбатан икки баравар камайтирилди. Гао-цзу ўлимидан кейин, “У” подшолигидан чиқсан хукмдор Лю Би аҳолини ўз сиёсатига жалб этиш мақсадида ҳатто маълум муддатгача фуқароборки, уни давлат солиқларидан озод этишгача борди. Ва у ниҳоят, 200 минглик қатта қўшин тўплаб империя пойтахтига йул олди. Аммо қўшни сарҳадларда Лю Бига қарши кучлар, яъни императорликка даъвогарлар халистарли бўлиб, улар ҳамон фаол ҳарекатда эдилар (16:409б.).

Амалда империя таҳгини кўзлаганлар ичида марказлашган ҳокимияти кучини мамлакат бўйича мустаҳкамлаш борасида ўз ислоҳотлари билан маъмурий, ижтимоий ва иктисадий соҳаларда янги бурилиш ясаган император У-дининг ҳукумронлиги, Хитой тарихида «Олтин аср» номи билан шуҳрат қозонди. Бунинг энг ишонарли исботини «ўтган асрга нисбатан аҳоли сонининг борган сари ортиб, қарийб 60 миллионга етган» - лиғида кўриш мумкин эди.

У-ди ўз ҳукумати аъзоларининг профессионал маҳоратини ошириш учун администртив академияга асос солди. Мафкура соҳасида эса диний эътиқод обрў-эътиборини мустаҳкамлаб, даҳрийликка чек қўйди. Бу ҳусусда Конфуций таълимотининг давомчиси ва энг йирик намояндаси Дун Чжун-шу шундай деган эди:

«Ҳозир таълимотни олимлар турлича тарғиб этмоқдалар, одамлар эса ўзларича талкин қиласидилар. Агар юзта мутафаккир бўлса, уларнинг таълимотни ташвиқ этиш услуги ҳам юзта – турлича, демак, талқинлар мазмуни ҳам ҳар хил. Императорда эса таълимот бирслигини қўллаб-қувватлаш учун хеч вақо йўқ....Шунинг учун конфуцийликда баён этилган «олти санъат» – дан ташқари ҳамма қолганлари таг-туги билан йўқотилиши ва даҳрийликка чек қўйилиши керак. Фақат шундан сўнг бошқариш услуги ягона бўлиб, қонунлар аниқлашиб, ҳалиқ эса кимга тақлид қилиш кераклигини тўғри англайди» (16:410б.).

Конфуцийлик арбоблари У-дини қўшини сарҳадларда босқинчилик урушларини олиб боришдан воз кечишга ундардилар. Улар “варварлар”нинг урушдан кейин ҳақиқий фуқарога айланишига ва босиб олинган ерларнинг дехқончилик қилиш учун ярашига щубҳа билан қаардилар. “Император эса салтанатда барқарор-

лик мұкаррар бўлғиши билған яна нигоҳини ўз сарҳадидан ташқаридаги ҳудудларга қаратарди» (16:410б.).

У вақтларда ҳарбий юришлар сарф-ҳаражатизни кўтаришга хазинәда имкониятлар етарли бўлиб, туз конларини ўзлаштирилиши ва төмір қурол-яроқларни ишлаб чиқарилиши давлатга жуда катта фойда келтиради. Ерга ишлосв беришда темир асбоб-ускуналарга талабнинг ошиб бориши ҳам яхши даромад манбайга айланган эди. Кўл савдоси яна қайтадан тикланган, хонавайрон бўлган хўжаликлар мулкдорлардан этиштириладиган ҳоснлнинг ярми ҳисобига ер ва ишчи кучини ижарага остишга ўтган эдилар. Аммо узок давом этган ҳарбий сиёсат оқибатларен ахир салтанатни нг силласини куритди. «Император мұқаддам узлуксиз олиб борган ўз ҳарбий фаолиятига «тавба қилди». Хуллас, қачонлардир тарақиёт мезонига кўтарилиган У-дининг олтин асли, эрамиздан аввалги I асрнинг иккинчи ярмида чуқур инқизозга юз тутди (16:412б.).

Хитой халқининг эрамиздан аввалги асрлар оша босиб ўтган узок тарих йўлида шундай даврлар ҳам учрайдик, улардан қолған ёдгорлик хужжатларида Ўрта Осиё билан бўлган муносабатлар ҳам қайд этилган. Масалан, «У-ди салтанати, - ташқи атоқалар борасидаги воқеалар хужжатида ёзилишича, - Суннуга қарши курашда Ўрта Осиёдаги мавжуд қучлар билан иттифоқ тузиш харакатига тушади. Бу пайтга келиб императорнинг маҳсус топшериғи билан қўшни мингага сафарга чиқсан хитой сайёхи Чжан Цзян эрамиздан аввалги 126-125 йиллари Чжанга қайтиб келади... У ўз узок сафари звактида ҳудудларни босиб ўтиб, биринчи мағта Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда ийрик давлатлар борлиги, уларн инг бойлиги ва янги савдо йўлларидан хабар келтиради...».

Гарчи Хан Сюнну хавфсизлигига у қадар катта хавотжир солмаётган бўлса-да, лекин у Бақтрия, Парфия, Ҳиндистон ва жанубга томон савдо йўли бўлиши мумкин бўлган ўз кўли остидаги Шаркий Туркistonга хитойла рининг қириб келишига қарши эди. Демак, У-ди олдиджа келгуси ўз савдо йўли устидаги рақибини мағлуб қилиш учун қақшатқич жанглар олиб бориш масаласи турарди. Император жангларга тайёрлана туриб, отлик аскарларда янги ҳарбий реформа ўтказишга қарор қиласди. Реформани амалга ошириш учун бўйдор «самовий отлар» керак бўлишини билиб, у Фаргонага юриш режасини тузади.

Саркарда Лю Гуанлининг эрамиздан аввалги 104 йили сахро орқали Фаргонага қилган юриши муваффақиятсиз чиқиб, икки йил ўтгач, у ниҳоят манзилга етиб бориб, маҳаллий ҳокимдан “самовий отлар” хисобида кироён олади.

Эрамиздан аввалги II асрнинг охирида салтанат Ҳарбий ўлкалардаги қатор шаҳар-давлатларни забт этиб, Ўрта Осиё билан алоқа боғлайди. Шу вақтдан Хан пойтахти Чананидан Гансу орқали Ўрта ва Олд Осиёдан тоғимлигик Шарқгача бўлган сарҳадларда «Буюк ипак ўли» фраолият кўрсата бошлайди.

Ўрта Осиё билан бўлган алоқа боис Хитойда янги – ловвия, узум, шафран, анор, ёнғок ва бошқа дуккакли ўсимлик ҳамда мевали дарахтлар экиб ўстиришни ўзлаштириш йўлга кўйилади (37:513б.).

Хитой ва Ўрта Осиё ўртасида санъат соҳасида ҳам алоқалар бўлганлигининг таҳмини бор, чунки «Мусика палатаси» томонидан яратилган асарларнинг аксарияти Ўрта Осиёдан келтирилган қўшиқларнинг оҳанг ва матнларидан тузилган эди (37:532б.). Яна баъзи маълумотларда, Ўрта Осиёдан айрим созлар келтирилганлиги ҳам Эслатилган.

Хуллас, «Гин-Хан даври, гүё Европа учун юнон-римликларнинг антик дунёси каби наинки Хитойнинг, балки ундан-да кенгрок маънодда, яъни бутун “Узоқ Осиё” - Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг маданий тараққиётида неҳоятда муҳим рол ўйнади».

Пировардида “Ипак йўли” орқали бошланган “Хитой-Ўрта Осиё халқлари алоқалари мелоддан кейинги асрларда ҳам турли кўрин ишларда давом этди...

Албагта, бизнинг ҳозирги изчил тараққиёт паласига кирган Ҳитойнинг жуғроғий ҳудуди, халқи ва ҳаёти ҳақидаги тасаввур ва тушучамиз, эрамиздан аввалги мингийилликлардан ибтидо олган турли сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва ҳарбиј жараёнларда кечган тарихий воқеълеклардан узоқ. Шунинг учун диёrimiz ҳудудига яқин бўлган Шарқий Осиё мамлакатларининг ўтмиш аслияти ва маънавиятидан боҳабар бўлиш, келгуси дўстонга муносабаталар ва маданий-иктисодий ҳамкорлигимизда қўл келиши шубҳасиз. Ва фикримизча, айни шу ўринда рисоланинг Биринчи қисмидан зикр этилган - ўтган асрнинг машхур рассоми ва файласуфи Святослав Рерихнинг янги аср келажаги ҳақидаги айтган сўзларини яна бир бор эслаб қўйиш, фойдадан холи бўлмайди:

«Бундан бўён Farbda ривожланиш, нари борса паралел йўналиш бўйича давом этади, чунки илм-фаъ, техника ва иқтисод тараққиётининг вертикал – юксакликка юзланиш навбати XXI асрдан Жануби-Шарқий Осиё минтақасига ўтади. Ер куррасининг ушбу гўшаларидаги мамлакатларни, кўп ўтмай, табиий ресурслардан бўлак бирор нарса билан қизиктириш кийин бўлиб қолади: на ишли ғучи-ю, на янги технология, зеро, уларда ақлий ва жисмоний потенциал етарли. Шунинг учун келгусида улар билан мадданий, ижтимоий ва иқтисодий алоқаларни кучайтиришда бу ўлжаларда яшовчи халқ-

ларниңг профессионал маҳорати, тарихи, маданияти ва айниң-а, диний қадриятларидан бохабар бўлишлик гоятда жиддий аҳамият касб этади».

Биз ҳам худи шу омилдан келиб чиқиб, китобнинг навбатдаги фаслларини Хигой, Курия, Япониянинг қадимги тарихи, маданияти, давлатчилигининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатган мифологияси ҳамда конфуцийлик, даосизм, синтоизм, буддизм сингари диний-фаалсафий таълимотлар баёни ва шунингдек, уларнинг ислом билан муштарак умумбашарий маънавий жиҳатлари таҳлилига багишладик.

Дунё диний таълимотлари билан боғлик ривоятларда, одатда табиат ва тирик жонзотнинг пайдо бўлиши ва шу асосда ҳаёт жараёнининг бошланиши турлича талқин қилинади. Мисол учун, Хитой ва ҳинд мифологиясид-а бу ҳусусият айниқса ёркин намоён бўлади.

Айтайлик, ҳиндларда Веда илоҳий каломидан кейинги «**Браҳманлар**»(Е) ва «**Пуран**»ларда(Ё) келтирилган маълумотда, дастлаб тангри «**Браҳма**»дан(Ж) икки **жинсли** Ману туғилган. У ўзининг аёллик қисмидан иккни ўғил, уч қиз кўрган ва улардан беадад манулар пайдо бўлган. Шулардан бирига «**Притхвий**»(З) номи берилиб, у ер юзига подшо бўлган ва кейин ер юзи ҳам унинг номи билан аталган. Биринчи подшо ерни ўрмонлардан тозалаб, уни экин экишга тайёрлаган, молҳол боқишиш ва савдо-сотиқ қилиш учун керакли барча бониқа шароитларни яратган. Лекин ўнинчи Ману ўз ака-указлари ичida энг машҳури эди. У подшолик қилган даврда ер юзини сув босиши хавфи туғилади. Тангри Вишну уни яқинлашиб келаётган оғат ҳақида огохлантирганда, у ўз оила аъзолари ва етти қария алломани сақлаб қолиш учун кема ясайди. Шунда Вишну наҳанг балиқ шаклига кириб, оғзида кема билан сузуб, уларни тоғ чўқисигача етказиб кўяди. Ману ва кемадагилар, то-

ҳаммани гарқ қилған сув тошқини тугагунича шу ерда жон сақлаб, сүнг соғ-саломат ўз маконларига қайтишиди. Яна Ману оиласидан одамлар тарқалади. Манунинг тўқизинчи кен жа ўғли ҳам икки жизнсли туғилиб, у икки ном билан номланади: **Ила ва Илаа**. Бу ўғилдан икки асосий сулола ибтидо олади: «**Сурявамша - Куёш сулоласи**» ва «**Чандравамша - Ой сулоласи**» (55:286.).

Хитой мифологиясида эса, “Бутун борлик“нинг вужудга келиши қўйидаги таркиб ва тартибда рўй берган. Яъни, у худди қадимги юнон афсоналаридаги тушунчага ўхшаш «хаос - туман» ва қоронгулик билан тўлган тубсизлик»ни икки унсурга бўлинишидан сўнг зуҳр этган ёруғлик «ян» ва қоронгулик «ин»дан пайдо бўлган. Эрлик ибтидо ян қуёш ва бошқа ёруғликлар, куч-қудрат, умуман ижобийлик, аёллик ибтидо ин эса ой ва коронгулик, маъюслик, заифлик маъносида тушунилган. Бир-биридан фарқли икки ибтидо амалда ўзаро йўғрилган ҳол да ҳаралатда бўлиб, уларнинг доимий ўзгаришлар ва яратилишлардаги иштироки, худди индуизмдаги «дхарма»(И) ва «санасара»(Е) – дунёнинг азалий ва абадийлиги қонуниятига ўхшаб жетади.

Дунёнинг яратилишидан мұқаддам ҳолатига тегишли маълумотлар сирасига яна шунун қўшимча қилиш мумкинки, юнонлардаги “хаос”, хитойлардаги қоронгулик ибтидо исломда ҳам ўз муайян асосига эга:

وَأَعْطِشْ لِلَّهَا وَأَخْرَجْ صُحْيَهَا

“Яна у (осмон)нинг тунини қоронғу қилиб, (ундан) кундузини чи қарди” (2.Нозиот сұрасининг 29-ояти).

“Оятидаги жумлаларнинг тартибига караганда,
Аллоҳ таоло осмоннинг шифтини тиклаб, унинг кечасини
ни қаттиқ зулмат қилиб, кейин қуёшини яратган...”
(31:266.).

Борлик мифологияси ҳақидаги баёнлар сирасидан яна шуни айтиш мүмкінки, эрамиздан аввалги IV-III асарларда шаклланган “Си ци чжуан” материалистик концепцияси бўйича “Моддий дунё, ягона “тайциз” и бидосидан яралган ўзаро қарама-қарши эрлик-ян ва аёллик-ин субстанциялардан иборат. Бу объектларнинг ўзаро мутаносиб ҳаракатланиши ва қураши дастлабки беш табиий ҳодисот -- сув, олов, дараҳт, темир, ерия яратиб, сўнг улардан қолган барча турли-туман нарсалар ҳамда хилқатлар вужудга келган. Ушбу жараёнда ҳаракат мавжуд борликнинг асоси бўлиб, дунёни эса “Учлик” ташкил қиласди: осмон, одамлар ва ер” (36: 5176.). Шу жумладан, хитойларда инсоннинг дунёга келшиши икки хил ривоят қилинади. Бирида, илк аждодларнинг келиб чиқишини аёллик ибтиносининг бегуноҳ ҳомиласидан кўрилади. Яъни эмишки, “Ин”ларнинг биренчи она аждоди бехосдан “Қирмизи қуш” тухумини ютиб юбориб ҳомиладор бўлган. Иккинчисига кўра, дастлабки одам **Нюй** Ва номли муаннис “лой худоси”-дан яратилган”(16:4246). Мифологиядаги хилқатлар гултожининг илоҳий унсур – лойдан ясалиши, кишига ногаҳон исломдаги Одам атонинг яратилиш башпоратини эслатади:

إذ قَالَ رَبُّكَ لِلْمَلَائِكَةِ أَتَى خَالِقٌ بَشَرًا مِنْ دُنْيَنَ
فَإِذَا سَوَيْتُهُ وَنَفَخْتُ فِيهِ مِنْ رُوحِي فَقَعُوا لَهُ سَاجِدِينَ

“Эсланг, Парвардигорингиз фаришталарга деган эди: “Албатта, Мен лойдан бир одам яратгучидирман”.

“Бас, қачон уни ростлаб, унга Ўз рухимдан пулаб киргизганимдан сүңг, унга сажда қилған ҳолларингизда ийқилинглар”(1 .Сод сурасининг 71-72 оятлари.).

Шундай қилиб, “Бутун борлиқнинг пайдо бўлишидан муқаддам мавжуд бўлган “кор онғулик” ёки одами лойдан яратилганлиги сингари “Еитобий динлар”да зикр этилган маълумотларни дунёнинг турли мифологияларда учраб туришиб ёки Каломи покда кўрсатилган “ибтидоий ягона дин” унсурлариниң “илк маданият”-дан кейинги “важшийлик даври”даги политеистик эътиқодларида сақланиб қолган бўлиши мумкинлиги, ҳозирча аниқ фактлар асос ида тасдиқламаса-да, лекин фанда маълум кизиқи ш уйғо-тиши мумкин.

Асосий мавзуни мифологиядан бошлашимизниң асл сабаби шукр, кўпинча афсонавий воқеликлар мазмуни ва объектлари тез-тез Хитой диний-фалсафий таълимотларида гоҳ марказий, гоҳ иккинчи планда у ёки бу ғояни ифодалашга жалб этилади. Балки бу ривоят ва ҳакиқат ўртасидаги уйғунлик, хитойларда диний туйғунинг уйғониши билан борглик табиатдаги гайри-оддий кучларнинг “жазоси” ё “раҳм-шафқати” каби ҳодисотлари белгисидир?! Сабаби, конфуцийликнинг йирик теологи Дун Чжун-шунининг идеалистик концепциясига биноан, “Осмон” Илоҳ бўлгани учун унинг ҳар бир хатти-ҳаракати аниқ мақсадга йўналган, шу боис табиат ҳодисалари инсоннинг ижтимоий ҳаётини олдиндан огохлантиради: жазолайде ё мукофотлайди (36:533б.).

Хитойларда “Осмон” қаҳрига дучор бўлмаслик кафолати, аввало, юқсак ахлоқ-одоб ахкомларига риоя

¹Каранг: Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. 126.

қилиш ва жамиятдаги соғлом барқарорликни мустах-
камлашга ўз шахсий фаолияти билан ҳисса кўшиш
м асулиятидан бошланади. Ва худди ана шу ҳаёт тарзи,
оғлдин конфуцийлик таълимотининг асосий тамойили
бўлиб, қейинчалик мамлакат миқёсида фуқароларнинг
давлат олдидағи фарзи моҳиятини эгаллади. Ёки бир сўз
белан айтганда, инсоний этик нормалар конфуцийлик
эътиқоди негизида давлат мағкураси даражасига
кўтарилидди. Шу тариқа этика, эътиқод ва давлатчилик
Хитой тараққиётининг уч таянч нуктаси сифатида тарих
зарваракларидан ўрин олди. Зотан, **Сима Цяннинг**
“**Цин Бэн цзи**” -“Тарих қайдномаси” асаридаги ҳаётий
лавҳалар, қадимги Хитой давлатчилигига хос хусуси-
ятларни ўзида мужассам этган энг ишончли тарихий
хужжатдир.

Цин Бэн цзи (Цин хонадони аъмоли баёни)

“Цин хонадонининг илк аждоди император **Чжу-**
ан-сюяннинг авлоди эди. Чжуан-сюя набирасини **Нюй-**
сио дердилар. Кунларнинг бирида Нюй-сю тўқиб ўтирга-
нида унинг ёнидан учиб ўтаётган қалдирғоч дафъатан
ўзининг тухумини тушириб юборган. Нюй-сю уни
ютиб, сўнг Да-е ўғлини туққан. Да-е **Шао-дянь** уруғи-
дан **Нюй-хуа** номли бир қизга уйланган. Нюй-хуанинг
унга туғиб берган ўғли **Да-фэй**, **Ююга** ер ва сув ишла-
рини тартибга солишда ёрдан берган.

Мазкур иш муваффақиятли тугаллангач, импера-
тор Ююга нефрит(яшм) салтанат хассасини ҳадя қилди.
Юю уни ола туриб деди:

- Мен бир ўзим ишни тугаллай олмасдим, Да-фэй
ҳам кўмаклашди. Император **Шун** деди:

- О, Фэй, сен ҳам Ююга қарашибсан. Сенинг байролингга қора уқа совға қиласын, сезишмча, зурриёттариңни улуғ мағтабалар күтмоқда.

....Да-фэй таъзим билан төртикларни қабул қилиб, күш ҳамда йильтүрк ҳайвонларни күлга ўргатишига тушди ва оқибағтда жоңворларнинг аксарияти яхши ўргатилиб, бокувчисига тобе бўлиб чиқди. Шунда император Да-фэйни уруғнинг исми шарифи “Ин” билан тақдирлади”(39:15б.).

...627 йили баҳорда Цин қўшинлари шарққа томон қўзгалдилар. Улар Цзинь подшолигини четлаб, Чжоу пойтахтининг шимолий дарвозасидан ўтдилар. Чжоулик мансабдор Вань-сунь Мань деди:

- Цин аскарлари ўзларини муносиб тутишига амал қилмаётибдилар, ularни маглубия тдан бошқа нима ҳам кутарди!...

Шу вақтда Цзинда Вэнь-гунуга аза тутардилар, у хали кўмилгани йўқ эди.. Унинг тўнғич ўғли Сян-гун даргазаб бўлиб деди:

- Цин ҳожими мён етимни масхара қиласяпти, мотамдан фойдаланиб бизнинг Хуанинг остин-устин қилди.

Сўнг, Сян-гун қалин қора мөтам либосини кийиб, қўшинни жангга бошлади ва Сяолань тогининг бўғизида Цин аскарлари йўлини тўсди. У Цинга хужум қилиб қўшигини ёр билан яксон қилди, бирорта цинлик аскар тирик қолмади. Ва Сян-гун учта цинлик ҳарбий саркардани асирга олиб, яна ортиг а қайтди...”(39:29б.).

**Цин Ши-хуанди Бэнь цзи
(Биринчи император Циннинг
аъмолномаси кайдлари)**

Биринчи император **Цин Ши-хуанди** цинлик **Чжу ан-сян-ваннинг** ўғли эди. Чжуан-сян-ван, гаровга олингган цинлик билан канизак **Люй Бу-вэяни** кўриб қолди. Канизак кўзга ташланиб, кейин у унга уйланди ва хотисни **Ши-хуанни** туғиб берди. Ши-хуан Чжо-сян-ван хукуумдорлигининг кирқ саккизинчи йилининг биринчи ойида туғилганлиги учун унга «**Чжэн-биринчи**» деб ном бернилиб, Чжаолар урутига қабул қилинди.. Ва Чжуан сян-ван дунёдан кўз юмгач, у ўзининг ўн уч ёшида Циннинг подшоси бўлди.

Бу вақтда **Люй Бу-вэй** биринчи котиб этиб тайинланиб, унга юз минг хонадон ҳамда “**Вэнь синь-хоу**” унвони берилганди. У бошқа подшоликлар фуқаролари ва олимларини Цинга олиб келиб, улар ёрдамида “**Осмон ости**” ерларини бирлаштиришни ўйлади... (39:536.).

Олтинчи йили **Хань, Вэй, Чжао, Вэй** ва **Чу** биргаликда Цинга хужум қилиб **Шоулинни** эгалладилар. Цин ularга қарши ўз қўшинларини юборди, беш подшолик ўз аскарларини ортига қайтардилар... (39:546.).

Тўққизинчи йили комета пайдо бўлиб, унинг думи ҳақти-вақти билан бутун осмон бўйлаб чўзиларди. Цин **Вэйнинг Юань** ва **Пуян** шаҳарларига хужум ўюнтириди. “**Цзи-ю**” куни хукумдор ўзининг балоғат ёшига етганлиги муносабати билан бошига тож кийиш ва белига қиличли камар bogлаш маросимини ўтказди...

Ўнинчи йили биринчи маслаҳатчи **Люй Бу-вэй**, **Лас Аэм** билан алоқада бўлганлигига айбланиб ўз мавжидан четлатилди. **Хуан Ци** ҳарбий қўмондом этиб тайинланди. Ци ва Чжаодан элчилар келди ва уларнинг

шарафига зиёфат берилді... Асли ғилик **Мао Цзяо Цин** подшосига деді:

“-Цин хонадони ҳозир “Осмон ости” бўлиш йўлида ҳаракат қўлмоқда, лекин Сиз - улуг подшоҳ, бева қолган маликани сургун килган киши деган “ном” олгансиз. Кўрқаманки, буни эшитган подшотиклар Цинга карши юриш қилишади..”

Шундан сўнг, Цин подшоси бева малика билан учрашиб, уни **Санъянга** олиб көлиб, яна **Ян-Ганыцюань** саройига жойлаштируди.(39:566.).

Цин подшоси **Вэн Ляо** билан учраганида, ундан кийим-кечак ва овқат масаласида ажралиб турмаслик учун у билан гўё ўзига тенгдек муносабатда бўлди, аммо Вэн Ляо (шундай) деди:

- Цин подшосининг ташки кўринишни куйидаги-ча: у киррабурун, ғилай кўзли, кўкраги худди ёввойи күшникига ўхшайди, овози эса бамисоли қашкирники. Унда яхшилик жуда кам, юраги гўё йўлбарс ёки бўриники. Оғир шароитларда у жуда осонлик билан ўзини бошқалардан ғаст кўя олади, мағсадага эришгач айни шундай ёнгиллик билан одамларни хароб қиласи. Мен паст унвонли жишиман, лекин учрашувда у доим ўзини мендан-да пастроқ туради. Агар ҳақиқатда ҳам Цин подшосига ўз “Осмон ости” ниятларига эришиш насиб этса, у ҳолда ҳамма пастдагилар қулга айланади. Мен унинг ёнида бўндан орти қ қололмайман...(39:576).

Цин императори Бутун “Осмон ости”ни бирлаштириб “хуанды” - ҳукмрон император унвонига муссар бўлди. Шундан кейин у шарқий ерларни “тинчлантириб” Лбанъ ега келди. Уни **Ван Ли**, **Ван Бэнь**, **Чжао Хай**, **Чзы Фэн У**-цэ, биринчи маслаҳатчилар - **Вэй Лишь** ва **Ван Гуань**, оглий мансабдорлар бўлмиш **Ли Си** ва **Ван У**, **Чжао Ин** ва **Ян Цюолар** кузатиб келишди.

Денгиз қирғоғида император улар билан масла-
ҳатлашгач деди:

- Қадимги подшолар фақат минг “лу” ерга эга
эдилар әзәр үләр қар бири ўзига тухфа қилингандың ерини
химоя қылувчи Ҳоқони саройига хоҳласа келарди, хоҳ-
ламаса йўқ.».

Подшоликлар ўзаро бир-бирларига хужумлар, бе-
рахмлик ва бехурматлик қиласидар, (улар ўртасида)
жанглар тугамас эди.

Энди хоқон-император денгиз қирғоғигача бўл-
ган ҳамма ерларни бирлаштириб, уни ноҳия ва туман-
ларга бўлгач, “Осмон ости”да тинчлик ва хотиржамлик
қоим бўлди. Император ўз аждодларини улуғлаб, савоб-
ли ишлар қилмоқда, унинг олий унвони юксак шараф
билан ер юзида қарор топди...”(39:69-70б.).

* * *

«Мен – сарой муаррихи **Тайшигун** шундай дей -
ман: Императорнинг ерлик ва самовий руҳларга, яъни
машҳур тоғлар, дарёларга қилган қурбонликлари билан
боглиқ сафарларида бирга бўлганман. Мен **Шоугун**
ибодатхонасиага кириб қурбонлик ва ибодатларда қат-
нашганман, шунинг учун фолбин ва коҳинларнинг
сўзларине ўрганиш ва текширишга имкониятим бўлган.
Ишлардан четлашгач, қадимда ўтганлар ва уларнинг
самовий руҳига сигинишга даҳлдор ҳамма нарсаларни
тартибга келтириб, уларнинг барини ички ва ташки
номонидан тавсифлаб бердим. Шундай қилиб, келгусида
яшайдиган муносиб эрлар мен ёзганларим ҳакида ўқиши-
лари мумкин. Қурбонлик идишлари, яшм хасса ва ма-
толарнинг ҳадиси ҳамда қурбонлик вақтидаги маросим-
лар тафсизлоти бўйича маълумотлар масаласига келсак,
улар тегисли манбаларда сақланади...»(39:284б.).

Конфуцийлик

Эрамиздан əввалги Биринчи мингийилликнинг ўрталари турли діний-фалсафий тағаккур асосчилариңнинг ер юзига ташрифи билан тарыхга ёзилди, хусусаң, Жайн, Будда, Зардышт, Моний ва шулар жумласидан Конфуций ҳамда Лаонинг ҳам. Мазкур фалсафий - асл маънавий такомиллик таълимоти соҳиблари тарихнинг гувоҳлик Беришича, гоҳ Ҷуз даврида, гоҳо қисқа ёхуд узок вақт ўтганидан кейин бири дөнишманд, бири пайғамбар, яна бири эса “ило ҳ” мақомида сифиниш объектига айланган.

Конфуцийн инг туғма исми муаррих **Сима Цян**-нинг асари да қисқача шундай таърифланган:

“...Унинг (боши-Н. Н.) тепасида дүнги бўлгани учун исмини “Цю” деб кўйишишган”. У икки ёшида отадан ва ўн тўртга кирганида онадан етим қолган. Шундан сўнг, Цю нуфузли мансабдор Цзи жонадонига дон омб орининг кичик мансабдори лавозимида ишлашга таклиф қилинган. Кейин ‘‘Кун цю’’ - Конфуцийнинг ўз сўзлари бўйича, бошқа бир оила жўжалигида чорва молларини кўпайтириш билан шуғулланган. Йигирма етти ёш га етганда диний мағосимлар ва мусиқани яхши билгани учун курсонликлар ўтказишда мутсадади ходим ёрдамчиси бўлиб ишлаган. Ўттиз уч ёшида оёққа турган. “Кирқ уч ёшда, – Конфуцийнинг эслашибича, - иккита нишларга барҳам берган, эллик ёшда Осмон иродасини идрок этган ва фақат олтмиш ёшда “ҳақиқат”ни англаб этган”(50:30-33б.).

Конфуций таржимәи ҳолида акс этган фаолиятига доир маълумотларда, унинг асосан ўз илми-билимини тинмай оширгани, қўшиқ ва ракс намуналарини жамлагани, диний матнлар устида ишлагани ва ўқи-

түвчилик қылгани кайд этилган. У ўз шогирдларига қуидәги тамойил асосида таълим берган:

1.Илм-маърифат мутлақо насл-насаб тафовутини тан олмайди;

2.Тўртбурчакнинг бир бурчагини билгандан сўнг, унинг қолган яна уч бурчаги борлигига ақли етадиганларнигина ўқитиш мумкин;

3.Мен қадимий китоблар тўғрисида гапираман ва тушунтираман, лекин янгиларини яратмайман. Қадимда ўтганларга ишонаман ва уларни севаман..

Конфуцийнинг шогирдларига ўз таълимоти асослари ни тушунтириб бериши, услубан ва мантиқан Будданинг фалсафий мавзулар юзасидан ўз ўкувчилари била н қылган сұхбат ва “савол-жавоблари”га ўхшаб кетади. Мисол учун, Будданинг рух ва унинг маъжудлиги борасидаги шогирдлари саволига берган “мужмал” жавоблари, Конфуцийнинг таълим тамойилига ҳам бегона эмас дедек.

Яъни, Будда ўз шогирди **Ананданинг** “Рух борми ёки йўкми?” саволига: “Бундай саволнинг жавобида яширинган хавф, одамларни бир гумроҳликдан иккинчисизта олиб боради” деган бўлса, Конфуций, “Лунь Юй” китобида таъкидлаганидек: “Устоздан маданият ва фуқаролик ишлари тўғрисида малумот олиш мумкин, аммо нарсалар моҳияти ва “Осмон йўли” ҳақида эмас, чунки “**Осмон сўзламайди – у сукут суради**”.

Юқорида мухтасар келтирилган Конфуций таълимо тига хос тамойиллардан шундай саволнинг келиб чиқиши табиий:

“Хитойликлар учун маънавий қадриятларининг олий намунаси бўлган конфуцийлик факат фалсафий таълимотми ёки диний эътиқодми?

Холбуки, фандаги Жануби-Шаркий Осиё диний-фалсафий таълимотларе нинг баёнида ҳам бу каби саволлар устида кўп мунозара қилинган. Агар ҳинд теологиясида қайд этилган беш минг йиллик тарихга эга Ведизмнинг кейинги боекичи Браҳм низмдан мустакил ажralиб чиқсан жайнизм ва буддизмдек ўз аслига нисбатан “ноортодоксал” таълимотлар ёки айтайлик, исломнинг нозил бўлиш сабабларига эътибор қиссан, деярли уларнинг бари асосан кишилик жамиятининг маънавий, мағкур-авий, ижтимоий, сиёсий ва ҳатто иқтисодий таназзул топзиши вакъларига тўғри келади. Дунёнинг турли гўшаларида вужудга келган нохуш шароитлардаги бу ндай воқеликнинг моҳиятига – у ёки бу фалсафай таълимот ёхуд диний эътиқоднинг таъсирни билан путури кетган жамиятни тўғри йўлга солишга бўлган интилишга, Тангрининг ўз Бандаларига кўрсатган навбатдаги марҳаматидан бўлақ яна қандай баҳо бериш мумкин?!

Савол устига Берилган саволнинг мантиғидан келиб чиқилса, Конфуцийнинг дунёга келиши ва унинг фаолияти даври ҳам хитой жамиятининг туб мағкуравий, сиёсий-жтиҳоий ўзгаришларга кўз тиккан палласи эди. Том маънода ҳолдан тойи б, факат номигина қолган Чжоу подшолигидаги ёқори насабли аристократиянинг ўзаро жанжалларни, марказий ҳукум атнинг кучсизланиб обрў-эътиборини қолмаганинги, маъмурий мансабдорларнинг укувсизлиги, илгари тобе кичик қабилаларнинг марказий хукуматга бўйсунмай қўйганлиги, ҳокимларни ўз қариёдош-уругларини ҳам аямай бойлик, мансаб, марғабага интилишлари, ўша кезларидаги мамлакат тушикун аҳволининг аччиқ ҳақиқати эди. Мана

шундай сиёсий, ижтимоий ва маънавий тубанликка маҳкум жамиятни ортга қайтариш, уни қайта тиклаш, фуқароларда ўтмишнинг ибратли амъаналари туйғусини уйғостишдек ўта мушқул ишни улдалаш учун, Хитойда жамиятнинг назари тушган кучли бир идеал шахснинг ғоя ва дунёқарашларига эхтиёж сезиларди. Ва ўз халқи олдиғдаги ушбу шарафли вазифани бажариш масъулияти Конфуций тақдирига битилган эди. Балки шунинг учундир, конфуцийлик таълимотининг жамиятда илдиз отгани нопоклик, ноинсофлик, адолатсизлик, молпастылар, худбинлик, беражмлик, гаразгүйлик каби иллатларнинг мухолиф идеали ҳам «цзюнь-цзи» - маънавий такомиллик» бўлиб, инсонда унинг амалиёти қуидаги кайфият ва рухиятда намоян бўлиши керак эди:

1.“Ўз ҳолатидан ҳамиша рози бўлган донишманд кимдандир шафқат ёки ҳаётида дабдабани истамайди. Агар у бой ва жамиятда мансабга эга бўлса, ўзи сингари бой ва мансабдорларга ўхшаб, бордию камбағал бўлса, камбағалдек яшайверади”;

2.“Одамларнинг ҳаммаси ҳам тутма хусусиятлари та кўра бир-бирларига яқин. Лекин улар туғилгандан кейин ҳосил қиласидиган одатлари билан бир-бирларидан фарқ қиласиди. Факат энг улут олим билан учига чиққ ан овсаргина ҳеч қачон ўзгармайди”(6:744б.).

Шундан кўриниб турибдики, Конфуций ўзининг дунёвий муаммолар ечимиға ёндашувини ақлий терапистик, руҳий мўътадиллик ва шукронга қабилидаги умргузароғлиқ асосида белгилаган. Демак, унинг учун этика, наин ки маънавий, ҳатто сиёсий-ижтимоий тартиб масаларида ҳам ҳал қалувчи фактор. У шу сабабдан ҳамюртлари орасида улар учун “янгилик” бўлмаган ўтмишнинг синашта тажрибалари ва улуғ аждодлар ибратидан ўз-

ликни англашга багишланган ғоясими илгари сурди. Унинг фикрича, жамиятдаги құсурлар туфайли юзага келгән ўзлиска терс маңнавий-ижтимоий вазият, эндилекда инсондан ҳаётта ва дүнёга бўлган муносабатларини қайта таҳлил этишини талаб қилиларди. “Бунга - соғлом жамият қуришнинг мезони бўлган “хэ”, яъни “уйғунлик, бирлик ва бирлашиш”га, факат икки қарама-қарши кутбларнинг ўзаро тушунчә ва масалалари тўқнашувининг бартараф этилишидан сўнггина эришиш мумкин. Колган ҳамма нарсаларни эса қарама-қаршиликлар бирлашувининг ўзи яратади” (47:394б.).

Ҳар бир ойланинг ўз ҳолица кичик бир давлат эканлиги азалдан ҳаммага маълум ҳақиқат. Конфуций ҳам худди шу ҳақиқат фалсафий асоси тарғибида давлатнинг ички сиёсий масалаларини ҳал қилиш мумкинлигига ишонган. Конфуцийли кда бу каби “амалиёти осон услугуб” муваффакияттига кафолат, яна ўша қадимги анъаналарнинг тўғрилигига ва уларга сўзсиз амал қилишнинг вожиблиги бўлган. Хуллас, тартиб ва интизом ўрнатилган уйдаги “ота ва ўғил ўртасидаги онгли тафовут”, конфуцийлик талаабига мувофиқ мамлакатда ҳам подшо ва авом ўртасидаги муносабатга тимсол бўлмоғи керак эди. Факат шундаги ина, хонадондаги тинчлик сингари жамиятда ҳам ҳамма ўз ўрнини билгани учун баркарорлик ҳукм суришни мумкин!

Жамиятда Конфуций ғоясидаги ота ва ўғил каби подшо ва фуқаро ўртасидаги тафовутни сақлаш борасида қўйидаги этик фазилатларни амалда жорий этилиши шарт деб билинган:

1. Чжун - садқоқат туйғуси.
2. Жэн - инсонпарварлик туйғуси.
3. Сяо - каттёларга иззат-хурмат туйғуси.
4. Ли - одамлар билан бўлган мусомалада доим тегишли нормаларга амал қилиш шарти”(47:394б.).

Кискаси, оддийгина қилиб таърифлаганды, инсон ва инсоний муносабатлар мавзууда таълимот томонидан жамсият олдига қўйилган талаб-тақозолар соғлом оилас-даги ўзаро муносабатларнинг кенгайтирилган бир шакли эди. Бунинг учун ҳар бир киши ўзидаги табиатан беренглан барча ижобий жиҳатларга номуносиб қусурларидан воз кечиши – нафс ва эҳтиросдан холи ҳамда мўътадил ҳолатда яшашга кўниши зарур эди. Бу шундай онгли кўникма бўлиши керакки, токи унинг амалиёти, жамиятда тартиб сақланишини жазо чораларисиз олиб боришга имкон яратсин. Ва бунинг натижасида фуқаролар мавжуд жамият ҳаётида ўз ўрнини тўғри топа олганлиги билан ўз жойида, ўз шароити ва мавқеида бахтиёр бўлсин!

Таълимотда соглом жамият яратиш учун зарур бўлган барча ижобий руҳдаги инсоний хислатларнинг ўз-ўзидан намоён бўлмаслиги уқтирилиб, уларга эга бўлиш учун кишининг ўзини тарбиялаши, ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши каби масъулиятни онгли равешда ҳис этиши кераклиги тарғиб қилинган. Фақат шунда у ҳақиқатгўй, тўғри кўнгил, кўркмас, зийрак, сўзда эҳтиёткор, амалда иккиланмайдиган, ёшлиқда шахсоний ҳиссиётлардан сақланувчи, улгайганда урушжанжалдан ўзини тиювчи, кексайганда эса қизғанчилик, таомга, бойликка, қулайликка ва моддий манфаатларга бефарқ идеал фуқаро бўлиши мумкин. Ана шундай маънавий баркамол “Олийжаноб зот фақат ўз бурччи ҳақида ўйлади, пасткаш эса ўз манфаати!” (10: 288-289б.).

Конфуцийликда “идеал инсонлардан таркиб топган идеал жамият”нинг юқори ва пастки қатламларга бўлганиши, ҳиндларга ўхшаб насл-насаб негизида эмас, балки ўз хизмат доирасдаги етуклик ва жамиятига

садоқат даражасида түшүн илгән. Дөмак, “расман юқори мансабларга мұяссар бўл иш үчун ҳамма ҳам ҳақли, аммо асосий гап сидекидилдан ҳалққа хизмат қилишдә!”

Таълим отнинг инсон зотига муносиб умргузаронлик қилиш мақсадида ғукаролар олдига кўйган Оила ва жамиятдаги маъсуллияти, ўзининг умумбашарий қамрови ва мағз-мөхияти билан кейинги барча давр дунё диний эътиқодлари маънавияти учун ҳам ҳарактерли эди. Дарҳақиқат, сўнгги нағасгача доим “Тўғри Йўлда бўлиш”лик ва во-жиб амаллар мушкулотидан “түғёнга тушмаслик” нағақат тақво ахли, ҳаттоқи пайғамбарлар учун ҳам осон эмаслиги муқаддам нозил бўлган илоҳий қаломлар қатоғи, улгарнинг сўнгтиси – Куръони карим оятларидан ҳам маълтум:

فَاسْتَقِمْ كَمَا أُمِرْتَ وَمَنْ تَابَ مَعَكَ وَلَا تَطْغُوا إِلَهٌ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

“Бас, (эй Мұхаммәд), сиз әзиз билан бирга тавба килган зотлар ўзингизга Буюр илгани янглиғ Тўғри Йўлда бўлингиз! Түғёнга тушмсангиз! Албатта У зот қиляётган амалларингизни кўриб тургувчиидир (1.Худ сурасининг 112-ояти.).

Изоҳ. Ривоят қилинеш ича, Куръон оятларидан бирон оят Мұхаммад алайхис-саломға юқоридаги оятчалик қийин – оғир кўришмаган экан. Зоро, у қиши пайғамбар бўлганлари учун ҳам Тўғри Йўлда Аллоҳ буюрганича яшаб ўтиш накадар қийин эканлигини ҳаммадан яхшироқ англар эдислар. Шунинг учун ҳам у зот мана шу оят нозил бўлганнида “Шайябатний Ҳуд”, яъни “Худ мени кареитди”, деган эканлар(2: 1516.).

Лекин шуниси ҳам аёнки, деярли аксарайят диний-фалсафий таълимотлар ўз вақтида танқид ва

~~тазийиқка~~ учраган. Бу ҳақиқатнинг далил-исботи тариқасидаги энг сўнғиги мисоллар Исо(а.с) ёки Мұхаммад (с.а.в.)нинг ҳаёти ~~ва~~ фаолиятидир. Модомики шундай эксан, биз юқорида келтирган “янги диний эътиқодлар”га муносабаг масаласи, Эрамиздан аввал жорий бўлган конфуцийликнинг “идеал инсонларнинг идеал жамияти” ҳақидаги тарғиботига ҳам кенг ё тор маънода ~~на~~ аллукли бўлган. Негаки, “маънавий ислоҳотнинг бу услуби, жамиятда алоҳидалик ёки ўз яқинларига бўлган мұхаббат хиссиётини кучайтириб, ўзгаларга нисбатан ~~на~~ фрат туйгусини уйғотиши мумкинлиги даъво килинган. Конфуций таълимоти ғоясига қарши чиққан мұтафаккир Мо-цзи ўз эътиrozини шундай баён этган ~~ва~~ у шу фикр замирида “Осмон ости”да тартиб ўрнатиш учун “умумий севги” тезисини ёклаб чиқкан:

“Хозир ҳукмдорлар фақат ўз салтанатини дейди ~~ва~~ фақат ўз давлатларини ёқтирадилар, оила бошликлари ҳам худди шундай – фақат ўз оила аъзоларини се вади, аммо ўзгаларни хуш кўрмайди. Башарти кенг маънодаги ўзаре севги туйғуси бўлмас экан, у холда бўндай “чекланиш” ўзгаларга нисбатан ~~на~~ фрат хиссини уйғотади”(16:399.).

У муман, конфуцийликда хоҳ оиласда, хоҳ давлат мұкәсіда бўлсин, якка ҳокимлик ҳукмронлиги ғояси шу дарражада меъроjий моҳиятга эга эдики, унда подшо: тўғридан тўғри илоҳ мақомигача кўтариларди. Зоро, Конфуцийнинг “Баҳор ва куз” номли асарида “подшонинг илоҳлиги” энг ишончли – ҳужжатли далил сифатида шундай ёзилган:

“Император - “Осмон ўғли” (демак), унинг ердаги кўриниши – “Осмон”нинг жонли тимсоли. Ер юзидағи қуруқликнинг маркази “Осмон ўғли”дир. У амр-фармөнларни “Осмон”дан олади, тобе ҳокимлар эса уни “Осмон ўғли”дан оладилар”.

Бир тарафдан хуқмдорни бундай илохий ихтиёрға эгалиги мамлакатның идора этишга чексиз имкониятлар яратиб берса, лекин иккинчи тарафдан, бу улуттуклик, “илохийлаштирилгән подшо”га “Осмон” фазилатларига таҳассуб қилиш լозимлиги масъулитини ҳам көклар эди:

“Агар подшо Осмон ва денгиз каби улутвор бүлсагина халқ уни хурмаглайди, унинг ишларига хайрикохлик қилади!”(6:7456.).

Ваҳдолонки, конфуцийлек тарихида унинг кўклиарга кўтарилига миил ийғозлари, давлатни бошқаришда кўл келмаз, сиёсатдан чётлатилган вактлари ҳам бўлган, масалан, эрамеиздан аввалга V-III асрларда Чжань-го давридаги легизм фәлсафий мактаби тазиийки остида. “Легизмнинг муросасиз қонунлари, конфуцийликка нисбатан хуқмдор учун шахсий мулқдорларни доим кўл остида ушлашга қўйай ва Хитойни бирлаштириш ишида яна да кўпроқ хуқуқлар берарди”. Шундай бўлса-да, зиддиятлар қаторида кўп жиҳатдан ўзаро ўхшашликлари ҳам бўлган ҳар икки фалсафий таълим хот синтезини вужуд га келишида Хан даврининг машҳур императори У-ди катта жисса кўшди. Сўнг, шу нуқтаи назардан унинг вазири Дун Чжун-шу конфуцийликни ўз аслидан анча-мунча ўз гартириб, уни яна расман яго на давлат динига айлантириб(10:2986.).

Конфуцийликнинг давлат сиёсати, ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ҳамда маданий хаётида ўйнаган салмоқдор ролига асос бўлган жиҳатларидан бири, таълимотнинг мамлакат мисъесида чуқур ўрганилиши бўлди. Бу фактор, қисқа муддат ичида Хитойда мавжуд таълим тизимини явги ва янада юкори погонага кўтарди.

Хитой “Таълим тизимида қадимий матнларни ўқий олиш ва туғцуниш, хикматли сўзларни оғзаки ва

Езма тағзда талқини билан истифода этиш тажрибаси ва үмуман – ўтган мингийилликлар даврида Хитойда таълимтарбия, илм-фән соҳасида эришилган муваффақиятлар бары, көйинчалик бориб конфуцийлик таълимоти юзасидан эгалланган билим савиғаси билан ўлчана бошлади”. Мазкур таълимотни мутахассис даражасида ўзлаштирилиши, ҳаётнинг исталган жабҳасида – мансаб, мартаба, лавозим, бойлик, иззат ва ҳурматга эга бўлишнинг ягона манбаи бўлиб қолганди(10:3016.). Агар шу ерда “конфуцийлик ва таълим” мавзуудан бироз чекиниб, таълимотнинг ўтган асрлар ичидағи назарий ва амалий трансформацияси масалаларига диққат қилсак, икки муҳим хусусиятни илғаймиз:

Биринчиси, конфуцийликнинг инсон шахсиятига тааллукли идеали шу даражада ҳаққоний – нафс ва эҳтирос, бойлик ва ҳою-ҳавас, ҳиёнат ва мунофиқликдан ҳоли ве маънан юксак пойдеворга курилган эдик, энди “бундай кишиларни назорат этишга мўлжалланган қонуннинг ўзига жамиятда ҳеч бир ўрин йўқ эди!”.

Иккинчиси, конфуцийлик билимини аждодлар ҳикмати тимсоли сифатида ўқиб ўзлаштирган ва уни амалда қўллай билган “мутахассис” учун, юқоридаги иқтибосда бирма-бир санаб ўтилган манфаат даргохининг имкониятлар эшиги доим кенг очиқ эди.

Кисқа таҳлилдан холоса шуки, бир ёқдан Конфуций таълимотининг буддизм сингари бўлмаса ҳам маълум маънода мухит ва вазият таъсирига “ён берган”-лиги, Башка ёқдан, унинг ҳар қалай замона зайлига қараб сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётдан узоқлашмаганлиги, келгусида жамият ботиний онгига сингдирилган аждодлар руҳига садоқат устуворлигининг асрлар оғла сақланиб қолишини таъминлади. Бу устуворлик хитойларнинг конфуцийликдан кейинги буддизм даври-

даги ижтимоий-мәйнавий жаётиниң барча соҳаларида ҳам ўз муҳрини қолдири.

Фикримизнинг амалгы тасдиғи учун, буддизмнинг Ҳиндистонда тарқалиши ёки унинг ламаизм шаклида Тибетда қарор топишига ўхшаш воқеаларда, “янги дин”нинг янги имкониятлари қаторида унинг қабул қилинганидан кейин таркибиға кирған “маҳаллий хусусиятлар”ни бир эслайлик:

“Инсоннинг фақат ғасл-насабига қараб улугловчи ёки худди шу вождан таҳқирловчи брахманизм мағкураси мұхитида уни этник ва ижтимоий тенглик, диний садоқат ва пок аымы болан “беизтироб дүнё” марҳаматларига ноил бўлишибига чорлаган Буддизм, наинки аҳолининг аксариятини ташсил кильтувчи шудра-лар(Й), балки табақа тизимидан ҳам маърум этилган “чамара”(К) каби хўрлашганлар учун умуман кутилмаган баҳт эди”(30:696.).

Ёки, эрамизнинг таҳминан V асридан Тибетда тарқалган буддизмнинг янги йўналиши бўлган ламаизм Будда доктринасининг “ҳинояна”(Л), “маҳаяна”(М) ҳамда индуизмдан ўтган қадим тантризм(Н) таълимотииининг синтезида шактланди (10:3766). Ва оқибатда, ламапарастларда, мәйнавий етуклик ҳамда эътиқоддаги мукаммалик шарофати билтан Будда руҳи зараларининг қанчалик мавжудлигига қараб “моддий дунёдаги туғилишлар силсиласи”дан қутилиш имкони туғилди. Лекин шунга қараемай, Буддизм, ҳар икки ўлқада ҳам собиқ мәйнавий-ижтимои й тушунчаларни ҳинд ва тибетликлар ботиний оңгидан бутқул “ситиб” чиқаролмади. Бинобарин, биз буддизмнинг ҳинд ва Тибет тупроғидаги тарижига муро жаат қилишимиздан алоҳида таъкидламоқчи бўлган жиҳат, гарчи янги дин бўлмиш буддизм хитойларга ҳар қандай кишида табиатан қизиқиш уйғотувчи сирли руҳий слам ва ундаги роҳат-

фағорғат тушунчасини кашф этган бўлса-да, аммо улар урғ-одат, азалий анъана ва энг муҳими, руҳан, ахлоқан ва фикран ҳиндлар ё тибетликлардан ҳам кўпроқ “соғ конфуцийпараст” бўлиб қолавердилар. Чунки, “ҳар бир хи-тойлик таълим-тарбияда, муомала-муносабатда ва айни қса, маросимлар анъанасида ўзининг ёруғ дунёдаги биринчи қадамидан то сўнгги нафасигача ота-боболаридан қолган – ҳар қандай ислоҳлардан ташқари бўлган воғжиб амалларга садоқатда ҳаётдан кўз юмарди”.

Одатда диншуносликда конфуцийлик расмий маросимларини бошқа диний эътиқодларга хос шу руҳдаги амалиётдан мураккаб ва бардавом эканлиги тез-тез эслатиб турилади. Қадимдан бу жараёнда ибодат ва анъаналарни маромига етказиб бажарилиши, тақвадорни нг маълумоти савияси ва сифати асосида баҳолангандан.

Манбаларда алоҳида зикр қилинишича, дунёдан ўтишган ота-боболар хотираси ҳурмати учун ижро этилади тан айрим маросимлар жуда узок, қатто йил бўйи ва ундан ортиқроқ давом этган. Агар бирорта шенъши – маҳсус билим эгаси ёки мансабдор ўз ота-онасини дағн этиши ёхуд ўтганларини хотирлаб анъанавий маърқаларни ўтказгудек бўлса, орадан қанча вақт ўтишидан қатъи назар, уларга кейин яна ўз иш жойларига қайтиш ҳуҷуки берилиб, то маросимлар тугагунича маош ҳам тўлаб турилган(10:3056.). Шунга яраша жамиятда маълум мавқега эга зотларнинг маросимлари оддий авомдан фарқли равишда катта маблағ ва сарф-харажатлар бадали га ўтказилган.

Амалиётда хитойлар ҳаётида маросимлар қонуни ва талабларига риоя қилиш шу даражада муҳим бўлганки, уларни ўз вақтида сидқидилдан, мунозараю мубоҳаса қилмай ва албатта оқибат моҳиятига қизиқсинмай бажарилиши фарз деб билинган. Омими, зиёлими, мансабдор ё оддий фуқароми, ялписига хитойлар ичида

маросимлар қонъун-коиджалари га нисбатан бундай фидо-йиликнинг автомагазин руҳини ижтиёғ этишини, уларнинг ўз диний тасаввурлари таъсирига нисбатан, кўпроқ болалиқдан онгларнига сингди рилган таъбияниг “хосилиси” дейиш мумкин.

Нафсилашар бой ёки оддий меҳнаткашнинг ўзиши ва рўзгори ташвишлари га қарамай, таълимот этикаси талабига бундай сўзсиз бўйсуниши, миллий қадриятларни эъзозлаши, ҳукмроғи доираларга “кибор ва авом” ўртасидаги масофани саклашга жуда қўл келарди. Ёки мазкур маънавий “маҳкумлик” оқибати ва моҳияти сабаби Конфуцийнинг ўз сўзлари билан айтганда:

«Қачонки ул уғлар ўтмеиш нуғузини эъзозлаганда, уларга нисбатан оддий авомнинг бехуруматлик қилишга ҳаққи йўқ. Қачонки улуглар ўз фарзини адо этганида, оддий авомнинг бебошлиқ қи лишгага ҳаекки йўқ. Қачонки улутлар диний эътиқод шартларини баъжарганларида, оддий авомдан ҳеч бир кишининг виҷдоносизлик қилишга ҳаққи йўқ» (50:3-46.).

Дарвоқе, конфуцийликнинг зикр этилган ижтимоий фалсафаси ва шартли этикаси ҳамда кейинчалик унинг дин сифатида жамият ва давлат ҳаётидаги ибтидоий ва “ислоҳ қилинган” фаолиятига қараб туриб, мантииқан, яна ўша юқорида муҳтасар таҳлил қилинган саволга дуч кели наవеради:

“Конфуций таълимости соғ этиками, ижтимоий-мафкуравий фалсафами ё сокир оқибатда диний эътиқодми?

Худди шу сабабдан диншуносликда ҳам конфуцийликка турли ургулар остида қараш тенденцияси ҳали-ҳамон давом этиб келади. Шундай экан, мазкур савол юзидан фанда белдирилган муносабатлардан айримлари билан танишиб чиқайлар. Жумладан, канадалик синолог Дэжо н Бертронгнинг жавоби:

“**Коинотнинг асоси ғамхўрлик эканлигига бўлган эътиқод**, диний онгнинг Олий куч олдидағи қўрқуви ва Унионг эъзозига хизмат қилувчи хитой динини яхудийлик, ~~на~~соролик ва исломдан ажратиб туради. Худди шунинг учун Хитойда диний эътиқоднинг этик фалсафа билан доим риштаси мустахкам бўлган”.

Ёки рус динишунослигида Хитой диний-фалсафий таълимотлари хусусида мутахассислар назариға тушган иккисин чи бир олим Л.В.Васильевнинг холосаси:

“...Сўзниг том маъносида тўлақонли дин бўлмаган ~~коин~~фуцийлик, оддий диндан-да муҳимроқ аҳамият касб этди. Конфуцийлик – бу ҳам сиёсат, ҳам маъмурий тизим, ҳам иктисадий ва ижтимоий жараённинг бошқарувчилиси, хуллас, бутун Хитой турмуш тарзининг асоси, хитой жамиятининг тузилиш тамоили, хитой цивилизациясининг асосий мағзи”.

Савол юзасидан яна шундай “умумий” хисобланувчи фикр-мулоҳазалар ҳам бор:

“Хозирги пайтда кўичилик мутахассислар фикрича, конфуцийлик дин эмас, у сиёсий-етик таълимот. Қадимиги хитой тилида “дин” деган сўзниг ўзи бўлмаган, бу сўз аслида японча ”сюке” сўзи бўлиб, у дин маъносида XIX асрнинг охирида европа тилларига қилинган мәтиллар таржимасида сунъий равища истифодага киритилган. Хитойча “цзяо” сўзи, диний ё диний эмаслигидан қатъи назар, факат таълимот маъносини билдиради” (32:56.).

Бордию, энди саволга тегишли жавоб учун яна Будда ва Конфуцийнинг шахсий фикрлари доирасига қайтсанак, мисол учун, уларнинг рух мавжудлиги тўғрисидаги баёнларида, гўё бу масала одамлар учун сир колишик жоиздек кўринади. Шахсан Будда факат ўзигагина маълум бўлган илмлар юзасидан доим ҳам берилган саволларга аниқ жавоб қиласермаган:

“Рух оддий одам ва ўз га дин намояндалари биладиган маънода мавжуд эмас”-

Унинг сўзларидан, демак, руҳнинг қайси маънода мавжудлиги ўзигагина майдум бўлган ё бўлмаса, унинг ўзи учун ҳам сирлигича қолган. Ёки Конфуцийнинг “эътирози”ча, ҳаёт ва ўлим одам учун билиш мумкин бўлмаган мавжум өвқелик:

“Биз ҳаёт нималигини билмай туриб, ўлимнинг нималигини қандай билиши миз мумкин?”

Ўйлаймизки, бу “мавжумотлар” эътирофи ўз мантифи билан гайри-оддий Куч мавжудлигига бир ишора бўлса-да, аммо унга к онфуцийликнинг фалсафий муносабати, ўзга динларга мансуб анъанавий эмоционал ва мисстик руҳиятдан буткул мустасно. Шунинг учун таълимотда диний эъти қод мунозараси маҳсус мушоҳададан узок. Холбукни, Конфуций ўз фалсафий тафаккури доирасидан ташқари бўлган “диний мавзу” ё унинг талқинларини рад этиб очиқ танқид қилмаган. Аксинча, у ўз ўқувчиларига кормил инсон ва ибратомуз жамият ҳақида сўзлаганида, кишини камолот манзилига элтувчи маёқ рамзида “олий мақсадларни фақат ҳамиша ҳамма ерда ҳозиру нозир Даога ётишган ҳолдагина амалга ошириш мумкин”лигини уқтирган (50:326.).

Пировард Конфуций таълимоти таркибида аждодлар хизмати ва ҳикматига муносиб – таълимот асосини назарий ва амалий ўзлаштирган зот учун, гёё баъзи бошқа динлардаги каби ўз Яратганига яқинлаштирувчи тоат-ибодатга ҳожат йўқде к. Бу жиҳатдан Конфуций дунёкаралари, жайназмдаги инсоний такомиллик меърожи қаршилисида Иложга мурожаатнинг иккинчи планга ўтиши ёхуд индуизмдаги “Карам-дҳарам - Мехнатнинг ўзи зибодат” эканлиги принциплари билан анчайин муштарақдек. Шу сирадаги яна энг ажабланарли факторлардан бири, худди “Илоҳиёт мавжудлиги

ни тан оламан, бу ҳақида бутун дунё бир фикрда” деган Буддани, мелоднинг бирикчи асридан тош бутларда мужассам топган сиймосига Худо сифатида сажда қилингандек, “Конфуций ўлимидан сўнг, унинг қульти ҳам секин-аста барча давлат фаолияти ва инсоний ахлоқ тақозоларига бўйсундирилган ортодокс ал ва бюрократив диний эътиқод мақомини эгаллади”(3:6:533б.). Шундан кейин конфуцийлик амалиёти икки фирмага бўлинди: “оғзаки ва ёзма”. Сўнгги мингийиллекнинг ўрталарида пайдо бўлган деярли барча Жануби-Шарқий Осиё диний таълимотларда вақт ўтиши билан юз берган фирмаланиши тенденцияси, хоҳ буддизмдаги “ҳинаяна ва маҳаяна” ёки жайнизмдаги “дигамбар(О) ва шветамбар(П)” бўлсин, ҳозир кўрганими здек, у қадар кескин бўлмаса-да, конфуцийликни ҳам четлаб ўтмади. Ўз даврида омма орасида кенг тарқалган барча “таълимотдан ташқари адабиётлар” қалбаси деб топилиб, мелоднинг II асрида конфуцийликнинг маҳсус тошга ўйилган “Беш китоб”ининг давлат нусхаси асосий манба сифатида қабул қилинди. Демак, Конфуций тарафдорлари кўлидаги манбаларига қараб икки гурухга бўлингандар:

Биринчи гурух – “Беш китоб”гача бўлган “илк давр адабиёти”га, иккинчи гурух – “Беш китоб” ва ундан кейинги ёзилган адабиётларга амал қилувчилар.

Сўнгги қарор шу қадар жиддий оқибатларга олиб келдеки, Конфуций васиятларига амал қилмаган фуқароларни энг оғир – ўлим жазосига маҳкум этишга ўтилди(34:143б.). Дарвоқе, конфуцийлик гоясига йўғрилган Хитойда, деярли дунёнинг бошқа гўшаларида ўчратиш мумкин бўлмаган яна бир жазонинг тури шу Эдикки, ўз дангасалигидан қашшоқ аҳволига тушиб қолганлар ҳам вақтинчалик ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилганлар.

Давлат дини дәражасидаги конфуцийлик мағынраси, одамларнинг ўз-аро мұносабатларидаги иззат-хүрмат қатори шунингдең, инсөний ғурур туйғусининг асл шарқона шаклі-арини келиб чиқишпігі ҳам ўз мұносиб ҳиссасини қүшеді. Мансабдорларнинг иш ва бошқа жабхалардаги ўзаро мұомаездада сұхбатдошини «бошиға күтариб», унга нисбатан ўзини ўға хоксор тутиши ўз замонида одаг тусига киргән ахлоқ-одоб нормасини нг бир эстетик күріниши эди. Мұлоқтот ва сұхбатда истіғодаси урф бўлган: "Менде ж бир камтарин қулингиз... .", "Тақсириминг исми мубораклари... .", "Бевақт безовта қилганим учун мен н отавонни маъзур тутасиз..." каби бўрттирма жумлалар шулар жумласидандир. Бу мұомалада энг мухомми, бир тарафдан, ҳам сухбатга бўлган хурмат урғуланса, иккінчи тарафдан, агар у мухолиф бўлса, конфуцийпараст ўз жамтарлтиги билан ғурурини ҳимояялаб, мухолифни эса ҳашерлікка давват этарди. Чунончи, "хито йларда мусомаладаги камсуқумлик қишини ҳеч қачоң паст та урмаган, аксинча, бу ўз қадр-кимматини аср-аш-авайлаш бўлиб, бирорлар олди да камситилиш эса қадимдан Хитойда фожия билан тенг бўлган". Зоро, конфуцийпараст учун ғурур ва хоксорлик, катъият ва бўйсуниш, ихтиёр ва штоат фарзи оиладан бошланувчи инсоний қадриятларнинг маънавий манబалари бўлган. Таълимотда таранным этилганидек, оила-нинг хитой жамияти пораги эканлеги ҳам шунда. Хуллас, аждодларга хос маънавий улуғворликни хитойлар қалбига жо қилишиб, жамиятда тўлаконли барқарорликни таъминлаш йўлида миллий цивилизация – синашта ўтмиш мағкураси, маънавияти ҳамда давлатчилик да сиёсий-ижтимоий фидойислик таъмал тошини кўйган Конфуций таълимоти, нағағат Хитой, балки бутун Шарқий Осиё ва Узок Шарқ халқлари миллий характерида ҳам ўз ғұмас изиниң қолдиради. Шу нұктай на-

зардан бир гурух хитойшунос ва диншуносларнинг тадқиқий хулосаларига қараганда, “Конфуцийлик ўз мөҳияти, яъни қарийб икки мингйилликдан зиёд давр мобайнида мазкур минтақа ҳалклари, хусусан хитойларнинг ақслий, руҳий, ахлоқий ва ижтиғомий шаклланиши ҳамда ғивожланишидаги ўз хизмати ва ҳикмати билан дунёдаги бирон бир йирик диндан колишмайди...” (10:309б.).

Ҳа, дарҳақиқат, Конфуций фалсафаси инсонни гуноҳлий йўлларга етакловчи нолок ишлардан фориг қиливчи ўз ғояси, кундалик хаётда эзгуликка, аждодлар ибратига назарий ва амалий тахассуб қилишга чорлаган шиори билан, том маънода, ўз даври диний эътиқодларидан кам эмас эди. Лекин шунга қарамай, хитойларда илк диний туйғунинг уйғониш даврига хос мифо-логик тасаввурларда акс этган мистик ва эмоционал ҳаракатердаги руҳий оламга бўлган эҳтиёж, факат салкам конфуцийликка замондош ва қайсиdir маънода ҳатто Фикрдаш даосизмнинг эрамиздан аввалги II асрда тўлақонли дин мақомини эгаллаши – миллий ва маънавий қадриятларнинг расман диний тус олиши билангина ўз муродига етди.

Даосизм

Инсоният ўзининг илк эътиқод шаклларидан бошлиб интуитив ёки онгли равишда доим ўз ички дунёси - руҳий олами сарчашмаси кўзини очишга интилишидан тинмаган. Агар ушбу фикрни мавзумиз фалсафий таълимотлари мисолида давом эттирасак, “киши умр бўйи фақат конфуцийлик руҳида яшаган тақдирда ҳам, у Барибир “руҳий дискомфорт” хиссиятидан холи қололмасди. Бу жиҳатдан ҳозирги атама билан таърифланганда, диннинг “экзистенционал функция”си – мав-

жудлик вазифаси, хитойларда борлиқ ва рухий олам, ҳаёт ва ўлимниң сир-асрорларини очиб бериш и ўз олдига мақсад қилиб өйрәнгендесизи м зымасига тушган эди. “Рухни тан олмай,” метафизик спекуляцияларга шубха билан қаровчи конфуцийлик” мұхитида “мангулик” гояси ва амали ётиғ а ассоланған Дао таълимоти айни рухиятта өбаста ўз ҳаё тбахш хусусияти билан Хитой сарзаминыда икеси менг йил умр күришіга мүяссер бўлди.

“Лао-цзи” мазкур диний эътиқод асосчисизнинг номи бўлиб, ривоятга кўра унинг маъноси – онаси қорнида 81 йил ётиб туғилган “дошишанд чол”ни Англатади. “Йўл”, “услуб” ёки “дун ёнинг негизи” мазмунидаги “Дао”, бир қарашда, гўё моддий дунё билан борлик фалсафанинг ифодасидек, аммо аслида ў бутун борликни камраган ва уни тинигимиз ҳаракатлантирувчи Конун сифатида намоён бўлади:

«Буюк Дао ҳам маёқка қараб оқади – ўнга ҳам, сўлга ҳам ёйилган ва У саб абли жами мавжудод яралди, ўзи эса, доим ўзгаришда бўлиб ҳеч тўхтамайди. У ҳамма жойда ва ҳамма нарсада. У пантейстик маънода чексиз ва тугалсиз, шунинг учун ўз ниҳоясига етмайд яна ибтидосига қайтади. Дао олий қонун бўлгани учун унг барча борлик бўйсунади, шу жумладан, илоҳият – Осмон ва Ер ҳам. Дао онгдан ташқрия ва уни сўз билан тушунтириб бўлмайди» (47 :355б).

Агар инсон ақлидан ташқаридали Дао хусусиятларини таълимот муаллиф иниң ўз сўзларида таърифласак:

“Унга қарайману лекин кўрмайман, шунинг учун уни “кўринмас” дейман. Унга кулоқ тутаману лекин эшийтмайман, шунинг учун уни “эшийтилмас” дейман. Уни тутиб оламан дейману лекин ҳеч кўлга илинмайди, шунинг учун уни кўринмас “зарра” дейман... У “шакл-

сиз Шакл, ўзи йўқ Қиёфа”, “Дунёда ҳамма нарса борликдан тугилади, борлик эса йўқликдан”. “Дао – бўшлиқ, аўммо унинг фаолияти ҳеч тугалланмас туюлади..”

Лаонинг сўзларидан маълум бўладики, инсон хаётининг асл маъноси доим Даога этишишга интилиш бўлиши керак, зеро, “нарсаларнинг ўз ибтиносига қайтиши – бу тугал хотиржамликдир”.

Буюк марҳаматга ноил бўлишнинг асосий шарти маънаэй покланиш, моддий дунё ҳою ҳавасларидан воз жечиб, мушоҳадага чўмиш ва асл ҳакиқат мўъжизасини идрок этишига мушарраф бўлиш. Чунки «Бутун борлик бор-йўғи факат яширин руҳий манбанинг инкишофи. Шу босис инсон учун Даода яшаб, Унинг конунларига амал қилишдан бўлак улуг ва муносиб мақсад йўқ» (50:296.). Даосизм гоясининг “йўл”да мужассамлиги ҳам шунда. Бу жуда узун – бир умрлик ғайриоддий такомзиллик йўли. Унда мангаликка эришиш ўз боскичларига эга. Бевосита мангалик йўлининг таҳлилига ўтишдан зилгари, мажозан, “сўнгги манзил”га мұяссар бўлган дао-параст ҳолатини кузатамиз.

“Даога қайтиш ёки Даода яшаш” бамисоли түғилмаган бола ҳолатининг ўзгинаси, чунки она билан ҳомиля танаси битта, шунинг учун у онадан нафас олади ва овқатланади. Демак, она-Дао бағрига қайтиш, инсон шахсиятини космик миқёсда тажассум топишига олиб жедади ва шунда киши “Осмон остига – Бутун бўрликқа тўё ўз танасидек қарайди”.

Фанда ҳатто “Дао фалсафаси концепциясининг яратилишидан муқаддам даосизм билан генетик алоқаси бўлган қандайдир аёллик илоҳи эъзозланганлиги фараз қилинади”(51:536). Балки шунинг учун “Дао дэ-цзи”да мұаннис илоҳга мансуб ҳамма маънолар тавсиф этилган, яъни:

“Дао – бүшлік, бүш миши, муқаддас зимиңстонлик, муқаддас мәдән – сөмөн ва ер дарвозаси, осм он ости онаси”. Демак, Дао – зманғулик таълимоти сифатыда борлық ва ҳаёттинг манбаи, йүз муридига абадий ҳаётни баҳш этувчи тириқтік ибтидоси”(42:150б.).

Дао ва иңсон бирли гидаһ билдики, таълимотда Дао ибтидо рағымзи сиғатида таърифланса ҳам, лекин табиатан У күпроқ аё ллик ғаолияттани бажаради ва бұнда әрлік ибтидо си қатнашмайтын”(42:154-156б.).

Башарты одамзод Даонинг ижоди экан, унинг барча жиһатлар и ҳос иятли ва Фазилатли бүлиши керак зди. Лекин у - иңсон аксарият ҳолларда аксинчя, Аслыят қонуннларига ам ал қылмай нағси туфайли ўз манфаати тазийки остида ҳаёт көчериғшының ағзал күради. Ва жамиятдағы өнисоф лик, шохақтік, бебошлиқ ва бебурдлік, қон түкилиши җамда зўравонликлар ҳам ҳаммаси шундан. ”Холбуки, жамиғ табиат хотиржамлик ва уйғұнликка интилады, чунки дүнё ф ақат муқаддас маънавий Манбанинг зохияр кисми. Иңсон эса табиатдаги муво затнан бузиб, ҳақықат үйүнділан оғзан”.

Даосизм дунён-карашлари ўз мазмунни, моҳияти ва моддий мавжудотта уйғунылғы билан тасаввуфнинг борлықта ва шунингдек, инсоннинг ўз асл табиатыга терс күсурларын түғрисидәги муносабатига мантиқан анча яқин:

«Олайлик, ўшга таса ввүфдаги кенг тарқалған вәхдатул вұжуд таълимотини. Бу таълимотта биноан, Худоанд оламларни Ўз жамолын ва қамолини намойиш этиш учун яратди. Яльни, Ўз жусини тамошо қилиш учун Ўзига күзгү яратдикел, бу биз ни ўраган моддий оламдир. Аммо бу күзгүнинг жағхары – инсоннинг қалби.

Бироқ ҳамма иңсонлар ҳам шу шарафға муносаби?...Ағуски, йүк. Гарчи ҳар бир одам ўз даражаса қолаты билан Парвардығор қудратини намойиш этувчи

бир тимсол бўлса-да, аммо инсонга берилган юксак таърифлар, аввало инсон ҳақиқати ва моҳияти ҳақида-дир. Хўш, инсоннинг ҳақиқати нима? Инсоннинг ҳақиқати унинг илоҳийлиги...Кимдаки бу раҳмоний рух голиб бўлса, у шунча шарафли ва мукаррам. Аксинча, кимдаки бу рух кучсиз бўлса, у шунча табиатга ён босган, яъни жисмоний – ҳайвоний майлларга берилган бўлади» (20:6,149б.).

Агар тасаввуфда Илоҳ ва инсон мавзуи бевосита узвиёйлик тимсолида таърифлансан, даосизмда нисбатан мажсазлар воситасида тавсиф этилади. Лекин ҳар икки таълимотда ихтиёр этилган ҳақиқат йўлларидағи ”фарқланишлар”, ягона диний туйғу кўзлаши мумкин бўлган манзил бирлигига ҳеч халал етказмайди. Масалан, Даонинг коинот ва мавжудот асоси, даопарастлар учун илоҳиётнинг олий намояндалари “Осмон ва Ер” эпитети эмас, балки “Дао-дэ цзин” китобининг биринчи қисмида айтилганидек, улардан ҳам юксак ва тафаккурдан ташқари бўлган ломакон Сиймодир:

“Босиб ўтилиши мумкин бўлган йўл ҳали бу ҳақиқий йўл эмас. Зикр қилиниши мумкин бўлган Ном ҳали бу доимий ном эмас. Беном – Осмон ва Ер ибти досидир”...

**“Осмон ости”дагилар агар билганда,
Яъни, бу гўзалликнинг гўзаллигини,
У ҳолда бўлурди бу -
Мутлоқ хунуклик.**
* * *

**Агар билса ҳамма уни -
Яхшилик бу яхшилигини,**

Бўлмасди у ҳеч қачон

Энди яхшили к.

* * *

Шу боис бору йўқлийк,

Бири-бирин тутагади,

Оғирлик ва ёнгиллэйк,

Бир- бирин яратади,

* * *

Узун-қисқа доимо,

Бир-бирин шаклайиди,

Баланд ва паст доимо,

Бири бирин ўлчайди.

* * *

Оҳанг, усул доимо,

Бирликда берар садо,

Ибтидо ва иштиҳо -

Эргаш, натижга - ташҳо!

* * *

Шу боис мутафаккир,

Иш-ла банд, ишлов дамас,

Ижод-ла банд, сўзловдамас.

* * *

Хизмат иззат истамас,

Бас, агар шузандай бўлса,

Демак, иззат ҳам кетмас!² (43:2266.).

Агар бу мисралар даосизмнинг тугал монотеистик рухияти баёни бўлмасда-да, ҳар қалай үнинг абстракт Абсолютга мо йиллигининг далили.

Мажозан, Даҳо моҳиятинин г баъзи жиҳатлари, индуизмдаги рухлар субстанцияси Браҳм ага, фалолияти эса тўрт босқичга бўлинган бутун бо рилининг ибтидосидан

² Мазкур матн Рус тилидан эркин тарж има килдинди.

то иктиҳосигача қамраган **Сатюг**, **Трета**, **Двапра ва Калиюг**(Р) атальмиш даврларнинг узулуксиз қайтарилиш қонунига ўхшаб кетади. Лекин мифология масаласида хито́йлар хиндлардан фарқли ўлароқ ўз қаҳрамонлари ни афсонавий зотларда эмас, балки кўпроқ реал шахсларда кўрадилар. Дао таълимоти асосчиси Лао ҳам шулар сирасидандир. Афсуски, унинг таржимаи ҳолиҳ ҳақидаги маълумотлар жуда кам. Шунинг учун барча тарихий, илмий-тадқиқий манбаларда кекса Лао ҳаётни ва фаолияти деярли бир хилда шундай муҳтасар баён килинган:

“Қадимги Хитой муаррихи Сима Цянюнинг маълумсэтича, Лао-цзи Чу давлатида тавалтуд топган. У бир неча йиллар давомида подшо саройидаги архивнинг мутасаддиси бўлиб ишлаган, аммо мамлакатда бошланган ҳумумий маънавий инқирозни кўргач, у ўз хоҳиши билан ишдан бўшаб ”Жанубга йўл олган”. Лаонинг жанубга йўл олиши – “унинг Ҳиндистонга қилган сафари” Билан боғлиқ ривоятлар, даосизм фалсафий йўналишидәги айрим кейинги ”ўзгаришлар”нинг вужудга келишига сабаб бўлган. Лекин дастлаб даосизмнинг илк диний- фалсафий манбаи ҳақида.

Лао яратган таълимотнинг асосий манбаи “Дао дэ цзин - Дао ва дэ ҳакида китоб” бўлиб, у шунингдек “Устоз Лао китоби” номи билан ҳам машхур. Даосизм назариясини Лаодан сўнг унинг издоши **Чжуан** давом эттирган. Таълимотда турли табақаларнинг орзу умиди ва фикри-зикри қатори, давлат манфаатларини таъминловч и “бирлик”нинг тимсоли бўлган мансабдор ва мулкдорларнинг масъулияти, ижтимоий муаммолар илдизига озука бўлувчи жамиятдаги кусурлар ҳамда инсоният бошига кулфат келтирувчи ҳарбий юриш ва бешафқат урушларга бўлган муросасизлик тарғиботи жой олган:

“Агар бойлар ~~ва~~ зодагонлар кибрланиб кетсалар, ўз бошларига ўзлари баҳтсизлик келтирадилар... Урушларда кўплаб одамлар ўлдирилса, бўнинг учун аччиқ кўз ёши тўкмоқ ва доим ~~жалабани~~ кўмиси маросими деб билмоқ керак..”(6:7476.).

Даосизмнинг ўз замонасида куйи ва юқори табақалар учун универсал таълимот **Бўлганлиги** шундаки, ундан “ҳар ким ўз иштаганини тозиши мумкин” эди. Масалан, “нуфузли қатламлар кўпроқ даосизмнинг фалсафий назарияси, ундағи қадимий мәданият билан табиатнинг йўғрилганлиги ва жишининг ўз-ўзини эркин ифодалаши мумкинли ги сингари талқинларга қизикканлар. Авом халқ асосан даосизм роҳиблари билан ўз муаммолари ечимиға доир ишлар юзасидан яқин муносабатда бўлган: фол очириш, тиббий муолажа, анъанавий маросимлар ўтказиш ~~ва~~ бошқа руҳий, маиший маслаҳатлар масалаларида. Габиийси, роҳиблар томонидан бажариладиган бундай ағмалларда илоҳиёт ва ўтмиш муқаддас руҳларининг гевосита иштироки ва кўмаги, дин ва авом ришталарини мустаҳкамланиши ҳамда Дао эътиқодининг кенг тарқалишида ~~кетта~~ хизмат кўрсатган.

Конфуцийлик мавқеи ўта баланд бўлган даврларда ҳам даосизм гояси ва амалиётининг ҳар икки, яъни юқори ва паст табақалар орасида эътибор қозонганлиги, эртами-кечми орада рақобатнинг келиб чиқишига сабаб бўлиши турган гап эди.

“Даосизмнинг фалсафий йўналишлари, - **Ван Чуна** ва **Цзи Жана** каби I-III асрларда яшаган муаррихларнинг асарлари таҳлилида, - антик даврнинг охири ва ўрта асрларда ҳам ривожланишда давом этди ва ундағи йўналишларнинг бири диний мақомни эгаллагач, конфуцийлик таълимотга “даҳреий эътиқод” сифатида қарши чиқди. Шу боисданки, даосизм дини “ҳақиқати”,

Конфуций тарафдорлари назарда тутган ҳакиқат бўлмаганлиги учун! Аммо Конфуций таълимоти тажрибасининг ҳам “дахрийликка карши кураш” бобида бошқа давлат мақомидаги диний эътиқодлардан мутлақо фарки йўқ эди: катл, қувғин, маибаларни ман этиш ёки ёкиш. Навбатдаги мухолифатда “ҳакиқий хитой конфуцийлиги” даосизмини ёлгон, буддизмни эса “варвар” – жаҳолат таълимоти, дея таъкиб қилди”(25:3846). Ваҳоялонки, Лао таълимотининг жамиятдаги оммалашуви тўғрисида наинки хорижий, балки маҳаллий хитой тадқиқотчиларнинг хulosалари кофуцийликка нисбатан анча ижобий эди. Машхур хитой олими **Сюй Дишан** баёнида қайд килинишича:

“Агар масалага хитойларнинг кундалик турмуши ва диний эътиқоди жиҳатидан қаралса, даосизмнинг “солиштирма оғирлиги” конфуцийликнинг “солиштирма оғирлиги”дан сезиларли даражада каттароқ. Мабодо биз бирор бир хитойнинг ҳаёти ва идеалини тахлил қила олганимизда эди, у ҳолда биз таҳлил натижасида, аввало, даосизм идеаларини кўрган бўлардик”. Ёки “Конфуцийлик, - деб хulosалайди япон тадқиқотчиси **Кимура Эйити**, - асосан Хитойнинг нуфузли доиралари эътиборида бўлиб, айни вактда жамиятнинг асосий қисими ҳисобланган дехқонлар, хунармандлар ва савдогарлар кўпроқ даосизм таъсир доирасида эди”(43:28-296.). Дао фалсафаси ва унинг амалиёти конкрет натижаларига келсак, сўнгги нуфузли нашрларнинг бирида шундай хulosага келинган:

“Бордию, “Жангари подшопиклар” даври Дао фалсафасининг “олтин асли” ҳисобланса, Жанубий ҳамда Шимолий сулолалар ҳукмронлиги даври, яъни асримизнинг 304-589 йиллари даосизм диний эътиқодининг “олтин асли” бўлди”. Ўтган давр ичида даосизм тугал шаклланган ҳамда ўз маросимлари, ёзув ман-

балари ва жуда кўп сонли тақвод орларни бўлған динга айланди”(14:466.)

Даосизмнинг “диний ва фалсафий олтин асрлари” борасидаги классификациялар доим ҳам Фанда кўллаб-куватланмаган. “Умуман олганда, з амонавий олимларнинг ушбу “бәхолар”га муносабатларини қўйидагича изоҳлаш мумкин:

1.”Диний” ва “фалсафий” даосизм принципиал жиҳатдан бир-бўрига қовуғмайдиган турли воқеликлардир. Улар мутглақо автомом ва ўзаро вобаста эмас”.

2. “Даосизм – бу эрамизниң бошлида пайдо бўлған ўрта аср Хитой ди ний этиқоди. “Фалсафий даосизм” – бу гарб синологиясини нг уйдирмаси. Чунки “Даодэ цзин” ёки “Чжуан-цзи” Чжанго даврининг фалсафий матнлари бўлиб, улар ягона бир йўналишни ташкил қилмайди”(43:146.).

Юкоридаги даосизмнинг диний-фалсафий таркиби классификацияси тўғрисидаги шуктак назарлар ичida M. Стрикмэннинг қўйидаги хуло саси ҳам таълимотнинг таркибий қисмларга бўлиб тадқик этилишига қарши билдирилған фикрларнинг Бир кўриниши:

“Даосизмнинг “фалсафий ва ди ний” атамалари истифодасидан воз кечиб, таълимот ҳакида бундай “аникловчилар”сиз гапиришнинг вакти келди ва уни П асрда шаклланган миллий хитой дини сифатида тушунмоқ даркор. Зеро, Хитойнинг миллий сўулолалари хорижий босқинчиларга қарши қурашнинг энг оғир паллаларида Дао таълимотидан мафкуравий таянч сифатида фойдаланганлар” (43:15,336.).

Динишуносликдаги даосизм тадқиқоти тарихига назар солсак, таълимотнинг диний ва фалсафий жиҳатлари юзасидан шу қадар илмий таҳлил ва талқинлар адади бисёрки, уларни албаттга бир рисола фасли қамровида баён этиш кийин. Биз учун ҳозирча шуниси

мухимлеки, диншуносликда даосизмнинг диний мақоми, фалсағаси ва тарихига бўлган қизикиш ҳамон ўз аҳамияти ни йўқотгани йўқ – даология изланишда!

Даосизм илоҳиёти пантеони таркиби диний доктрина асосчиси ва давомчилари, яъни реал муқаддас шахслар ва шунингдек, турли илоҳлар, қадимги Хитой императорлари ҳамда аждодлар руҳидан иборат бўлган. Булар ичида “Ўлмас саккизлик”(С) илоҳлари халқ орасида шунчалик кенг таркалган эдикси, уларга атаб тўқилгаёт ривоят ва афсоналар хали-хали манзур ва машҳур. Даопарастларнинг илоҳларни шарафлаб курдирган жўп сонли ибодатхоналарнинг маҳобати ҳам уларнинг хитойлар ҳаётида тутган ўрниниг жонли гувоҳи.

Хитойдаги диний-фалсафий таълимотларнинг ўзаро рақобатдаги муносабатлари тўғрисида гапирганда, доим ӯшуни эсда тутиш керакки, уларнинг тарихда зикр этилган мухолифати даврий маънода кечган. Бунинг инкор этиб бўлмас исботи, бир ҳудудда жойлашган жатта-кичик давлатлардаги уч диний-фалсафий таълимат -- конфуцийлик, даосизм ва буддизмнинг хитой тупроғида асрлар оша турли ҳарбий, сиёсий, ижтимоий ва мағкуравий воқеалар силсиласига қарамай ўз илдизларидан узилмаганлигидир. Бунинг асосий сабаби, бир сарзаминда яшаган ҳар уч эътиқоддаги тақводорларда доимо диний мухолифатдан-да кучлироқ “миллий муштарақлек туйғуси” устун келган. Ҳудди шу боисдан баъзи даврлардаги ҳос вазиятларда бир дин иккинчисини мантиқан тўлдирган ва ҳатто ўрнини ҳам эгаллаган, гарчи даосизм ва буддизм баъзи маънавий ва миллий масалаларда конфуцийлик билан вақтинчалик тўқнашувда бўлган бўлса ҳам! Шунингдек, даосизм ва буддизм таълимотлари ўртасидаги бундай ҳамжихатликни ёки расман олганда муросасозликни, доим ҳам уларнинг барча принципиал масалаларига қўллаш мум-

кин эмас. Қолаөверса, ушбу зиддияттинг бир учи “Лао-нинг Жану бга көтиши” билән бөглиләр эди.

Гап шундаки, Лао Ҳиндистонга келганидан кейинги воқеалар мажмуси маңбаларда аниқ фактлар эмас, афсонаю ривояттар асосида шархл анган, шунинг учун даосизм ҳамда Буддизм ўртасидаги “ибтидоий бирлик” тафсилотининг баъзи жиҳатлари шубҳали туюлади.

Бир афсонада айтилешичка, “Лао қора хўқизга кўшилган жанг аравасида саёҳат қилилаб юрганида, ухлаб ётган аёл – Шакя Мунийни ҳомиладор қилгани учун Будда туғилган эмиш”. Ва яна шу афсона бўйича “Буддизмни ҳам Лао яратганд!” Ҳолтбуки, буддизмнинг Хитойдаги тарижига доир илмий тадқиқот материаллари билан танишсан, “Дас тлаб даосизм Хитойда буддизмни тегишли атама ва билимлар билан таъминлаганлиги, сўнг ўзи ҳам худди шунингдек, ҳинд-буддавий маданийидан фо йдаланган”лиги маълум бўлади. Айниқса дўзах ва жаннат, “монахлар институти”, йоглар тажрибаси ва бошқа ху сусларда”(10:32 26.).

Даосизмнинг фалсафий талқинлари ичидаги, унинг диний эътиқод сифатида таъсирини оширишда муҳим рол ўйнаган омирлардан бири – бу инсон ҳаётининг “абадийлик”ка дахлдорлиги “даъвоси” эди. Яъни, гўё коинот, даосизм тушунчасида “Осмон ва Ер”нинг “ин” ва “ян” кучи асосидаги ўзарор муносабати туфали абадий фаолият кўрсатгани каби, одам организми ҳам “кичик олам” сифатида аёллик ва эрлик ибтидаси муносабатининг натижасида абадий тирикликка тааллукдор! Албатта, “абадий ҳаёт” дейгилгандаги, биринчи навбатда моддий тана талаблари мутезлигидан созод ҳолдаги руҳий мангулик тушинилади. Бу йўлда даоғпастларга асосий эътиборни нафсни маҳв этиши - моддий танани мустаҳкамловчи кучли оғизк-овқатлардан сеқин-аста воз кечиб, тириклик учунгина етарлиқ мезва-сабзавот махсулот-

ларидән истемол қилиш буюрилган. “Мангуликка ғинтилгандараст учун сабр-токатнинг меърохи – бу ёкорин очганда, керак бўлса, ҳатто сўлак билан тўйи-нишини ўрганиш”га ўтишдан иборат эди.

Даосизмда ҳам талай дунё динлари – жайнизм, буддизм, индуизм, иудаизм ва тасаввуфдаги каби инсоннинг ички имкониятларини ишга солиш тажрибаси жадимдан унинг амалиёти сирасига кирган, масалан, знафас олиш машқлари хусусида. Тўғри, бу машқларнинг бажарилиш услуби ва техникаси ўзаро бир-биридан анча фарқланган. Баъзилар, машқларни зикр билан бир ритмда нафас олиш ёки нафасни тўхтатиб туриш орқали бажарган бўлсалар, қолганлар дикқат этибо р билан нафас олиш ва чиқариш жараёни орқали онгни назорат қилганлар. Ёки, “турли ўрта аср ҳинд йога таълемоти йўналишларидан бири бўлган ҳатҳа йогада бу машқлар ёрдамида хаводан “прана”, яъни куч-қувват олишда фойдаланилган. Даосизм ҳам нафас машқларида худди шунга яқин услубни кўллаб, “ци”(Т) орқали эне-ргия манбанин тўплашни ўзлаштирган” (42:1736.).

Тақвадорнинг Даода мужассам топииши, яъни “ҳомила ва она бирлиги”га эришишида – соглиқни сақлаш ва умрни узайтиришда психотехника амалиёти кенг кўлланган. Бунда ҳомила ҳолатига кираган киши, нафас машқларини бажараётган вақтда дастлаб бурунида чукур нафас олгач чидагунича уни ичидаги ушлаб туриб, юрак уригини санайди. Борган сари нафасни ушлаб туриш ва ёрак уришини санаш муддатининг чўзилиши, маълум тажриба хосил қилингандан сўнг ўз ижобий натижасини беради. Хитой манбаларида “нафасни 120дан то 1000га юрак уришигача чўзишга муваффақ бўлизсан, ҳатто қартайган чолнинг ҳам кундан кунга ёшар-а бошлиши башорат қилинган”(42:161-1625.).

Кисман юқорида тафсилоти берилган даосизм психотехникаси ва “абадият” мавзуига кўшимча қилиб яна шуни алоҳида жайд этиш кө ракки, таълимотнинг қадимдан диний эътиқод сифатидаги давлат эътиборига мусассар бўлишида, императорларнинг узок умр кўриш борасидаги роҳибларнинг тажрибасига бўлган эътибоди жуда катта роль Ўйнаган. Гарчанд “сөххгарлар”нинг У-ди даврида мўъжизави й ороллардан “абадият шарбати”ни олиб келишга килган уринишлари натижада бермаган бўлса-да, бу “мўъжиза” шундада ҳам одамлар ишонч-эътиборидан четда қолмаган. Аслида, таълимотнинг таъсир мўъжизасидан кўра ҳакиқатга яқинроқ омили -- бу даосизмда саломатликни руҳий синовлар замирида тиклаш ва уни диетология ҳамда медитация орқали мустажкамлаш соҳасида ишлаб чиқилган машқларнинг натижаси эди. “Даосизм медитациясининг бошлангич босқичларидаги асосан ақли и ростлаш, истак-хоҳиши ниҳоят даражада чеклаш, эмоционал мўътадиллик ҳолатига эришиш ва ички қувват циркуляциясини таъминлаш ва муҳлисига «Дао билан қайта бирлашиш»га имкон берилши кўзда тутсилган” (14:2696.).

Абадиятга ўтиш – Даога кўшилиши нафақат нафас ва медитация машқлари орқали руҳий-жисмоний тобланиш, балки шунингдеюс, нафс балосига қарши умр бўйи курашиш ва унинг қулига айланниб қолишдан сакланиш ҳам демакдир. Шу йўсунда руҳнинг танадан ажralиб Даога кўшилиши ва мангулликни нг бошланиши, бамисоли индуизмдаги атеманинг “Браҳма”га(У) қайтиши, яъни “моқша”га(Ф) ҳоил бўлшишига ўхшаш жараён эди. Демак, мазмунан даосизмдаги “Дао ва дэ”ни индуизмдаги “Браҳма ва атма”нинг тақрори десак янгишмаймиз. Яна, Дао таълимотидаги индуизм фалсафаси унсурларининг тақрори, факат “Браҳма ва унинг зарраси

атмә” ҳакида эмас, балки шаклан моддий дунёниг пайдо бўлиши феноменида ҳам учрайди.

Дейлик, хинд мифологиясидаги самовий “Брахма тухуми” ичидан борлиқнинг яралиши, худди Даосизмдаги Паньгунинг(Х) иккига бўлинишидан Осмон ва Ер пайдо бўлганлигига жуда яқин. Бу каби гоҳ шаклан, гоҳ мазмунан турдош тасаввур ва мифологияларнинг руҳий ва моддий дунё талқинидаги истифодаси, даосизмдаги мистика ва метафизиканинг қисман бўлса-да, ташки манбаларга тегишли эканлигининг ишгорасидир(10:3146.).

Хуллас, даосизм мелоднинг II асли ўрталариға келиб Хитойда ҳақиқий диний эътиқод мавқеига кўтарилиди. Лаонинг ўзи илоҳийлаштирилиб, уни шогирдлари томонидан худди индуизмдаги Олий тангрининг инкарнацияси - инкишофи сингари Будданинг ердаги тимсоли сифатида ташвиқ қилинди. “Буддапарастлар ўз хисобидан курдирган ибодатхоналарда Дао тажассумида Будда ва бўддхисатва(Ц) хайкалларини ўрнатиб, меҳробни эса конфуцийлик руҳидаги аждодларни мадҳ этувчи хитой ёзувлари билан жиҳозладилар” (10:3276.).

Яна, даосизм таълимотининг асосий мағз-моҳияти инсонни ҳаёт ҳикматларини аждодлардан эмас, балки Даонинг ўзидан излашга, бунинг учун такомилликка эризшиб унга қайтишга, турмушнинг бехуда тараддулари, хис-хаяжон тўла умргузаронлигидан фарқли ўлароқ осойишталик, оддийлик ва табиийликни ихтиёр этишга чорларди.

Диншуносликда даосизмнинг бирламчи тамойилидан ташқари, унинг фан ва санъатга муносабати тўғрисида яна аллақанча турли ва гоҳо бир-бирига зид физик-мулоҳазалар билдирилган, хусусан:

“Лао-цзи фалсафаси Хитой маданиятининг барча соҳаси, яъни илм-фан, адабиёт, санъат ва астрономия-

нинг ривожланишига жуда катта таъсир кўрсатди” (50:29,366.).

Ёки: “Лао-цзи инсон билимини ва умуман урфодатларнинг ҳаммасини инкор қилганд. Одамларни ўқитиб-ўргатиб ташвишига солгиш эмас, ўз холига кўйиб кўйиш керак, токи улар табиий кечётган ҳаёт оқимга киришсин, ўзларини асрарашин...”

Ёки: “Даосизм дунёнинг объективлигини тан олган. “Осмон” ва у нинг ихтиёрини ер каби табиатнинг бир бўлаги ҳисоблашиб, уни илоҳийлаштирилишига қарши чиқсан ҳамда шун инг қаторида, Лао-цзи илоҳларни Даонинг давоми сифатида и нкор ҳам этмаган”.

Ёки: “Айрим даосизм мутафаъкирлари “Осмон”ни илоҳийлаштиришига қарши бўлиб, илоҳларни эса материя мавжудлиги кўринишларининг бир шакли ҳисоблаганлар...” (36:5 226.).

Ва ниҳоят: “Абадий ҳаёт шарбати“ бўлган доридармонларни яратишда кимё фани ривожланди, астрология хариталарини тузишда коинотдаги планеталар ва юлдузларнинг жойлашиш тартиби ўрганилди, одам анатомиясини ўзлазитириш ва тиббиётда эришилган тажрибалар ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бера бошлади. Шунингдек, инсондаги барча касалликлар унинг гуноҳлари оқибати дея, уни шифодан кўра дуою афсун ёрдамида руҳий покланешига даъват қилинди” ва ҳоказо(10:319-321б.).

Бир қарашда, даосизм тадқиқотчилари томонидан турили даврларда амалга оширилган изланишлар натижаларини, яъне Лао Фалсафий тафаккурига зид туюлиши мумкин бўлган баъзи таҳтиллар ёки “Даони умуман мукаммал идрок этиш мумк ин эмас”лиги хусусидаги илмий хулгосалардаги турфаликни, дунёнинг бошка йирик динларини ўрганишда учрайдиган баъзи «анъанавий ҳолатлар»нинг ғавбатдаги кўриниши дейиш

мумкин. Аммо бизнинг даосизм тарихи, гояси ва фалсафасини ўрганишимиздан мақсад, маълумотларни саралаш, объективлаштириш ёки хулосалаш эмас, балки фақат таълимот ҳақидаги мавжуд дунёқараашлар мажмуи билан яқиндан танишиш ҳамда унинг эътиқод даражасига кўтарилишда босиб ўтган йўларига хос хусусиятларини кузатишдир, холос.

Башарти даосизм ўз ортида қолдирган йўлларни дижкат билан кузатсак, конфуцийликдан ташқари унга “мұқобил бўлган” ва ўз дунёқараши билан ҳар икки таълимотдан фарқ қилган “моист”лар фалсафий оқими ни кўрамиз. Эрамиздан аввалги файласуф **Моцзининг** тағъафдорлари ўз тамойилларининг ташвиқоти сифатида “О смон”нинг илоҳий ихтиёрига сиғинсалар-да, Илоҳ ихтиёрини билиш мумкинлигига ва инсон тақдири азалдан битилган бўлмай, балки ҳамма нарса унинг ўз кўлида эканлигига ишонгандар. Улар турмуш, тафаккур таърибасини эътироф этганлар ва ҳаётта бўлган ўз объектив муносабатлари негизида ҳар қандай фаолиятнинг фақат натижаси билан тан олганлар, йўқса, “Амалда қўллаш мумкин бўлмаган билим борки, у -- ёлгоҳ!”(36:524б.).

Илоҳий ихтиёри англашга даъвогар ва инсон тақдирини ўз қўлида деб билган бу оқим, нисбатан ўз мөддиюнчилик назариясининг салмоғи билан на конфуцийликка яқин эди ва на ўз диний тафаккури билан даосизмга. Дарвоҷе, Илоҳ ва инсон ўртасидаги руҳий бизрлик, тақдир ва ҳаётдаги ихтиёр ҳамда ихтиёrsизлик масалалари мусулмон оламида ҳам илк ислом давридан ўз диний-назарий талқинларига эга. Илоҳий тақдир олдида инсон ихтиёrsизлигини ёқлаб чиқсан “жабарийлар” ва деярли уларнинг акси – инсон ихтиёри эркинлигини тарғиб этган “мутазаллийлар” ўз фалсафий нуқтаи назарлари билан маълум даражада исломшу-

носликда маҳсус илмий таҳлилга мұяссар бўлганлар. Ушбу мавзу юзасидан тасаввүф аҳли, хусусан Азизиддин Насафий хулоса лари эса, қиёсан ўз мўтадиллиги билан бекиёс. ‘‘Мутасаввиғ талқинига кўра, тақдир билан бирга тадбир ҳам бор. **Тақдир – Худодан, тадбир – инсондан.** Худо тақдирни белгилаб қўйган бўлса-да, бироқ инсонга ривожланеш, илм-маърифат эгаси бўлиш имконини ҳам берган. Агар шундай бўлмаса эди, Худони таниш ва севиш ҳам иложсиз бўларди”(20:17б.). Ва раҳмоний ружга ноил зотни – мукаррам инсоннинг тақдирда ҳар қандай тадбирдан маҳрум этилиши, уни **Худонинг** ер юзидағи ноиби қилиб яратилиши мағтиғига ҳам зид келурди.

Биз юқорида келтирған мисол ва иқтибослар орқали даосизм тарихининг дәярли ҳар бир босқичида, унинг “динми ё фалс афиён таълимот” эканлиги борасидаги билдирилган турли мубоҳаса ва мушоҳадалар билан қисман танишдик. Ва шулар асосида айтиш мумкинки, Дао таълимотининг таълимчилик шифокор **Чжан Линнинг** “Гуруч ўлчашининг беш йўли” таълимоти, даосизмнинг дин сифатида қабул қилиниши тарихида ўзига хос янги бир бурил иш ясади. Ёнайий жиҳатдан буддизмнинг “мтаҳая на” фикрласига яқин Даосизмнинг “илоҳлар олдида барчанинг баробарлиги” шиори оддий ҳалқ орасида катта эътибор қозонди. Буни худди шу вақтга келиб **Хитойда** мустаҳкам қарор топган Будда ибодат маскаларни сингари Дао ибодатхоналарининг шигоб билан қурилишида кўриш мумкин эди.

Гарчи даопара-стлар ўзлари ибодатхоналарнинг қурилиши масалалари да фаоллик кўрсатмаган бўлсалар ҳам, лекин уларнинг жамоалари – “Дао патриархлари давлати” ўз имкониятлари билан ҳар қандай молиявий ва ижтимоий муаммоларни бевосита ҳал қилишга кодир,

Эди. Жами 24 жамоадан иборат бу “давлати”нинг ўз иччи тартиб-қоидалари ва диний-ањанавий маросимлари бўлиб, унда ҳар бир роҳиб ўз гуноҳига тавба-тазарру килиб, рўза тутиб, покланиб, ўз-ўзини “ўлмай” мангу яшашга тайёрларди. Лекин даосизмда шундай ўзига хос тоат-ибодат маросимлари ҳам бор эдики, улар конфуцийлик ва буддизм аҳкомларидан ўз руҳий ва жисмоний жиҳатлари билан ажралиб турарди. Масалан, “илгарилари фақат содир этилган гуноҳларга тавба-тазарру Сифатида, кейинчалик эса, умумий вожиб ҳисобланган “тутанъжай” маросимида сектантлар юз-қўли ва танасига балчиқ ё кўмир суртиб, узоқ дуою афсунлар ўкиб, диний қўшиклар куйлаб, мутлақо ҳолдан тойгач ўзларини ерга отганлар. Бироз чарчоқ чиқиб ўзларига келгач, улар яна шу маросимни қайта бошлишга кираданлар...”.

Даопарастларнинг чжанлардан мерос қолган теократик “давлати”даги патриахларнинг ҳокимияти амалда фақат жамсаалар билан чегараланганилиги учун, улар расман ўз ибодатхоналар тизимиға эга эмасди(10:315-316). Шунда ҳам, иккинчи бир томондан, даопарастларнинг ўз асосий, яъни мангуликка эришиш мақсадининг кучли ҳокимият ёки ибодатхоналар тизимиға эгаликдан-да устунроқ эканлиги, охир оқибатда улар эътиқодининг кенг ҳалқ оммасига янада жадал кириб бориши ва тарқалишини тезлаштирди.

Даосизм тарихининг яна энг муҳим саҳифаларидан бирини “Сарик бошбоғичлар” қўзғолони воқеалари эгаллаган. Қўзғолоннинг бевосита даосизмга тегишли томони, ўз вақтида мўъжизакор роҳиб-шифокор сифатида оддий авом ичидагатта обрў-эътибор қозонган Чжан Цзюэ номи билан боғлиқ эди. Бунга сабаб, у табиий оғатлардан кейин тарқалган эпидемияда дардга чалингандарни ўз сехри жодуси билан даволаш-

да ном чиқарганидан сўнг, унинг мухлислари сони кундан кунга ошиб, охирин катта бир жарбий кучга эга жамоа тусини олганди. Боз устига, Хан сулоласининг сиёсий инкирози вақтида оғир аҳволда қолган аҳоли Дао эътиқодининг халқпарвар раҳномоси ҳузурида паноҳ топди.

Хуллас, тез орада аҳолининг наинки тиббий, балки ижтимоий-иқтисодий муәззимларига ҳам аскотувчи машҳур Дао руҳоний сардори қашшоқ ва жабрдий-даларнинг ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқди. Унинг “Тайин-цзин - Тенглик ҳақидаги китоб”ида назарий жиҳатдан кам багаллар ва қуллар ҳимоясининг сиёсий ва амалий стратегияси шаклланди. “Хағ даври адолат-сизлигининг рамзи бўлган “Зангори Осмон”нинг одамларга бахту саодат ёа тенглик туйғусини бахш этувчи “Сариқ Осмон” том онидан тугатилиши, янги сулоланинг келгусидаги кўп йиллик фаолиятидан далолатдек туюларди. Янги ғоянинг тарафдорлари ҳам худди шу боисдан бошларига “Сариқ бошвоқ” ўраганлар. Бироқ уларнинг бахтили келажакни кўзлаган ғалабалари узоққа чўзилмади. Кўзголоңчилар ҳар акатидан боҳабар Хан сулола-си, кўп ўтмай уларни таъқиб остига олиб тарқатиб юборди. Кувғиндан қочиб улгурган жамоа аъзолари яна кейинчалик диниёт гуруҳларга жамланиб турли теократик автономияларга айландилар. Ва шундан бошлаб Хитойнинг расмий ҳокимияти доим улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлиб қоғаверди(10:315б.).

Даосизм тарихида энг оғир кечган давр мўгулларнинг Хитойни босиб ол иши ва унинг оқибатларидан бошланган. 1281 йили Хубилайхоннинг буйруги билан шаҳарда “Дао дэ-цзин”дан ташқари қолган бор адабиётлар ўтга ташланди, даопарастлар кувғинга учради. Шуншу узоқ вақтларгача Дао таълимотининг бирор етук кўзга кўринган давомчиси чиқка иллиги ёки даопарастлар

иштирокида диний-ижтимоий харакатлар бўлганлиги кузатилмади. Умуман, **Юан** императорларининг сиёсатига кўпроқ конфуцийлик ва буддизмдек универсал характердаги таълимотлар кўл келарди. «1368 йили мўғуллар Хитойдан қувиб чиқарилгандан кейин мамлакатда доғасизм статуси қайта тикланса ҳам, унинг ўтмишдаги омзмавий таъсири ва тараққиёти анча ортда қолиб кетган эдем» (43:3 826.).

Дао диний-фалсафий таълимотининг тахминан миснг йил жараённида тўпланган жами ёзма манбалари яхэлит “**Дао цзан**” мажмууда уч “сандик“ка бўлинган: “Хакикат сандиги”, “Сир-асорор сандиги”, “Маънавият сандиги”. Бу сандиклар ҳам ўз ҳолига яна ўн икки қисмга бўлинган: асосий хатлар, руҳий қолиллар, насабнома ва баён, насиҳатлар ва амр-фармонлар, аҳлоқ-одоб қонуилари ва бошқалар (50:396.). Мазкур “уч сандик” ва улардаги бўлинмалар Дао тақводорларининг маънавий, ижтимоий, мафкуравий ҳаёти ва фаолияти негизини белгилаб берган.

«Шундай қилиб, Хитой ҳаёт муаммоларининг иъски бир-бирига қарама-қарши ечимларини илгари су рди: бир тарафдан, Лао-цзи дунёга “Олий борлик“ сирини эълон қилиб мистик мушоҳадага чақирса, иъскинчи тарафдан, Конфуций дунёвий мавжудлиягни олий қадрият билиб, жамият барқарорлигини уни тўғри идора қилишининг бардавомлигига кўрди» (7 :726.).

Қадимдан Конфуций ва Дао таълимотлари руҳига ақслан ва маънан йўғрилган хитойлар, ўзининг “Тўрт асл ҳақиқат”и билан бутун башариятни изтироблар дунёсидан халос этишга бел боғлаган буддизмни қабул қилишда ҳам, юқорида эслатилган “миллий ўзлик”-ларига содик қолдилар. Худди шу садоқат сабабидан Хитойдаги янги диний эътиқод номини қўйидагича –

тарихий ҳақиқат тақ озос и билан маҳаллий сифатта күшіб атадык:

“Хитой буд дизми”

Дунёнинг йирік диний эътиқодлари тажриба-сидан маълумки, ҳар бир дин ўз сарҳадидан ташкари чиққанидан кейин уңдаги мавжуд мәданий-маърифий унсурлар янги маҳаллий ғароитда ассасан икки хил сиғатда фаолият күрсатты: “ўзлашувчи” ва “ўзлаштирувчи”.

Масалан, исломниң Ҳинд ярым оролига кириб келганидан кейинги сфаолиятига эътибор берсак, айрим илмий нашрлардан унинг ерлық ҳалқтарнинг ўзига хос майший, ижтимоий азъян аларға таъсирида янги жиҳатларни “ўзлаштирган” лигитнинг гувоҳи бўламиз:

“Ҳиндистонлик мусулмонларнинг маънавияти, урф-одатлари ва ҳатт’о улар эътиқод қиласидиган ислом ҳам ўзига хос чизгилари билан Миср, Туркя, Эрон мусулмонлариникидан ажратлиб туради” (23:2156.).

Бу муҳтасар тәъри фга ғибруғиң, гарчи ҳинд ва мусулмонлар эътиқод и түрли ғавр ва жамиятга тегишли бўлса-да, аммо икки тәътиқод вакијларининг ўзаро муносабатлари, ўргадаги муәйян диний ва дунёвий зиддиятларга қарамасдан умумий турмуш тақозоси остида шаклланган. Бунда, қాлаверса, туб ерлик аҳоли диний манбалари фалсафаси ҳам ўз ижоби й таъсирини күрсатган:

«Кимки мавжуд бөрлиқни Олий тангри билан бирлиқда кўрса ва барча жонзотларни Унинг зарралари деб билса, у ҳеч ким дан ҳеч қачоң шафраланмайди» (46:496.).

Лекин ҳинд тарихида ушбу ғоқе ликнинг акси юз берган ҳолатлар ҳам кузатилган, масалан, Будда таъли-

м оти тақдирида. Аввалига Маурия сулоласининг буюк императори Ашока II ҳукмронлик қилган йиллар, яни эрдамиздан аввалги III аср айни буддизмнинг кенг тарқалиш даври бўлди. “Салтанат сарҳадларининг ниҳоят даражада кенгайиши билан жангларни бирида Ашоканинг Будда динини қабул қилиши ва ўз вакилларини Яқин Шарқ, Македония ҳамда Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларига юборган“лиги буддизмнинг оммалашувига янгидан янги ҳудудларни очиб берди”(13). Бироқ Будда динининг қути табақалар манфаати ва ҳақ-хукуқини таъминловчи ғоялари браҳманализмнинг мафкураси билан чатишган миллий менталитет хусусиятларига бас келолмади. Ва оқибатда, ортодоксал хиндуистарастлар назаридаги “янги - ёт эътиқод” ўзининг байналмилал руҳияти ва турли шароитларга мослашувчанлиги боис қатор хорижий юртларда ўзлашишга муваффак бўлди.

Бундай “мослашув ва ўзлашув”ни ургулашдан назарда тутилган асосий нарса шуки, “Хиндистонда табақаланиш тамал тошини ўз жойидан кўзгатолмаган Будда эътиқоди”, ўзининг Осиё қитъаси мамлакатларидаги жуғрофий кенгайиши даврида айрим шаклий ва фалсафий ўзгаришларга юз тутди. Бу ҳам етмагандек, пировардида ушбу маҳаллий таъсир ҳосиласи Ўлароқ вужудга келган турли мактаб ҳамда йўналишларининг ҳар бири, факат ўзинигина ҳақиқий буддизм давомчиси эканлигига даъво қилиб чиқди(21:66.).

. Ўз навбатида буддизмнинг шундай аснода ёйилиб, жатто “необуддизм” шаклигача етиб келиши, унинг дастлаб фанда талқин этилган “диний ва даҳрий” асосларидан-да кўпроқ маънавий-ижтимоий жиҳатлари тахлилини келтириб чиқарди, чунки:

“Будда ўзи иккинчи синфга мансуб бўлгани учун, Сиринчи синф, яъни бараҳманларга қарши турди ва у ўз

таълимотида, инсонинг юксак даражаларга кўтарилиши, баҳаҳмаяларга назр у-хайрот бериш йўли билан эмас, балки риёзат йўли, яъни ўз нағсини қийнаш ва дунёвий лаззатлардан маҳрум килиш орқали мұяссар бўлади. Шунинг учун факир сиз флар унга эрганиб, у тарғиб қилгани мазҳабни чин күнгилдан қабул қилдилар”(8:146.).

Энди “Хитой буддизмидага келсак, бу воқеа ҳам Будданинг ўз роҳибларига бергани қуидаги кўрсатмаси амалиётининг наъбатдаги ёрқин ифодаси эди:

“Роҳиблар, бошқаларниң баҳт-саодати ва фароғати учун бориңглар! – ду ишё кезинглар!”

Фандаги маълумотларга жўра, “буддизмни Хитойда тарқалишин таҳминан эр амжизнинг I асри ўрталари ва II асри бошига тўғри келади”. Аммо бу холоса буддизмнинг Хитойдаги фаолиятни бошланиш вақтининг ягона муддати эмас. Баъзи тадқиқотларда “буддизм мелоднинг II асридан ўзини нг “маҳаяна” йўналишида Хитойда шаклланган”лиги айтислса, яна бошқа бир нашрда таълимотнинг I аср ўрталарида Марказий Осиёдан кейин Хитойга қириб келгани лиги кўрсатилган. Ёки К.Чэннинг “Хитойда буддизм” асаридаги “Будда таълимотининг II асрдан Хитойда мустаҳкам позиция га эга бўлган”лиги баён қилинган (22:3 536). Аммо, агар “хинд миссионерлариниң тағтириғидан сўнг Марказий Осиёда Будда ибодатхоналарини нг жад кўтариб, III асрда бу ўлкада Хитой буддапарастларининг таҳсил кўрганлар”ини хисобга олганда, буддизмнинг Хитойда I асрнинг исканичча яримдан диний эътиқод мавқенини эгаллай бошлаганилиги ҳақиқатта яқин роқ..

Дарвоқе, яна шундай маълумотлар ҳам борки, уларда дастлаб таълимот ғоязларини бу ерда хинд ҳамда

ўртаосиёллик веизлар томонидан тарқатилғанлиги ва фақат III-асрдан бошлаб хитойликлар ичида ўз роҳиблари етишиб чиққанлиги хабар қилинган (22:3546.). Ҳемак, маҳаллий буддапарастларниң Ҳиндистон билан мунтазам алоқалари ҳам ана шундан бошланган бўлиши керак.

Янги диний эътиқоднинг маҳаллий халқ диidi, шарт-шароитига мослашуви ва вақт билан ўзлашувининг асрларга чўзилиши қанчалик табиий бўлса, шунчалик муҳкум ҳам эди. Бунда асосан Будда таълимоти орадаен ўтиши керак бўлган давр ичида хитойликлар учун ўз маънавий озуқасини қай даражада манзур эта билинди, унинг тақдирини ҳал қиласди. Бундан ташқари, мазкур жараёнда диний матнларни Хитой тилига таржи маси – ҳос атамаларга муқобил ва тушунарли сўзларни истифодага киритиш ишлари жуда катта меҳнат таълаб этарди.

Масаланинг энг муҳим ва ўта нозик яна бир томони, Буддизм фалсафасининг мавжуд конфуцийлик этикаси ва тамоилилари билан мос тушмайдиган жиҳатлари муаммоси эди: агар хитойликлар учун оила жамиятнинг асоси бўлса, буддапарастлар жамоаси бамисоли “давлат ичидаги давлат” саналарди. Шунингдек, бу мустағилликтининг императорлар якка ҳокимлигига путур етказиши мумкинлиги ва улар олдида Будда роҳибларининг таъзим бажо келтиришга монелик қилишлари талай ўзаро кел ишмовчиликларга олиб келганди. Лекин шунга қарамай, ерлик аҳоли янги диндан бошида бегонасираса ҳам, уни янгилик сифатида қабул қилган, чунки бу таълимотда кофуцийлик ёритмаган «номаълум Дунё» кашф этилган эди. Бу фикрга Конфуций ва шогирди ўртасидаги савол-жавоб яққол мисол бўла олади:

“Шогирд:

-Устоз, илохиёт ва руҳларга нисбатан Сизнинг муносабатингиз қандай?»

Конфуций:

- Киши го одамлар билан муносиб муомала қилишни ўзлаштириб олмагунича, илохият ва руҳлар билан муносиб муомалга қилолмайди”.

Зоро, конфуцийликка нисбатан “Буддизм, ўз аждодларини улугълаш анъанаси нуктаи назаридан ҳаёт ва ўлимдан кейин ти охијрат масалалари сингари саволларга кизиққан хитойликларга тегишили жавобни тавсия қилишга тайёр эди”(13 :101б.).

Сиёсий қиҳатдан буддизмнинг Хитойда “ўзлашуви”нинг бошланиши III-VI асрларда династиялар ўргасидаги қонли тўқонашувлар, иэктимоий бекарорлик, иқтисодий тана ззуллар даврида кечди. Будда таълимотининг киши ирқи, мислати ва эътиқодидан қатий назар уни “нирвана”га(Ч) и оил қилишидек инсонпарвар ғоялари, урушлардан та нг ахв олга тушган оддий авом ҳамда ҳаёт тағтишиларидан зада бўлиб, узлатга чекинишни истаган нуфузли мансабдорларни бирдек химоялашга, жабрдийда қоч оқларга эса гланоҳ беришга тайёрлиги, унинг жал қ ичида оммалашув ига пухта замин яратди. “Муқаддам жузатувчилик позициясида бўлган маҳалий ҳукуматнинг буддизмга муносабати, IV асрда император Сяо У-дининг ўзини Буддапарст деб эълон қилиши ва шахсан ўзи учун Будда ибодатхонасини курдириши бил ан ойдинлашди, кўйди”(22:354б.).

Илк “ўзлашув” жараёнининг муваффақиятли натижаси ўлароқ “V аср охирида Шарқий Цзинда ибодатхоналар сонининг 1800га етиб, уларда 24 мингдан зиёд роҳиблар яшаган”лиги, буддизмнинг Хитойдаги мустакил мавқета эгалиги нинг намойиши эди(10:32.66.).

ЕОкорида кисқача зикр килинган Хитойдаги янги эътиқодтанинг айрим муаммо ва эришган мувафақиятларидағы ташқари, бу воқеанинг маҳаллий таълимотлар билан яна шундай характерли томонлари бор эди, уларни конфуцийлик, даосизм ва буддизмнинг ўзаро муштарақ ва айни пайтда мүкобил хусусиятлари дея баҳолалы мумкин:

1. Конфуцийликнинг ташқи таъсир остида ҳам ўз гоязий статусини сақлаш ҳисобига мүкобил таълимотнинг “трансформация”сига эришиш – хитойлаштириш иқтидори.

2. Даосизмнинг конфуцийлик ижтимоий этикасидағы фарқлы мистик дүнәқараашлари, рухан буддизмга яқын бўлгани билан аммо унинг мантиқан гиљлий эътиқодлилиги.

3. Буддизмнинг ўзга диний эътиқодлар маросимлари, аньаналари ва ҳатто илоҳларига бўлган шоортадоксал муносабати ҳамда Хитойдаги аждодлар ружига нисбатан ибтидоий дахлизлиги.

Уччала диний-фалсафий таълимотнинг Хитой шароитидаги муштарақ ва мүкобил асосларининг бир тизимда уйғунлашуви, бу факат вақт ўтиши билан ҳал бўладиган масала эди. Тарих гувоҳлик беришича, “Хар ҳандай хорижий маънавият, мазмунан қандай бой бўлишига қарамасдан Хитойга кириб келиши билан шундайдай бир кучли трансформацияга дучор бўлардики, бундан охир оқибатда янги, оригинал ғоялар тизими ва институтлар пайдо бўлиб, унинг одатдаги хитойча тушунча, тамойил ва нормаларга мослашуви боис, ўз аслиятидан фақат ибтидоий ғоясини эслатувчи чизгиларгина сакланиб қоларди”(10:3266.).

Мисол учун, ҳаттоқи, буддапарастларнинг ўз ташаббуси билан курилган ибодатхоналардаги буддаий диний битиклар ҳам санскрит ёки палида эмас, хитой тилида ёзилган. Даър ва муҳит тақозоси билан Будда таълимотининг маҳаллий шароит талаблариға фалсафий уйғунлашуви, хорижий эътиқодни нг янги – хито йча йўналишини кашф этди. Бу – “чан буддизими” эди.

Хитой диний-фалсафий таълимотлари ҳамда жамияти талабларига генонанд тажрибага эга Буддизмн инг чуқур тафаккури маҳсулидан иборат омиҳта “чан Буддизми”, дастлаб факат хос эътиқод туйгуси инкишоф ида шакл топди. Асосан жамиятда ижтимоий этика қонунлари устуворлигини тарғиб этган конфуцийлик ва руҳий фазилатлар тақомиллигидан мангулника чорлаган дасосизм мағкураси қобиғида чаң буддизмининг юзага чиқиши ва унинг таъсирлари ерлек тақвадорларн инг ўз ботаний оламига қизиқа бошлиғи, фанда “Ҳинд буддизмига хитойларнинг реакцияси” деб баҳоланди.

“Чан” сўзининг лугавий маъноси, мутахассислар фикрича, йога таълимотидан буддизмга ўтган “дҳаяна” ёки баъзи талаффузга кўра “дҳаяна” босқичига яқин. Аслида “дҳаяна” “Аштана йога”нинг(Ш) еттинчи босқичи ёхуд мақоми бўлиб, унинг фалсафий мазмуни диккат-эътиборнинг бирерга жамланганидан кейинги мунаvvарликни билдиради. Ёки соғ маънодаги дҳаяна холати сирли оламга чўмлиш орқали “Асл ҳақиқат”га мұяссар бўлишдир. Лекин Хитой диний туйгуси бу хусусда ҳам “ўзлиги”га — анъанаий рационализмига содик қолиб, нирвана мөроякий манзилини инкор этди. Медитациядан кўзланган мақсад эса, хито руҳонийси учун мунаvvарлик туйгусига нисбатан “Асл ҳақиқат” ёрдамида моддий дунё мөҳиятини англаш билан чегараланарди, аниқроғи, чекланарди. Бунинг учун нирванага ноиллик ёки “Будда бўлиш” ҳам шарт эмас, бал-

ки унинг ўрнига “хитойлик буддапараст медитацияга кирганида, у ўз нигоҳи атрофидаги дунёнинг жами мўъжизаларини ҳис килсин, кўра олсин!” Улар – табиатнинг сўлим гўшалари, коинот ва мавжудотнинг мўъжизакор фаолияти, демак, “Осмон ва Ер”нинг илоҳий қурдати гўзалликлари...

“Чан буддизмнинг моддий аслиятта доир тушунчилини ва унга даъвати шу қадар кучли эдики, токи инсон ўзини ўраб турган борлиқни илм-билим воситасида ўрганиш ва идрок этиш ўрнига, уни онг ва ҳиссиятни қизйнамай, ўз холича қабул қилсин, ўзлаштирсан!” Борлиқка бундай муносабат, қайсиdir маънода, илк буддизм мантиқи учун ҳам бегона эмас эди. Бу борада Будданинг ўзи “яраланган киши” мисолида айтганидек:

“Ярадорнинг ақвөлида ўзига ўқии ким ва уни нима мақсадда узганлиги, рақибининг қандайлиги - уйланганми ё сўққабошми каби маълумотлар эмас, балки уни жароҳат етган баданидан ўқни тезрок чи қариб ташланиши кўпроқ қизиқтиради”.

Бу билан Будданинг таъкидламоқчи бўлган фикри, уни одатда масаланинг тафсилоти эмас, мағзи қизиқтирган, яъни: “Оlamни ким яратган?” ёки “Борлиқ қаердан ва қандай пайдо бўлган?” деган саволлар эмас, балки келгуси кўрсатма ва панд-насиҳатлар учун қўл келадиган энг керакли ва муҳими – бу “айни ҳозир ва шу ерда нима воҳеа содир бўлаётганлиги!”(24:15-16б.).

Буддизм ўз диний-ижтимоий байналмилал тамоилия лига биноан, Хитойда ҳам авом ва кибор учун ҳар иккни қатламнинг ўз онги ва орзулари асосида эътиқод вазифасини ўтаган. Агар авом дунё изтиробларидан куттилиш учунгина Буддага сифинса, “Хитой жамиятнинг киборлари таълимотнинг фалсафий ва метафизик

талқинларига күчпрек эътибор қилғанлар. Улар сутраларни ёдлар, мағзини чақар ҳамда илохий матнлардан қашш этган ўз сир-асрорларини Ҳитой шароитида амалий мистифода этишга уринардилар”(10:329б.).

Биз ҳали буддизм жамоаларини ўзига хос “давлат ичидаги давлат” дедик. Бунинг классик намунасини, мажозан Ватиканга ўхшашиб буддизмнинг Тибетдаги шаклида кўриш мумкинлигини рисоланинг биринчи қисмида таъкидлаб ўтган эдик. Гарчи буддизмнинг V асрда Тибетда эришган наинки диний, балки сиёсий-ижтимоий институт мақомидаги мавкеига унинг Ҳитойда тутган ўрни тенгташа Олмаса-да, лекин Тан давридаги таълимотнинг равнақи, ҳар жиҳатдан эътироф этишга арзигулликдир. Хусусан, иб одатхоналар тизими ни соликлардан озодлиги, үларда ижод ахлигининг маъкон топганлиги, Будда жамоаларига төғишли ерларни дехонларга ижарага берилиши, буддизмнинг ижтимоий-иктисодий ва маданий хаётдаги роли сингари фактлар, шубҳасиз, унинг Ҳитойдаги тарихыга “олтин давр” бўлиб ёзилди(10:334-33 56.).

Ҳиндистон тарихи дан маълумки, ибтидося I асрдан, яъни брахмаганизмдаги дастлабки ўзгаришлардан бошланган индуизм нинг илк бор ҳинд диёрида энг иирик эътиқод сифатида ҳмайдонга чиқиши ва кей инчалик “Будда ғояларининг ҳинд миллий менталитети хусусиятларига бас келолмаганлиги, унинг муқаддам ўз ватанида эга бўлган мөҳиятига пугур етказган” эди. Бу воқеалар, вақти көлиб, ҳитойлиқ буддапарастларнинг Ҳиндистон билан бўлган узвий алоқаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Икки мамлакат ўргасидаги роҳибларнинг ўзаро борди-келдиси ниисбатан узилди. Шу орада Ҳитойдаги “Жанубий ва Шимолий сулолалар ўртасидаги сиёсий парчаланиши натижасидаги низоллар, қайтадан конфуцийликни кучайиши, мамлакатдаги

даосизм ва буддизм позицияларини назорат этилишига олиб келди. Ибодатхона тизимидағи шубҳали ва ички қоңунуларға тұла амал қылмайдыган роҳиблар диний ма скандалдан ташқари чиқарилиб, қайта ижтимоий ҳаёт жағдайларға қайтарылды, уларни яна солиқ түлашға мажбур этилди(10:335). Ибодатхоналарда түпланған ва “хукumat учун хавф солиши мүмкін” бўлған катта бойликка император беписанд қараб турмади. Мелоднинг ”842-845 йиллари олий фармон билан рангли металлардан ясалған Будда ва бошқа илоҳлар ҳайкаллари эр итилиб, ундан тангалар қуялди, темир маъбуллардан эса қишлоқ хўжалиги асбоб-ускуналари ясалди, энг қиммат баҳо металлар давлат ҳазинасига туширилди” (22:354б).

Хитойдаги хукмрон доираларнинг Конфуций ва Дао таълимотлари мутаассиблари томонидан буддизмга қиған таъналари ва берган баъзи қақшатқич зарбалари, фәқат у нинг хорижий эътиқод бўлғани учун эмас, балки шунингдек, гоҳо маҳаллий мутаассиб буддапарастлар орасида ўз эътиқодининг хитой таълимотларидан устунлигини очиқ-оидин намойиш қилишга урунувчилар хатти-ҳаракатининг “жазоси” ҳам эди. Мисол учун, “IV асрнинг йирик буддавий арбобларидан бири **Хуэй-юань**, гарчи миллиати хитой бўлса-да, конфуцийлик даосизмни ўз диний эътиқоди бўлған буддизмга нисбатан фаяқат чиқинди эканлигига дарво қилган”. Ёки, ҳар уч таълимотнинг омихта этик ва диний тимсоли бўлған ибодатхоналарда мавжуд эътиқодларнинг муқаддас сиймөлари ҳайкалларини ҳам “сараплаш”га ўтилди: «Мехробларда маҳаллий бутлар ўтирган, Будда эса тик турган ҳолатда жойлаштирилди» (22:355б).

Муқаддам зикр этилган буддизмга қарши “хужумлар” вақтида ибодатхоналар тизимидағи талабга жағоб бермаган роҳибларга нисбатан қўрилган чора-

лар, манбаларда ёзил ишича, асоссиз эмас эди. Будда таълимотида вожиб саналган шартла́рга мувофиқ роҳиб-лар садақадан тушган озиқ-овқат билан кун кўриши ва улар кийим-кечакда ҳам албетта юпгун юришлари шарт бўлган. Амалда эса аллақачон бу қоидаларга риоя қилинмай кўйилган эди. “Роҳиблар шаҳар ичида ўз садақа идиши билан көзиб, топган бир қисм гуручларини ибодатхонага келтириб беърганлар, аммо дон умумий эмас, фақат шогирд ва кулларнинг қозонеига тушган. Асосий роҳиблар учун маҳсус ибодатхона ошхонасида таом тайёрланар, уларнинг уст-бошидаги ипак матолар номига бир четидан рагмий кўриниш учун киркилар ва устидан тикиб кўйиларди”(22:3586.).

XIII асрнинг биринчи чорагидан мўгуллар империясининг кучайиши, қолаверса, буддизм асосидаги ламаизмни расмий эътиқодга айланиши, Хитойда **Хубилайхон** “шарофати билан” яна буддизмнинг мавқенини тикланишига бир турғки бўлди. “Мўгул хони нафақат Будда эътиқодининг тақвадори сифатида унинг тикланиши, балки у билан рақобатлош даосизм динига тегишли ашёлар -- диний асарларнинг йўқотилишига ҳам фармон чиқарган эди”.

Шундай килиб, қадимги Хитой тарихида қачонлардир конфуцийлик ва даосизм ўртасидаги нисбий “қарама-қаршиликлар ёхуд у ёки бу таълимотнинг устунлиги” даврларида юз берган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ўзгаришлар, силжишлар ҳамда ислоҳотлар жараёнида ўз фалсафей-ижтимоий ғоясини сақлаб колган Будда таълимоти, аввал Житой ва келгусида деярлги бутун Шарқий Осиё жалқлари диний эътиқоди даражасига эришди.

Бир вақтнинг ўзида, яна қулдорлик тизими шароитида уч диний-фалса фий таълимотнинг муайян “диний ва даврий зиддиятлар”дан қатти назар, ўзаро очик ва

узок рақобатда бўлмаганлиги ҳамда ҳар уч диний қадриятнинг маҳаллий цивилизация тараққиётидаги ролининг кескин мухолифатдан ҳоли қолганлиги ҳамон денишунос ва хитойшунос олимларнинг дикқат-эътибори мәрказида. Ҳолбуки, юқорида қисман бўлса-да, бу масалада мавжуд турли мушоҳадаларни бирор тарихий ёки фалсафий мантиққа асослаб таҳлил қилинганлиги ва улар юзасидан чиқарилган хулосаларининг шоҳиди бўлдик. Бизнингча эса, азалдан хитойларнинг табиатига хос иттоаткорлик масъулияти, конфуцийликнинг аждодлар руҳига садоқати ва этикаси, даосизмнинг руҳий мангулликка ишонч-эътиқоди ҳамда буддизмнинг инсонни мъянавий камолот орқали дунё изтиробларидан халос этиши қаби фалсафий асослари, ҳар бири, хитойларга ўз турли гарғиботи билан ягона, яъни инсоний қадриятларнинг меъзони бўлмиш диний ва дунёвий такомиллик манзилига йўл кўрсатиб берди. Балки худди шу сабабдан, “аввал куйи қатламлардаги ҳалқ эътиқоди ва азъяналари негизида юзага келган диний синкретизм” руҳияти қўшни Корейс ва Япон сарҳадларига кириб боргандир! Рисоланинг муқаддимасидан истифода этилган там ойилга биноан, бу сафар ҳам тахминимиз тафсилотини дастлаб тарих сабоқларидан излаб кўрамиз.

Қадимги Қурия

Корейсларнинг мифологик дунёқарашларидан, уларнинг ухровий тасаввур ҳамда боқий олам тушунчаларига нисбатан реал мавжудлик, демак, борлик ва ҳаётга муносабатлари жiddийроқ эканлигини сезиш қийин эмас. Агар ушбу фикр асосини ҳалқ оғзаки ижодига мансуб мақол ва маталлар мазмунидан изласак, тахминимиз ўз-ўзидан ойдинлашади:

«Осмондаги жаннатдан кўра ёрдағи тезакли майдонда яшаган маъқулоқ».

Агар айни маталининг магзини янада чукурроқ таҳлил қилсак, қачонлардир корейслар аждоди киндиқ қони тўкилган ер иқлими нигеҳидан оғир бўлганлиги ва улар нима сабабдан “илияқ иқлими жой топиш мақсадида Сибирь иза Манжурияning Бепоён кенгликларни босиб ўтиб” ихтиёф этган ватанлари – ярим оролнинг ўзлари учун жаннатдан кам эмаслиги маълум бўлади. Сўнгги маълумотлар бўйича, “ярим оролдаги узоқ тарихий жараёнда нэолит даври гурухлари ўзаро аралашиб, кейинчалик улар “корейслар” деб аталган бронза асри(X) этник жамшаларини ташкил қилганлар. Табиатан тотемист бўлган ярим орол ахолиси қабилалари ўзларини табиятнинг бирор объекти орқали номлаганлар”(52:76.).

Биринчи миңгийликнинг иккичи ярмida қадимти корейсларни ниг этталлаган худудларига ҳозирги Кореядан ташқари Манжурия ва Ляодун ярим ороли ҳам кирган. Бу ўрмон ва водийларда асосан дехқончилик билан шуғуллашувчи қабилалар истикомат қилганлар, овчилар эса тоғларда(16:431). Хитойдан келтирилган шолининг бу ер ларда ўзлаштирилиши ҳам шу даврга тааллуқли.

Дастлабки корейс давлатининг вужудга келиши ҳақидаги тарихий маълумотлар қаторида яна бир қанча ривоятлар ҳам ма вжуд. Шундай қадимий ривоятларнинг бирида баён қилиншича, ”Самов ий ҳукмдор”нинг валиаҳди **Хванун** «Тхэб-оксан тоги»да “Илоҳ маскани” қурдиради. У одамтарни ўқитиб дехқончилик, тиббиёт, дурадгорлик, тўкувчилик, балиқ ови сингари керақли ва фойдали ишларга Ўргатади. Кунларнинг бирида тогда одамга айланниб қолишини орзу қилган йўлбарс ва айиқни кўриб қолган шахзода узарга шундай дейди:

“- Кимки юз кун ғорда факат саримсөк пиёз ва эрмон(Э) еб яшагудек бўлса, унинг орзуси албатта амалга ошади!

Айик ўз олдига қўйилган шартни бажаргач, аёл бўлиб қолибди. Шундан сўнг аёл-айик Хванунга турмушга чиқиб Тангун исмли ўғил туғиб берибди ва у улгайиб **Пхэнбянда** қадимги **Чосон** салтанатига асос солибди”.

Ривоятда зикр қилинган **Чосон** давлати тарихининг бошланиши эрамиздан аввалги III асрдаги мўқаддам ўзаро қардош қабилаларнинг ўргасида чиққан низо ва тўқнашуларга бориб тақалади. Аммо янги давлат – Чосон бир неча бор **Йэн** билан қаттиқ тўқнашувга дуч келиб, бир аср мобайнида мухолиф кучларга бўйисунишга мажбур бўлади. Шу тариқа тахминан эрамиздан аввалги I асрда ҳозирги Шимолий Кореяning худудидаги қабилаларнинг қайта йириклишуви натижасида кичик подшоликлар барпо бўла бошлайди. Шулардан шимоли-гарбда биринчи мустақил давлат ҳисобланган **Когурёнинг** хукмдори, кўп ўтмай, Хан империяси билан муваффақиятли жанглар олиб бориб ўз мустақиллигига эришади.

Мелоднинг I-III асрларида қудратли салтанатга айланган Когурёда яна ўзаро жанг жадаллар авж олиб, ярим оролнинг жануби-гарбий қисмида **Пэкче** ва V асрда жануби-шарқий қисмида **Силла** давлатлари пайдо бўлади(16:431-4326.). Гарчи ярим оролда подшоликлар мұстакил бўлгани билан хукмдор аристократлар қаршисида ҳақиқий “тахт эгалари”нинг обрў-эътибори паст эди. “Одатда подшо икки ё уч, кўп дегандা, беш ё олти нуғузли оиласар томонидан тахтга ўтказилар ва бу ишларга оддий фуқаро аҳли аралашмасди”. Подшолик аҳолиси асосан икки қатламга бўлинарди: озод фуқаро ва урушда асир тушган қуллар. Қуллар озод фуқародан

ажралиб турушлари учун маҳсус белгидан коришта маҳкум этиларди – сочлариз албаттаза калта қилиб қирқиларди. Ахоли ўртасидаги бундай табакаланиш қонунинг қаттиқ назорат остида сақлағиши оқибатида гүё подшо зурриёти подшо бўлганидек, қулнинг ҳам фарзанди умр бўйи қул бўлиб қолаверарди(52:11,13б.).

Гап уч подшолик даври ижтимоий хаёти ва қонун-қоидалари тўғрисида борар экан, унинг маънавиятга тегишли томонлари бор асида ҳам Когурё мисолида айрим тамойилларни эслаб ўтиш, ўша давр диний аҳкомлари моҳиятининг тасаввури учун жуда муҳим. Уч подшоликнинг ичидағи энг йирик Когурё ҳудудидаги оддий оиласаларда аёллар масъулияти Эркакларга қараганда оғирроқ бўлган. Эркаклар урущга кетганда оила молиявий масалаларини хотинлар ҳал қилганлар. Лекин юқори табака оиласалар ида эркак ва аёллар хукуки деярли teng эди. Аёллар ўз тенглек хукуқидан фойдаланиб, ҳатто ортдан туриб гоҳо си ёсий масалаларга ҳам аралашганлар. Гарчи аристократларда қонунан кўпхотинлик рад этилмаса-да, аммо жонадонда биринчи хотиннинг мавқеи жуда юқори турган. Ва мавжуд шароитда талоқ масаласи фақат эркаклар изми билан ҳал қилинган. Талоқнинг шартен шу эдики, агар хотин кишининг конфуцийлик етти кўрсатмасига зид келувчи бирор айби бўлса ёки у кечирилмас гуноҳ содир этса, яъни:

1. Ўғил туғмаса.
2. Рашикчи бўлса .
3. Ўғрилиж қилса.
4. Наслдан касал бўлса.
5. Маҳмадоналиж қилса.
6. Оиласига хиёнат қилса.
7. Қайнота ё қай нонага бўйсунмаса.

Нуфузли ва озод фуқаро оиласири аёлларидан фәрқли ўлароқ қул аёлларга махсус рақс, мусиқа ва құшиқ санъати ўргатилиб, улар күнгилочар йигилишләрда иштирок эттәнләр (53:34б.).

Муқаддам подшоликлар ўртасида мустақиллик-гәча бўлган қарама-қаршиликлар муайян вақт ўтгач, энди ярим оролда якка ҳукмронлиқка эришиш йўлида дәвом этди ва ниҳоят, мухолифат VII асрнинг иккичи ярмида Силланинг ғалабиси билан тугади. Бироқ Силла салтанатининг таҳминан икки асрлик ҳукмронлигига ҳам ўз ҳарбий кучига эга собиқ суюлаларнинг “асосий таҳт”га эга бўлиш иштиёқлари сўнмади. Охири мағлуб бўлган Силланинг ўрнини Корё суюласи эгаллади(918-1392й.). Шу ўтган давр ичиди, яъни X асрнинг иккинчи чорагидан XIV асрнинг то сўнгги чорагигача ярим оролда савдо-сотик, хунармандчилик қатори илм-фан, санъат ва маданият ҳам ривожланди(45:13б.).

Қадимги корейсларда Конфуций ва Будда таълим отларини дин сифатида қабул қилиниши, хорижий эътиқодларнинг маҳаллий мифологик тасаввурларга йўғрилиши билангина амалга ошган ва бу тарихий ҳакиқат. Шу сабабдан даставвал сўз корейс мифологияси ва унинг хусусиятлари ҳақида.

Корейс мифологияси

Корейс ярим оролида Жанубий ёки Шарқий Осиё мәмлакатларидаги каби қадимдан расман ўз алоҳида номи ва фалсафасига эга диний эътиқод бўлмаган. Бинобарин, бу ерда табиатнинг илоҳийлаштирилиши билан мифологик образлар тимсолига сифиниш жуда кучли ривожланган. Бунинг оқибатида тотемизм ва анимизм тушунчалари шу кадар кенг қамровли бўлганки, “Корейслар бутун ўз тарихи мобайнида бор табиатни

илюхийлаштириб, унга беа~~з~~дад рухлар ва иблисларни жойлаб ташлаганлар. Каергә қараманг, шу ер уларнинг макони: ҳар бир сояли дараҳт ости, ҳар бир жарлик таги ёки тоғлардаги ғорлар ичиҲаттоқи рухлар бўғотда, синчлар орасида, қўйингчи, хонадоннинг ҳамма бурчакларида бўлиб, улар көрёйсанни туғи лишидан то охириги нафасигача кузатиб борадилар. Рух ва иблислар ҳатто аждар, яккашоҳ ёки қақнус қуши қаби жонворлар қиёфасида ҳам намоён бўғлишлари мумкин”(45:66.).

Рух ва иблисларниң жонворлар шаклидаги инкишофи, ҳар қалай бежиз эмас эди ва нега? Корейслар одам ўлганидан сўнг уени от, йўлбарс, илон, тулки, қарғага айланишига ишонишган ва буни ўз ривоятларида тасдиклаганлар. Ёки ўтмишда “аристократлар хонадонини ҳайвонлар билан номланиши ҳам шу эъти-моднинг ҳаётий исботи» (1:7:148-1 556.). Зоро, танадан жон чиқиши билан рух ўз азвалги моҳиятини йўқотади, абадийликка факат улуғ зотларнинг руҳигина мұяссар! (45:6-76.).

Шуни ҳам эсда тутиш керакки, биз ҳозир танишган “рух фаолияти”га тааллукли маъулмотлар доим ҳам ривоятлар талқинига мос тушавермайди. Ривоятга муов-фиқ, дастлаб инсон рухи унинг ўлиши билан учга бўлинади. Ва рухлар жаниятда, яъни гулбог бобони~~и~~ Оконшанте ҳузурида бўладиган “с авол-жавоб”да аникланган натижага, яъни марҳумнинг бегуноҳ яшаганлиги~~и~~ ҳамда унинг самимий сўзларига қараб ўз ўринларини~~и~~ топадлар: биринчи рух ё боғда яшайди ёки гуноҳи туфайли яна ўз танасига кирари ҳамда яшайди ёки гуноҳи турига ўтади. Иккинчи рух жонси з танада қолиб ерга кўмилади ва учинчисига ҳавозда ёки ўзи яшаган уй атрофи~~и~~ яқинидан макон топади(45:5-76.).

Учга бўлинган рухларнинг ҳар бири ўз ўрнида тириклардан муайян в азифаларни б ажаришларига умид-

в ор бўлади. Биринчи рух то Оконшантенинг сўнгги қарори аниқ бўлгунича гоҳ уч, беш, етти ёки ундан-да к ўпроқ кун кутади, яъни у гулбоғда қоладими ё яна ўз танасига қайтариладими? Иккинчи – тана руҳини кўмиш учун олдин бирор баҳтли тепадик топиш керак бўлади. Шунинг учун кўмиш маросими бир неча маротаба қайтарилиши мумкин. Мархумнинг жасади то муносиб ер топилгунича эски қабрдан қазиб олиниб янгисига дафн этилаверади. Учинчи руҳдан доим яқинлари ҳабар олиб, унга ғамхўрлик қилиб турадилар. Бунда руҳни ўз вактида озиқлантириш учун гоҳ унга гуруч қайнатиб олиб борилади, гоҳо шаманнинг кўрсатмаси билан тўнгиз сўйилиб уни таомлантирилади (45:76.).

Дунёни фалсафий англаш за диний эътиқод ҳусусида корейс халқи ҳам, айтиш мумкинки, ўз мифологик эътиқодида қоим ҳамда азалдан Хитой диний-Фалсафий дунёқарашларининг мухлиси бўлган. Ярим оролдаги мифологик даврдан кейинги кечган диний жараён, юқоридаги фикрнинг ўзига хос бир амалий кўриниши эди. Чунки бирин-кетин “Уч подшолик” ҳудудларига кириб келган хорижий диний-фалсафий таълимотлар наинки аҳолининг диний-мифологик дунёқарашларини ўзгартирди, балки шунингдек, улар Хитойдаги каби ерлик шароитга мослашиб, мифологик тушунча ва маслакларни ўзлаштириди”.

Аслида корейс фалсафий тасаввури шаклан ва мазмунан қадимги хитойликлар мушоҳадасига жуда яқин. Агар сўзни ибтидодан бошласақ, бутун борлик, хитойлар каби деярли корейсларда ҳам эрлик – ижобий ва ёруғлик тимсоли “ян” ҳамда аёллик – салбий ва қоронғулик ибтидоси “им”нинг ўзаро қўшилишининг маҳсули. Ёки Осмон, Ер ҳамда Темир, ёғоч, сув, олов ва тупроққа тааллукли беш космогоник ҳодисот, ҳар икки унсур – ян ва им сифатини ўзида мужассамлаган иб-

тидсий субстанция “**киш**” комбинацияси натижаси. Космогоник ходисотда беш унсур дюим бир-бираига ўтиб, ўзгариб туради: тупрок дараҳтга, дараҳт темирга ва шунга ўхшаб ҳукмдор сұлолалар ҳам даврий ўзгаришларга мақсум (45:8б.). Табиат унсуздлари шунингдек, “Корё тарихи” тавсифи-ча, фалсафий мәзънода эзгулик ва ёвузылғы сабаблари маңбаидир. Агар дейлик, табиатда Осмонта беш турдаги җаракат хос бўлса, Ерга эса беш ходисот. Бу жараён инсон ҳаётидан ҳам кечиб, унинг беш ички аъзоларига тегиши ли томони ҳам, ташқарида пайдо бўлувчи беш белги асосида ўз акс ини топади. Шу боисдан ушбу ботиний ва зоҳирий ўзгаришлар қанчалик кеч ўтса, шунчалик яхши, йўқса, бу инсон умрининг тугаши дегани(45:8,13б.). Шу жаби “мәвжуд вақт ичидаги бирор қаттиқ ва мустаҳкам нарсадаги ўзгариш, бугунги бор нарсанинг эртага йўқ бўлиши” демакдир. Яъни, эскининг янгиланиши ва янгининг эс кириши тинимсиз бўлиб, у ўзида ўзгаришларниң унисини ҳам, бунисини ҳам мужассамлаштиради”(45:18б.).

Хуллас, маҳаллый мифологик фалсафа ҳамда унинг дунёвий ва ухровий унсурлари мавзуи, хорижий таълимотлар ташрифи дан кейин ҳам корейслар учун ўз аҳамиятини йўқотмади, балки улар қобигида янада ривожланди, мисол учун, “конфуцийлар ик тасарруфи” да.

“Корейс конфуцийли ги”

Таълимот тари хининг корейс сарзаминида бошлиниши, биз кўрган манбаларда иккى хил, яъни аниқ ва ноаниқ даврга тегишиги. Уларнинг бири, конфуцийлик-нинг ярим оролга, хусусан Ареега ташрифи вақтининг ўта қадимийлиги бўлса, исканчиси, уни уч подшоликдаги тарқалиши тартибин инг аниқ вақт билан кўрса-

тилиши: III асрда Когурё, ундан сўнг IV асрда Пекчэ ва VI асрда Силлада.

Корейсларда конфуцийликнинг оммалашуви сабаби, хитой таълимотининг маҳаллий мифолоик эътиқод асоси – аждодларга бўлган олий эҳтиром анъанасига бўлган ижобий муносабатидан келиб чиқсан эди. Вахлонки, корейсларда аждодлар рухига топинишнинг хитойлардан фарқли айрим ўз жихатлари бор эди. Аждодлар рухи культида бир йўла икки масала – икки дунё ҳисобга олинарди: дунёвий ва ухровий рухлар, яъни ўликлар ва тирикларнинг ўзаро мутаносиб манфаатлари.. «Агар тириклар ўз қурбонликлари билан ўтган аждодларнинг ҳоли ҳаётида қилған савоб ёки гуноҳ ишларидан қатъи назар, рухига роҳат-фароғат баҳш этсалар, бундан шод бўлган ўтганлар рухи эса, ўз зурриётларининг қандай бўлишларига қарамай, уларни тинчлик ва хотиржамликда умргузаронлик қилишларини рухан таъминлардилар» (45:106.).

Лекин конфуцийлик, биз кўрган каби ўртадаги баъзи тафаккур тафовутларига қарамай, Қуриядаги жами мифолгик масалаларга иккиласланмай мослашди. Бундай хайриҳоҳ муносабатнинг асосий омили – бу хитойликларнинг мазкур ўлка ҳалқи билан қадимдан узвий алоқада бўлганлиги эди. Шу сабабдан конфуцийлик тез орада ижтимоий ҳаётдан узилмаган ҳолда, давлат ишларидан ҳам ўз “оила-давлат” тамойили билан иштирок этишга киришди. Яъни, янги эътиқод “миллатнинг отаси” подшога сидқидилдан хизмат кўрсатишдек давлат хавфсизлигига сув билан ҳаводек зарур ўз амалиётини мамлакат миқёсида жорийлаштириди. Когурёда 372 йили ерлик роҳиблар учун маҳсус конфуцийлик академияси очилди. Унда келгуси учун етук мутахассисларни тайёрлаш мақсадида турмуш курмаган ёшлар-

га Конфуцийнинг классик асарларини хитой тилида ўқитишга ўтилди, улар:

1. Тарих китоби.
2. Кўшиқулар кито би.
4. Ўзгаришлар китоби.
3. Маросимлар ки тоби.
5. Баҳор ва куз соғиномаси(52:1-66.).

Тез орада “хитойлик мутафаккир Чжу Си таълимоти негизида шаклланган “несконфуцийлик”, маҳаллий рух касб этганни учун тадқиқотчилар тилида “Корейс конфуцийлиги” деган атама-га мусассар бўлди.

Мелоднинг XIV-XV асрларида кофуцийлик Қурдияда икки йўналишга ажralаҳди:

Биринчиси – “тоғ ва ўрмон мактаби” намояндалари Мутлақ борлиқнинг барғо бўлиш асосини “Ли”-руҳ, дея инсониятнинг Ўзаро Беш турдан иборат: ота ва ўғил, катта ва қичик, эр ва хотин, хукмдор ва фуқаро ҳамда дўстлар муносабатларини “Осмон”нинг бузилмас кўрсатмаси ҳисоблаганлар.

Иккинчи йўналиш тарафдорлари, хусусан Чон До Чон тушунчасида мoddият ва рух ўзаро боғлиқ бўлиб, борлиқни моддий ибтидо “ки”нинг инъикосида тасаввур қилганлар. Лекин шунга жарамай, “моддий ибтидо йўналиши”да руҳий омрал моҳияти доим иноб атга оли нган. Балки шунинг учун “Руҳ ўзи бўш бўлса ҳам, унда бутун борлиқ мужассам” дейилган(45:16-186.).

Конфуций таъли мотининг Қурдияда тарқалиш идан муқаддам, ярим оролга ўнинг хитой тилидаги ёзма обидалари ва адабиёти ғамуналари келтирилган эди. IV асрда Когурёда конфуцийлик университетининг қад кўтариши, қишлоқ ва тоғли ерларда “кендан” номи билан машҳур ўз даври академи ясининг фаолияти,

корейс олимларининг Хитойга қилган ташрифлари – ҳаммаси, конфуцийликнинг корейслар тафаккури, ҳәти ва давлати таркибида мустаҳкам ўрнашиб қолишига хиз-мат қилди. “Яңги диний таълимотнинг Курияда қабул қилиниши нихоятда жиддий тайёргарчилик билан олиб борилганлигини кўрган хитойлар, - расмий корейс манбаи таъкидича, - ўзларига кўра кўпроқ корейсларнинг эътиқодпешалигини тан олган экан”(19:1546).

Мавзунинг навбатдаги қисми – Куриядаги буддизм тарихига ўтишдан илгари, бир муҳим масалага ойдинлик киритиш керак кўринади. “Одатда конфуцийликнинг Курияда кенг тарқалиши сабабини, буддизм мавқеининг пасайиб кетганлигига кўрилади. Аслидачи, бундай эмас. Дастлабки корейс конфуцийлиги доим буддизмга нисбатан “руҳий хотиржамлик”ни таъминловчи доктрина сифатида яхши муносабатда бўлган. Шу туфайли диний таълимотни ўрганувчи тағлабалар ҳар икки эътиқод фалсафасидан яхши хабардор бўлганлар (52:36б.). Бордию, агар конфуцийлик ва буддизм ўртасидаги мавжуд бўлган айрим принципиал масалалар хусусига келсак, улар ҳақида албаттга ҳали қўйида яна сўз юритамиз.

“Корейс буддизми”

Куриядаги буддизмнинг маҳаяна йўналиши тарихи тахминан IV аср охиридан бошланган. Таълимот илк бор Когурёга 372 йили тибетлик роҳиб-миссионер **Сондо** томонидан олиб келинган ва орадан кўп ўтмай унга давлат дини мақоми берилган. Шундан сўнг 384 йили буддизмни Пэкчеда ҳиндистонлик буддапараст **Малананта** тарғиб қилган ва бу ерда ҳам буддизм давлат дини деб эълон қилинган. Лекин Силлада янги эътиқод бошка подшоликларга қараганда анча кечроқ,

яьни 527 йили жанубий Ҳитойнинг Лиан г вилояти дан келган нуфузли зот Вонпёнинг ташири бўсағасида оммалашган(52:15б.).

Буддизмнинг Куриядан мұқаддам ҳадами етган ерлар ичиде Ўрга Осиё ҳам қайд этилган эди. Чунки тарихий манбалардан, Сурхондарё воҳасидаги Буҷда ибодатхоналарин инг ўзига хос қурилиш услуби Хитойгача етиб бориб, у ерда ҳам қўлланган лиги маълум (30:78-79б.). Демак, буддизмнинг Ўрта Осиё минтақасидан Хитойга ва ундан сўнг Курдияга ўтгунича, турли диний эътиқодлар шароитига мослашинг тажрибаси етарли бўлган. Шунинг учун Будда таълимоти Хитойдаги каби Курдияда ҳам нисбатан тез ёйилди. Кўп ўтмай янги эътиқоднинг махаллар давлат назариага тушганлиги, буддапараст роҳибларга бевосита сиёсий-ижтим оий ҳаётда фаоллик кўрсатиш имконини берди. Буддизмнинг ўз байналмилал ғояси ва янги шароитга қайиншувчан сифатидан ташқари яна бир ерлик ареистократларга маъқул тушган томони бор эди. Яъни, бу эътиқоддаги “карма”(Ю) ва “сансара” фалсафий тушунчалари қонуни бўйича, нуфузли зотларнинг ўтган туғилишларидаги бегуноҳ умргузаронликлари учун мукофот тарзиддаги юқори мартабага эга бўлганликлари, мардум назарида диний асосида “ўз-ўзини оқларди”. Демак, бу дегани, паст табақадагилар ўз ўтмиш гунгоҳлари учун шу ажволда яшаётганликларини ўзлари эътиқод қилган дин замидида англардилар(52:15-16б.).

Силлада қўпинча ғодиш мослаҳатчеси лавозими га Бош буддапараст роҳиб тайинланарди. Давлат мослаҳатчилари ўз панд-насиҳатлари, кўрсатмалари дастурини давлатга таклиф қилиб, уларни расмий йўллар билан омма онгига син гдиришга уринардилар. Қуйида шулардан “Беш фармойиш” ва “Саккиз фармойиш”лар мейтни нусхаси билан танишамиз:

- 1.Дўстлик садоқатини ўрганиш.
- 2.Жанг майдонидан чекинмаслик.
- 3.Бесабаб қон тўкишдан сақланиш
- 4.Подшога садоқат билан бўйсуниш;
- 5.Ота-онага садоқат билан хизмат қилиш

Ва: (52:166.).

- 1.Тирик жонга зиён-заҳмат етказмаслик.
- 3.Дангаса бўлмаслик ва фаҳшга булғанмаслик.
- 4.Сўзлашда bemулоҳаза ва бепарво бўлмаслик.
- 5.Сармаст қилувчи ичимликка ружу қўймаслик.
- 6.Ўз-ўзини бошқалардан ҳеч баланд билмаслик.
- 7.Хушбўй таратувчи нарсадан фойдаланмаслик.
- 8.Гуллар ва ҳузур-ҳаловатдан узокрок юришлик

(45:116.)

Намунавий фармойишларда акс этган “Корея буддизми” дунёқарашларида маънавий, ижтимоий нуқтаи низардан ташқари, яна айрим монотеистик тушунчага даъво қилувчи жиҳатлар ҳам бор эди. Мисол учун, буддапараст файласуф **Бо У**, «ил» – бутун борлик интеллекти ва «сим» – юрак бирлиги ҳақидаги «ильчонон» назарияси тўғрилигини тасдиқлашга кўп уринган. Унинг фалсафасига кўра, инсон танасини “борлик вужуди” б илан айнан билмоқ керак. Шундан келиб чиққанда, инсон юраги борлик вужудида экан, демак унинг куч-кудрати ҳам борлик Башқарувчисининг куч-кудратидир. Шунинг учун Осмон ва инсон бир”(19:1406.).

Буддизмнинг маҳаллий аҳоли вожиб санаган маросим ва анъаналарда албатта катнашувининг энг муҳим сабаби – бу мифологик илохиятнинг “ғазабига дучор бўлмаслик” эди. Деярли барча Будда ибодат масканларида буддизм культуга тегишли ашёлар қаторида шунингдек, тоғ ёки бошқа хос маконнинг илоҳларига сифиnilарди. Кўпинча ерлик илоҳиёт рамзи – конфуцийлик

анимизмидан удум бўлган қария ва унинг ёнидаги қўлга ўргатилган шер ифодәсида газдаланарди.

Буддизм давлат дини мақомида Курияда ўзининг чўккисига эришган бир пайтда, XIII асрдан бошланган мўгулларнинг Шарқей Осиё мамлакатлариға қилтан юришлари корейс по дшоликсларни хонавайрон қилди. Шунда сарой аҳли илоҳий кучлардан сўралган маъдад овазига, ўн олти йил мабайнода ёғочнинг энг қатъиқ турларининг бирига “суралар(Я) мажмуи”ни ўйдирди. Бироқ илоҳиётдан жавоб бўлавермади – улар мўгулларни корейс еридан даф этмади, о қибатда Курия Мўгулистоннинг вассали бўлиб җолди. Шунда сарой мулошимларӣ мамлакатни босқинчилар га мағлуб бўлишида буддапарастларни айбладилар ва шу топдан – кечагина соликдан озод ибодатхоналарда к атта маблағларга эга буддизм мавқеи энди давлат миқёсида инкор этилди. Буддапарастларга нафрат кўз и билан қарай бошладилар, ҳатто уларга марказга келиш ҳам ман этилди. Роҳибларнинг шаҳарларда истиқомат қилиши хукмрон доғраларга малол келганда, уларн инг төғлар бағридан мажон топиб, энди ўша ерларда ўз ибодатхоналарини куршидан бошқа иложлар и қолмаганди. Ҳозирда аксарият Будда ибодатхоналарининг борилиши қийин бўлган масканларга жойлашганлиги ҳам шундан(19:1526.).

Ха, дарвоҷе, “Хитойда конфуцийлик билан Буддизм ўртасида ўз даврида мавжуд бўлган рақобат ёки ғоявий қарама-қаршилик рұҳияти Курияда қай тарзда бартараф қилинди?” деган савол берилиши мумкин. Қизиғи, иккала эътиқод ҳам бу юртда ҳар бири ўз ҳолига ҳал қилувчи позицияларни эгаллаган эди. Конфуцийлик давлатнинг бош җарув таркибида, буддизм давлат дини бўлгани учун фуқароларнинг диний-маънавий тарбияси учун масъул эди. ‘Будда ибодатхоналарининг катта ерларни ўз тасарруғига олганилигига ҳар-

ши чиққан конфуцийлик ва доасизм оппозицияси, кейинги сулолаларнинг алмашиш давридаги турли сиёсий-ижтимоий воқеалар жараённида мафкуравий йўналишнинг конфуцийлик фойдасига ҳал бўлиши билан туғалланди”(45:156.).

Даосизмнинг корейслар диний қадриятида тутган ўрни ва фаолияти тўғрисида маълумот ва хабарлар жуда кам. Курияда Дао таълимоти буддизмга қараганда анча кеч, яъни VII асрда маълум бўлган. Унинг бу ерда сиёсий, ижтимоий ёки маънавий масалаларда ўйнаган роли, биз кўрган манбаларда муаллифлар назарига тушмаган. Пировард тадқиқий хуносаларда даосизмга фақат конфуцийлик ва буддизм учун “керакли компонент“ сифатида қаралган. Лекин уч подшоликлар давридаги тарихий ёзма обидаларда, подшо амалдори томонидан айтилган шундай жумлаларни ўқиш мумкин:

“Уч таълимот худди дошқозоннинг уч оёғига ўхшайди. Агар улардан ҳагто бири бўлмаса ҳам иш чатоқ. Ҳолбуки, ҳозир конфуцийлик ва буддизм юксалишда, лекин даосизм эса ҳамон улардан узоқда. “Осмон ости” йўлларининг ўзи шунаقا – номаълум”(45:126.).

Иқтибосдаги амалдор сўзларидан кўриниб турибдики, Куриядаги даосизм тарихи ҳали янги илмий изланишларни талаб қилади. Агар “мажозий уч оёқдан бирининг йўқлиги” “корейс даосизми”нинг моҳияти муаммосига бир ишора бўлса, у холда, Дао таълимотнинг бу йўлкадаги фаолияти, ҳақиқатдан ҳам кенг миқёсдаги тадқиқот ишларини олиб борилиши учун шубҳасиз муносиб мавзу.

Ва ниҳоят, корейс ҳалқи қадимдан то эрамизнинг Ўрта асарларигача ўтган даврлар мобайнида турли савиядаги ижтимоий-иктисодий ҳамда маданий-маърифий тараққиёт жараёнларини бошидан кечирди. Жумладан,

ҳали “эрамиздан аввалы VII асардан бошлаб бронзадаң ҳарбий ва иш қуролларини ишлаб чиқарилиши, қишлоқ хўжалигига арпа, шо ли экиб кўпайтирилиши” ҳамда диний, тиббий ва дуришун ослик мавзуларда илмий асарлар ёзилиши, меъморий ёдгорл икларнинг курилиши, астрономияга оид юлдузлар жадевалини тузилиши ва шунингдек, китоб босиб чиқариш каби ишларнинг йўлга кўйилиши, аввало корейсларниң ақл-заковати ва иқтидори ҳамда Курияда ўтказилган ислоҳотлар натижаси эди.

Маҳаллий манбаларда буддизмни ярим оролнинг ҳамма подшоғилларида давлат диени сифатида кабул қилинганигининг асосий сабаби, корейсларнинг хитойлар илми ва билимiga бўлган чексиз хурмат-эътибори нинг ифодасида кўрилади (19:1516.). Хитой ва Курия ўртасидаги азалий ижтимоий-иктисодий ва маърифий муносабатларга диний алокаларниң кўшилиши, иккимамлакат муштарак диний қадриятларини кўшни давлатлар сарҳади томон силжишига асос солди. Секин-аста корейс Буддапараст миссионерлари, ибодатхона қурилиши мугахассислари ва улар билан шу йўл орқали диний сутралар ҳамда бошқа буддавий ашёларни Японияга ижүнатилиши, Будда гаълимотининг “янги ер” – кунчиқар оролга таштаган дастлабки қадами эди. Ва Бу биринчи қадамнинг муваффақияти, кўп жиҳатдан буддизмнинг япон тупроғи тарихи ҳамда халиқининг “Синто - Худолар йўли” эътиқодига нисбатан бўлғуси муносабатига боғлиқ эди.

Қадимги Япония

Япония Шарқий Осиё цивил изациясини яратишда ўз муносиб ҳиссасини қўшган мамлакатларнинг Бири. Гарчи археологи я Япон оролларида қадим замон-

лардан өдамлар яшаганлигини тасдиқласа ҳам, лекин у өрда неолит даври деҳқончилиги ва айниқса, шаҳар Сарҳадидаги тараққиётнинг дастлабки қадамлари анча Ҷечроқ, яъни эрамизнинг бошланғич асрларига түғри келгалиди (10:355-3566.).

Фанда қадимги япон тарихи одатда икки қисмга Бўлинади: “Дзёмон даври” ва “Яёй даври”. Шу сабабдан дастлабки маҳаллий культ ва маданият унсурларини Япония оролларида пайдо бўлган дейилиши нотўғри, Уларнинг кўпчилиги турли даврларда Шаркий, Жануби-Шаркий Осиё ва Океаниядан қелтирилган (15:226.).

Бевосита диний эътиқод хусусида, японлар ҳам минтақадаги бошқа ҳалқлар сингари диний туйғунинг илк уйғониш даврида аждодлар руҳига сифиниб анимизм, тотемизм ва магия -- дуюю афсун кучига ишонгандар. Бу масалада улар ўсимликлар, жониворлар, аждодлар руҳини улуғлаб, шаманларга эса алоҳида эъзозу Эҳтиром кўзи билан қараганлар.

“Японларнинг илк миллый диний эътиқоди синтоизм тўғрисидаги маълумотлар у қадар аниқ эмас. Бизнинг синтоизм ҳақидаги билимимиз, - дейди рус диншуноси А.Н Мещеряков, - умуман олганда, ҳали яхши тавсифланмаган археологик маълумотлар ва шунингдек, фақат ўз даври учунгина мансуб, яъни VIII асрга доир йўзма матнлар билан чегараланади”. Яна масаланиг мураккаблиги шундаки, синтоизмнинг фалсафий ва ғоявий таркибида конфуцийлик, даосизм ҳамда буддизм унсурларининг мавжудлиги давр ва муштарак дунёқарашлар боис, уларнинг устидан “чегара чизиги” тотишга йўл бермайди. Демак, ушбу муаммолар илдизини англаб ётиш мақсадида асосий эътиборни, аввал японларнинг миллый эътиқоди хусусиятларига қаратамиз.

Синтоизм

Синтоизм тарихиин құздаң жетірғанда, юқорида қайд этилган ҳар уч диний таълим отдан соң японлар үзлаштирган атамалар лугавий мағазуни, соң фалсафий талқини ва соң бус-бутун дүнёвий ёки ухровий мушо-ҳадаларга дуч келдамиз. Боз үстега, яна аксарият ҳолларда бу “үзлашма вә тақырылар” нинг мәдений менталитетта хос хусусият қасаб этгәенлиги ҳам яқын сезилиб туради. Мисол учун, яна үша деярлі бағытта политеистик зәти-қодлардаги аңғаулавий мавзу – Борлескнинг пайдо бўлишини олайлик Синтоизмда ҳам бу жараён айнан Жануби-Шарқий Осиё мингакасига маансуб асосий манба – мифологик тасав вурларда ўз аксиги топган. Диншуносликда бу жиҳатнинг иккى хил баён и бор:

Бирида, хитойларнинг “ең ва ян” объектларига ўхшаш “идзанаг и ва и дзанами”лар “Буюк саккиз ороллар мамлакати”н инг исходко ри сифатида куйидагича ривоят қилинади:

Ибтидода иккى илек яшаб, улар ўзаро қўшилганида, муродлари ҳосил бўлмаган. Аёллик рамзи Идзанами ўғли – “и-лоҳий олов”га тўлғоқ тутганда ҳаётдан кўз юмади. Шунда ўз хотинини “ўзликлар подшолиги”дан кутқаролмай изтиробга тушиган Идзанагининг чап кўзидан куёш и-лоҳияси Амате расу тутилиб, ундан эса илк япон императори Дзимму сулоласи ибтидо олади(10:3576.).

Иккинчида, Борлескнинг гайдо бўлиши “Ни-хон сёки” ва “Кодзики” мифологияк солнномаларидағи қайдларга мувоғиқ, етти илоҳининг номи ва фаолияти тавсифидан бошланади:

1.Амэ-но Минаками-но Ками – мукаддас Осмон марказининг ҳұмудор хұдасы.

2. Таками-Мусуби-но Ками – олий ва мукаддас жижод ҳудоси.

3. Ками-Мусуби-но Ками – гўзал югуришлар жижодининг худоси ва бошқалар.

Агар “Кодзики”да “Осмон”нинг яратилиши ҳақида хабар берилган бўлса, “Нихон сёки”нинг асосий нускасида “Ер”нинг яратилиши маълум қилиниб, шунингдек, и лоҳларнинг етти давр авлоди зикр этилади:

1. Куни-но-Такотати-но Микото – Ер юзи ҳукмдори.

2. Куни-но-Сацути-но Микото – ёш Ернинг ҳукмдори..

3. Тоё-Кумону-но Микото – тексликлар узра ёйилг‘ан булутлар ҳукмдори ва ҳоказо(38:81бет.).

Синтоизмда илохият пантиони кўшни мамлакатлардән фарқли ўлароқ, ўз аниқ шакл-шамойилига деярли эга эмас, гарчи Ками тасвирини чизиш ёки унинг маъбудини ибодатхоналарга қўйиш расман ман этилмаган Бўлса-да! Бундан холоса шуки, синто ибодатхоналарида Камининг бирор аниқ тасвири ифодаланган сифини ш объекти бўлмаган. Бу фикрнинг асосини, рус дини шуноси А.Накорчевский Юсиейн Гордернинг машҳур “София дунёси” асаридаги қиёсий ўхшатишлар замиринда шундай холосалайди:

“Насоролар мансуб бўлган ҳинд-орийларда энг муҳим сезги кўриш эди, шунинг учун улар ўз илоҳ-лари тасвирига катта аҳамият берганлар. Ана шу ердан ҳали-ҳам он бизни ақлимизни ҳайрон қолдирувчи Элла-да ва Рим тасвирий санъати яратилган. Яхудийлар учун асосий сезги эшлиши эди, шунинг учун уларнинг анъана наларида сўз ва ёзма баён мухим рол йўнаган. Японлар-

да илоҳларни тасвирлаш одат бўлмаган. Буни шундан ҳам билиш мумкинки, ушбу масалада японлар учун ассиy омил кўриш ё эшизтиш э мас, балки унинг ўрнида интуитив укув ва руҳий кечинмалар муҳитида яшашдир. Шу боисдан биз аёrim ҳастисмолардан ташқари, синтепарастлар ибодатхонасида Кам ининг тасвирини кўрмаймиз”(29:92-93б.).

Гарчи Ками илоҳиёти таркиби деганда даставвал Осмон ва Ер ҳамда ултарниңг руҳлари тушунилган билан, аммо улар әслида ўзига хос универсал анимизмнинг бир тури. Камига хос универсалликнинг икки жусусияти бўлиб, Бири -- уни талқин-қилишининг мушкуллиги бўлса, иккинчлиси -- унинг ҳамон бугунги япон маданияти билан муштара клиги. Хуллас, Ками мазмунан, XIV аср япон теологи **Иммибэ-но Масамити** тафсирига биноан “**кагами** -“ойна” сўзи маъносида бутун борликни ўзида акс эттирган илоҳиёт рамзи саналган. Демак, “инсон юраги ми, табиат сафосими ё бекубор само ни -- бу ҳаммаси Ками”!

Базан дунё динлари фалсафий асосларида қузатилганидек, одам ёднинг ирқи ва миллатидан қатъи назар, ҳар бир диндорниңг, майли, ўз эътиқоди даражасида бўлсин, “Асл ҳақиқат”га интилишидаги шаклий “турфалик”да гёё ўзига хос үмумий “бирлик” бордек туюлади. Ва бу ҳолат қишида табиий равинда савол устига савол тугдиради, яъни: гажозан “Ер юзининг бир чети”да жойлашган орол ҳалиқи тасавvuридаги Камини бутун борлик музжассамлиги тимсолида таърифланishiю, японларга нисбатан ўз жуғрофий ва диний тафовутларига эга мутасаввиғлар тасавvuридаги дунё нинг “Ваҳдатул вужуд” эканлиги, инсоният мушоҳадасидағи тасодифий ўхш ашлиқми ёки ундағи мантикий бирликми? Ёхуд шу мазмундаги яна бир ибратга арзигулик воқеа:

«Беруний» - деб ёзган эди Жавоҳирлал Нехру ўзининг “Хиндистонни кашф этилиши” асарида, - юонон фалсафасини эгаллаб, ҳинд фалсафасини мутолаа қилмок учун санскрит тилини ўрганди. Сўнг, юонон ва ҳинд фалсафасини бир-бирига солиштириб, улардаги мавжуд бўлган умумийликни кўриб ғоятда ажабланган” эди.

Ҳолбуки, политеистик эътиқодларда бўлган халқларининг Тангри таоло тўғрисидаги тасаввурлари шаклан турли ва қиёсан оддий ё мураккаблиги билан албатта ўзлари учун энг ҳаққонийси бўлган, шу жумладан японларга Ками ҳам!

Дарвоқе, Ками таърифи ва талқинининг мураккаблиигига ёркин мисол сифатида яна шуни кўрсатиш мумкинки, ҳатто дунё динларининг баёни соҳасида етарли тажрибага эга инглиз тилида ҳам ҳали-замон япон илоҳиёти бир эмас, бир неча турли сўзларда ифодаланиб келади: “*above, upper, superior, top*” ва ҳоказо (38:70-71 б.).

Қадим замонлардан Япониянинг ўзида ҳам Ками илоҳиёти сон-саногининг “чексизлиги”, охири маҳаллий давлат арбобларини бу муаммо ҳақида ўйлаб кўриш га ва уни тартибга солиш йўлларини излаб топишга маж бур килган. Масалан, “Нихон сёки”да ушбу соҳа бўйича **О:Дзини** ҳукмронлик килган 270-310 йилларга оид тадбирлар ҳақида шундай маълумотлар бор:

“40-йил. Бахор. **О:яма-Мори-но Микота** тоғлар, дарёлар, ўрмонлар ва далалар илоҳиёти бўйича мутасадди этиб тайинланди”.

Иккинчи бир манба “Кодзики”да мазкур мутасаддиллик ўзгача усубда расмийлаштирилган:

“**О:Садзаки-но Микота** тоғлар ва дарёларнинг илоҳиёти этиб тайинлансин”.

Шундан бўлса керак, японлар то ҳозиргача тог илоҳининг баҳорда пастга тушиб дала илоҳига айлани-

ши ва унинг ҳосил ҳимоясини таъминлаб, иш тугагач яна кузда ўз маңзилига кайтишига ишонадилар(38:736.).

Нихоят, бундай женг ғамрови Ками илохиёти руҳи, кейинчалик япон ғолими **Ока Масао** классификациясида бешга бўлиниди:

1.**Моно** — одам ва табиат объектлари руҳлари.

2.**Тама** — руҳнинг нафакат одам ва табиат, балки ундан-да кенгрок тушунчаларга таалтуқли тури.

3.**Марэбзито** — узоқлардан келувчи ажоддлар арвости.

4.**Ками илохиёти** вақт инчалик юқоридан пастга тушувчи барча нарса ва воғеалар мажмудида бўлиб, мутлако ибодатхоналарга муҳт ож эмас.

5.**Самовий вужуд ва ходисотлар илохияти** – қуёш, ой, юлдузлар, шамоллар ва момақалди роқлар (15:256.).

Синтоизмning янә икки нчи бир ўзига хос хусусияти, ундаги тубдан шажланган миллийлик руҳияти. Ками ҳақидаги айри м маълумостларда бу илохиёт бошқа динлардаги кабзи умуман инсонларни эмас, Балки факат японларни яратган. Шунинг учун эмишки, ҳар бир япон ўзи хоҳлайдимн, йўқми ёки у ёшлигидан қандай эътиқодда бўлмасин, барабири асли келиб чиқиши синтога хос ибтидодан. Киссадаң хиссаз шуки, ушбу омил асосига кўра, япондаен бўлак ҳеч бир кимса синтоизм илохиётига сигина олмайди!(9:1-36.).

Хитойдаги диний-фалсафий таълимотларнинг оммалашуви ҳақидаги гапирганимизда, мамлакатнинг жуғрофий хусусиятларига ҳам аҳамият берган эдик. Худди шу маънода Японияниң иқлими ва ер тузилишига хос бир-беридан чегаралсанган тоғли ҳудудлар шароитида, маҳаллий жамоалар синтоизмга ўз билган-

лар-ица әвтоном ҳолатда эътиқод қилғанлар. Табиийки, эътиқод ва тақводаги бундай “маҳаллий турфалик”, таълимимот тәдқиқоти учун доим мураккабликларни вужуд-ған келтирған. Зоро, “Синтоизм ўзгарувчан ва турли компонентлардан ташкил топган таълимот сифатида, жече қачон мұайян бир хос тизимга мансуб бўлмаган” (15 :86.). Шу жиҳатдан синтоизм илоҳиётини имкон қадар яхлитлаб таърифлаганда, бир мамлакат сарҳадининг ўзида Камининг икки турига сифинилган: **Удзигами ва Хитозами**.

Японларда кундалик турмушдаги юмуш ва вазифаларнинг бажарилиши ҳам бевосита ё билвосита илоҳиёт ихтиёри билан боғлик. Буни синто эътиқодидаги “**ёсасу**”, яъни “илоҳий ваколат”нинг тақсимотида кўриш мүмкин. Японлар қадимдан Ками одамларга ҳар қандай ишни бажариш лаёқатини берган ва у ўзи истаган изшини ҳоҳлаган кишиси орқали бажартиради, деб ўйлаганлар. Бу соҳада ер юзида “тирик худо” хисобланған император ваколати ҳам истисно эмасди, бино-барғин, тилоҳларни шарафлөбек “**мацуру**” сўзи ҳам “салтанинг башқариш” маънозида тушунилган ва истифода этилган (29:22-256.).

Мелоднинг IV-V жерларидан бошланган илк япон давлатчилиги тарихида биринчи расмий конункозидалар мажмую «**Тайхо:Рицури** - Башқарув шиори ва жиҳоний ҳамда фуқаролик кодекси» 701-702 йиллари эълон қилинганды. Биз учун бу воқеанинг аҳамиятли томони, синтоизмнинг давлат тузилиши ва фаолиятидаги ролининг қай даражада эканлигини аниқлашга ва уни тасаввур қилишга ёрдам беради. Конунчиликдаги диний эътиқоднинг мавқеи Япония тажрибасида узоқ ўтмишдан бошланыб, бундай “кўлланма” ўз даврида давлат учун жуда қўл келган. Чунончи, дин воситасида “ўтмишни назоратга олиниши” мавжуд шароитда ижтимо-

ий мухитни назорат кишиш деган гап эди. Шунинг учун япон тупроғида “тарихий иєтизом” тушунчаси ҳамиша аждодлар культи орқали син тоизм билан чамбарчас бор-лик бўлган(28:90б.).

Демак, давлатнинг сеёсий-ижтимоий стратегиясини дин билан муштарак равишда белгиланиши – бу синтоизм маросими ёарининг расмийлаштиришни талаб этувчи шарт эканлиги ўз-ўзидан маълум ҳақиқат эди. Шу маънода илоҳиёт ташрифи учун ибодат масканларининг қурилиши ҳам давлат тасарруфидаги тадбирлар сирасига киргэн. Бунинг тимсоли бўлган “Исэдайдзингу” ва “Иконокагми-дзингу” ибодатхоналарининг қурилиши, маъбаларда VI асрнинг иккичи ярмидан бошланганлиги хабар килгинади. Қолаверса, бу тадбирларга тегишли ишларнинг кейин ҳам давом этганлиги, “Нихон сёке”даги “Остон илоҳиёти” ва “Ер илоҳиёти” масканларини барпо эти ш ҳақида Тэммуни нг 681 йилга оид фармонидан м аълум’ (15:396.).

Японияда синто ибодатхоналарининг меъморий тузилиши икки қисмига Бўлинган: ички ва ташқи. Унинг ички берк қисмида Қамиёнинг тимсоли бўлган “Синтай” жасади сақланган, таш қи “хайден” қисми эса тақво аҳлининг ибодат қи лиши учун мўл жалланган. Анъана га кўра, синтопарастла р ибодатта келганда меҳроб қарғисида тўхтаб, садақа таңгаси ни таъзлагач таъзим билан дуо ўқиганлар ёки ғафтлари билан чапак чалиб топи нганлар. Бундан ташкири, яна улар ибодат масканлари да йилига бир-икки ма ротаба оиласиб ёки диний байрамларни ҳам нишонлаганлар(10:3576.).

Японларда тоат-ибодатнинг ажралмас қисми бўлган кўмиш маросими маҳсус тартиб ва бир неча бўлимларга бўлинга н қонун-коидалар асосида ўtkазилган. Бу анъаналарнинг меъроjий амалиёти факат императорларнинг дағъ эт илишида батафсил бажарилган.

Хусусан, император вафотидан сўнг майитни маълум муддаттагача саклаш мақсадида вақтингчалик мўъжаз қаср курилган. У ерда мурдани шароитга караб қисқа ёки узоқ муддаттагача ушлаб туриш мумкин бўлган. Худди шу пайдада марҳум жасади учун алоқида абадий мозор – кўргон қурилиши бошланиб, то бу иморат битгунича императорни боқий дунёга жўнатишга тайёрлаш олдидан турли маросимлар ўтказиб турилган. Японлар Осмонни думалоқ, Ерни эса тўрт бурчак тасаввур килгандаридан учун, мурдани кўргоннинг думалоқ шаклдаги қисмига кўмганлар, яъни рамзий маънода гўё уни Осмонга жўнатгандек(28:100-101б.).

Синто эътиқоди амалиёти, башка динларнинг ухровий тасаввурларидан, демак, шу асосдаги уларнинг маросим ва аньналаридан анча фарқ килган. Балки айнан шу хусус, эҳтимол, буддизмнинг японлар диний қадриятида етакчи ўрин эгаллашига имкон туғдирганди? Зотан, кунчиқар орол халқлари қалбидан жой олған буддизм, япон маънавиятининг юксалиши ва маданиятгининг келгуси тараққиётига кўшган улкан ҳиссаси билан ўз миссиясини тўла-тўқис оқлади десак, муబорага бўлмас.

“Япон буддизми”

Агар ибтидода “синто” сўзининг ўзи хитойлардан ўтганлигини инобатга олингудек бўлса, у ҳолда хитой ва корейс миграцияси билан бирга Японияга кириб келган конфуцийлик матнлари, маънавияти, этикаси ёки Дао таълимоти унсурларининг асрлар оша сиёҳизмда ўз аксинин топиб улгурганлигига ҳеч шубҳа қоғимайди. Аммо бу омил ҳали кунчиқар оролда буддизмни ёйлиши ва унинг тақдирини фақатгина миграция ҳал қилганлигига асос бўлолмайди. Щунинг учун

қатор тадқиқотлағуда япон ҳалқи тарихидаги бу мухим воқеанинг содир бўлишини наинки фақат хитойлик ҳа куриялик мансабдор ё хизматчи муҳожирлардан, балки уни биринчи навб атда, ўша даврда ўз насли илоҳийлиги моҳиятини йўқотган хўкмро и Аматорасу авлодларининг манфаатдорлигидан кўрилади. Мазкур мушоҳаданинг муайян тарихий сабаблари “Нихон сёки” саҳифаларида ёритилган бўлиб, улар хукумат аъзоларининг буддизм та бўлган турлича муносабати ҳамда унинг келгусидаги оқибатлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари билан ниҳоятда мухим хужжатдир. Жумладан, солномадаги 552 йилга оид бир хабарда, Пэкче хукмдори Соммённинг подшо Ямато Киммэйга тилла суви югуртирилган Будда ҳайкалчаси ва бошқа диний ашёларни совфа қилганлиги ҳамда маъбудга с иғинеялса, албатта мурод ҳосил бўлгининг айтганлиги ёзилган. Яъни, меҳмоннинг сўзларига караганда, гўёеки “Буддада и нимаки сўралса, муҳайё бўлиши муқаррар!”.

Шундан кейин “Нихо и сёки”да императорнинг меҳмон сўзларини охиригача тинглаб, юраги тўлиб йиғлаб юборганлиги ва бу хусусда ўз фикрини изҳор этганлиги баён қилингани:

“Биз ҳозиргача Будда ва унинг ажойиб қонуни ҳақида ҳеч эшиитмаган эди.. Лекин эътиқодга оид бу масалани якка ўзимиз ҳал қилолмаймиз. Колаверса, гарбдаги қўшинил аримиз томон идан тортиқ қилинганди Будданинг бундай кипши қўзине қамашгриувчи рўйи руҳсорини илгари мутлақо кўрмаган эди.”

Бу сўзлардан сўнг, подшо “Уни (Буддани) эъзозлаш маъқулми ёки йўқми?”, деган саволни ўртага ташлаб, атрофидаги вазирларига фикр билдиришларини Буюрди. Шунда Сог о-но Фоми Инамэ-но деди:

- Ғарбдаги барча қўшни давлатлар Уни эъзозлайдилар. Нима, Уни фақат биргина Яматодек “Ҳосилдор куз мамлакати” рад этардими?

Иккинчи вазир деди:

- Агар яна қайтадан қўшни давлатларнинг илоҳларини эъзозлай бошласак, бизнинг ўз илоҳларимизнинг қаҳри келиши мумкин!

Подишо деди:

- Унда Будда ҳайкалчаси исталган кишига берилсин ва у эъзозлаб кўрсинг!

Озгина вақт ўтгач, ҳукмдор Сого ўзига ибодатхона қурдириб Буддага оигина бошлади. Мамлакатда эса қасалик тарқалди. **Накатоми** ва **Мононобэ** бу баҳтсизликни ғайр илоҳни Яматога келишидан кўриб, Будда ҳайкалчасини **Нанива** каналига ташлаб юбордилар” (27:1386).

Ёки “756 йили “**Нара**” ва **Хэйан**” бўсағасида қиёличчанинг тахтга чиқиш маросими олдидан килган маъруғаси матни:

“ Хитоб қиласман! Бугун шундай кунки, ҳамма қирмези ёноклар билан биринчи ҳосилнинг тантанавор зиёфатидан хузурланмоқда. Аммо, бу сафарги тантананинг аввалги ўтганларидан фарқи шуки, биз Буддага бўйсуниб, бўддҳисатва васиятини қабул қилдик. Шу бўйсдан аввало Биз “Уч жавоҳир”га хизмат қилишини истиэмиз, яъни Буддага, “дҳарма”га(Ў) ва буддапарастлар жамоаси “сангҳ”га,(Қ) ундан сўнг самовий илоҳият ва ердаги илоҳиёт масканларига, кейин эса Бизда фаулмият жўрсатувчи қиролларга, олиймақом зотларга, юз нафарлик мутасадди мансабдорлар ва бутун “Осмон ости” халқларига! Зоро, Биз “Осмон ости”ни шу тарика бошқаришни ўйлаймиз. Ваҳлонки, баъзи одамлар фақат маана шу “Уч жавоҳир”ни четлаб ўтилсагина Камига ё ндашмоқ мумкин, деб тушунадилар. Аммо, агар сутра-

ларга қаралса, барға илоҳлар Будданинг муқаддас қонунларини авайлаганликлари ва ўқиганликлари аёз бўлади. Демак, Буддага қасам иҷиб уйини ташлаб чиқи беттганлар ва “оқ шойилар” ҳам ҳаралаш тарзда тантанага хизмат қилиши мумкин!”

Иктибосдан кўриниб турибдики, Осмон ва Ер илоҳларига топининг Буддага ибодат қилишдан алоҳида бажарилган. Ва хизмат учун “алоҳидалик”ни жуда бўлгаса вақтинча ман этилиши, маҳсус кўрсатма орқали амалга оширилган(15:166.).

Будда таълимотининг Японияга ташрифи тарихида яна аллақанча ижобий ва салбий характердаги воқеалар силсиласи тав сиф этилгаёт. Шунингдек, аксарият тадқиқотлар хулоса сида эса, бу вақтларда синтоизм буддизмга тобе ҳолатда бўлғанилиги таъкидланган. Нега деганда, ҳали “син тоизм дин сифатида тегишли босқичларни босиб ўтиб етуқлик ҳаражасига кўтарилимаган бир пайтда, буддизм Хитой ва Курящадаги ўз фаолиятида ҳатто давлатлараро муносабатларга мослашиб улгурган” эди. Шу жиҳатдан олганда, буддизмнинг Япониядаги оммалашувининг VІ асрдан бошланганлиги мамлакатда амалга оширилган диний тадбирларда ҳам кўринади: аср охирида расмий давлат мәхкамаларида Будда тасвирлари кўйилиб, юзлаб ибодатхоналар куриб биттирилди; муқаддам ракобатдаги диний тасаввурлар ўрнини синтоизм ва буддизмнинг тубдан “бири-иккизчисига бегона эмас”лиги ва “Рёбу синто” – синтоизм илоҳларининг қайт а туғилшидда Будда сиймосида дунё га келганлиги гояси бўлан тўлдирилди.

Давлат диний сиёсатининг бу жиҳатини, яъни унинг ҳар икки эътиқоднинг ибтидоий муштараклигининг тарафдори эканлигини, Тодайдзи ибодатхонаси нинг қурилиши ва Будда — Вайронача маъбудини бунёд

этилишидаги саъй-ҳаракатларида кўриш мумкин эди. Синтоизм ва буддизм роҳибларининг ўзаро муносабатлари ҳамда уларнинг диний байрам ва маросимлардаги иштироки, давлат томонидан иккала диний эътиқодни баробар қўллаб-қувватланаётганлигининг ёрқин намойишига айланди(10:359б). Аммо, бу сиёсий йўналишда давлат миқёсида “соф япон дини” моҳиятини сақлаб қолишга йўналтириган ҳаракатлар ҳам йўқ эмасди. Шунга қарамай, давлат томонидан “хорижий эътиқод”га нисбатан синтоизм “софлиги” учун яратилган имкониятлар, хар икки дин ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик рухиятининг устуворлигига “бас келолмади”. Ва ушбу диний тизимларнинг ўзаро жипслашуви қуйидаги асосларда намоён бўлди:

1. Синто ва буддизм ибодатхоналарини бирбирига яқин масофада қурилиши, уларнинг ички қисмида муқаддас санамларга сақланиши ва ибодатни асосан очиқ ҳавода ўтказилиши тенденцияларининг муштараклиги.

2. Будда ибодатхоналари ҳудудида синтоизм мөхрబларининг қурилиши ва буддизм таъсири остида синтоизм ибодат масканларида илоҳларнинг зентропоморф(F) шаклларда пайдо бўлиши.

3. Динларнинг давлат фаолиятида тутган мавқеининг тасдиги сифатида илоҳларнинг роҳиб ёки мансабдор кийимида тасвирланиши(27:145б.).

Лекин XI асрдан Япониядаги муқаддас императорлар илоҳийлиги ўтмишда қолиб ҳокимят “регент” – мувакқат ҳукумат қўлига ўтиши билан мамлакатда бошланган ички сиёsatдаги ўзгаришлар, буддизм моҳиятини синтоизмдан янада юқори поғонага кўтарди. **Фудзирава** хонадони регентлари даврида буддизм

давлат дини мақоми ни эгаллади. Дин ва давлат манфаатлари ўртасидаги ўзаро яқинли к шу даражага бориб етдики, “аввал императорниңг бевосита дин арбоби бўлиши вожиб бўлса, энди ҳукуматнинг барча нуфузли раҳбарлари, картайга нда ҳокимиятни кўлдан бермаган ҳолда роҳибликка ўта бошладилар”. Маъмурий раҳбарият маркази Будда ибодатхоналарига ўтказилганидан кейин, буддизмнинг руҳоний арбоблари ўз қўлларизда жуда катта кучни жамлашга муваффақ бўлдилар. Ибодатхоналар ўргасида ёқори лавозимларни эгаллаш учун қаттиқ кураш бошланғиб кетди. Оқибатда Будда ибо дат масканларининг сиёсий ва иқтисодий имкониятлари унинг таъсир доирасини жуда кенгайтириб юборди. Баъзан, ҳатто “хукумат буйруқларига бўйсунмай қўйган марказий ибодатхоналар ўзларига янги имтиёзлар берилишини талаб қиласидилар”(10:360).

Қарийб бир аср мобайнида буддизмнинг сиёсий-иктисодий соҳалардаги устуворлиги, X асрдан бошланган “сёгун - харбий йўлбошчи”лар ва уларга тоабад ва - фодор “самурай”лар табакаси давр ида ҳам давом этди. Ундан кейинги асрларда буддизмнинг ибтидоий табиба - тига хос байналмилаллиги – ибодат даргоҳи эшиклар и - нинг доимо ҳамма учун очиқлиги ҳамда ун инг ўзи маъ - жуд муҳит ва вазиятга мослашиб ғаш тутиш анъанаси, сёгунларнинг узоқ давом этган ҳукмронлигига ҳам яна аскотди – Будда эътижоди уларга илохий таняч бўлиб қолаверди. Таълимотдаги собиқ сеъталар ўрнига “Дзё - до” ёки “Нитирэн” си нгари янгиларининг пайдо бўли - ши, буддизмнинг ўрга асрларда ҳамон Японияда ўз мавқеи ва моҳиятига эгалигининг белгилари эди. Яна, буддизмнинг ўрта асрлардан ўзиниңг бу диёрдаги узоқ келажагига қўйган қуттуғ қадами, Хитойдаги “чан буддизми”га ўхшаш “дзен буддизми”ми мақомида япон маданияти ҳамда санъатиниңг бета крор услуби ва на-

муналарини қашф этди. Дзен буддизми ҳақида гапирганда, унинг беихтиёр кишини ҳайратга солувчи, японлар қалбини эса ғуур ва сурурга тўлдирувчи магнитизми – оҳанраболари хаёлини чулғайди. Бу – кунчикар мағмлакатда қадим ўтмиш аждодларни келажак авлодлар билан узвий боғлаб турувчи абадий маънавият риштаси бўғиб қолишга ҳақдор дзен эстетикаси эди! Бу – самурай мусобақаларига хос марду майдонлик тамойили, но зик дид соҳибининг таълим-тарбияси ёки япон табииати сафоси, унинг гўзаллика ошно диди инъикоси бўлмиш дзен сайилгоҳларию, дзен гулбоғлари...

Хуллас, Будда ўз гоя ва таълимотида тараннум этган маънавий юксакликнинг анъаналари, ундан кейин ҳам ўқувчилари ва муҳлислари томонидан давом эттири лди, уларнинг асарлари ҳам давр синовидан ўтиб “Типитака” - “Уч сават” манбаининг мантиқий қисми си фатида тарихда қолди. Будданинг энг яқин шогирди Аңанданинг қаламига мансуб “Сутта-нипата”, эътико-дда пайдо бўлиши мумкин булган ихтилофларни олдини олиш борасида Шарқий Осиё ҳалқлари буддапараствлари учун дурдона диний манбаи вазифасини ўтади. Шуни инобаттга олиб, қуйида унинг кириш қисмидан баъзи сутраларнинг тафсирий таржимасини илова қилдик:

1.Кимки ўзида пайдо бўлаётган ғазаб ўтини гўё ташнага кириб келаётган заҳарни тўхтатиб қолувчи шифокор сингари сўндиrolса, бу – роҳиб учун худди илон ўз қераксиз терисидан воз кечганидек гап.

2.Кимки ўзидағи эҳтирос туйғусини гўё сувга шунгигиб нилуфар гулини сугуриб олгандек қалбидан ю либ ташласа, бу – роҳиб учун худди илон ўзи танасидаги эскирган терисини ташлаганидек гап.

3.Кимки ўзиниң муттасил тазийки билан киши ни мутеъ құлувчи истак-хоҳишлиардан фориг қила олса, бу – роҳиб учун худди илон энді ишга ярамай қолған терисидан күтулганидек гап.

4.Кимки манманлиқи, гүё шиддат билан келаеттган сув тошқини қамиш құйприқни оқызыб кетгандек ўзидан улоқтириб таштай олса, бу – роҳиб учун худди илон ўз увадаси чиққан терисидан воз кечтанидек гап.

5.Кимки ўзидағи доғын хуруж қили б турувчи құрқув түйғуси устидан ғолиб чиқса, бу – роҳиб учун худди илоннинг химояга ярамас терисидан чиқсиб кетганидек гап..

6.Кимки гумоңлариниң, гүё көраксиз дарахтни тағтуғи билан қирқиб ташлагандаңек күнглидан сиғиб чиқарып ташласа, бу – роҳиб учун худди ило нининг устидан шилиниб тушған терисидек гап.

7.Кимки на олдинга отилмай ва на орқада қолиб кетмай ховриқиши ҳағыда белгисандык каби гумрохляйдан ғолиб чиқса, бу – ҳар иккى көраксиз қирғокни четлаб ўтган роҳиб учун худди илоннисиг беғойда териси ни ортида қолдириб кеттанидек гап(40 :56.).

Хулоса

Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ҳозирча фанда илмий нуктаи назардан тўла-тўкис диний эътиқод сифатида яқдил эътироф этилмаган. Агар конфуцийлик, даосизм, синтоизм ва буддизмни баъзи тадқиқотларда этик, сиёсий, ижтимоий жиҳатдан ўрганилган бўйсса, яна бошқа бир изланишларда улар фалсафей таълимот ва қисман халқ дини сифатида таҳлил қилинган. Лекин мавзуга ёндашишнинг ҳар икки услубиёнга хос деярли шундай айрим умумий жиҳатлари борки, уларга аҳамият бермаслик, келгусида диний эътиқодларни ўрганишда англашилмовчиликларга олиб келинши мумкин. Масалан, Кеоун Дамъеннинг “Будизм” номли рисоласидаги таълимотга тегишли баъзи аньянавий тус олаётган “хуласалар” тўғрисида билдирилган эътиrozларни олайлик.

Муаллиф ўз асарида, Будда таълимотининг илк тадқиқотчилари Б.Г.Ходжсоном, Т.У.Рис Дэвидс (1843-1922), Эжен Бюрунф(1845), Герман Ольденбург, Генри Кларк Уоррен(1896) каби олимларнинг илмий фаолияти ва шунингдек, кейинги даврдаги тадқиқотлар нашри натижасига тўхталиб, “кўрларнинг филни пайпаслаб кўргач, унинг боши, хартуми, думи ва оёги тўғрисида бир-бирига ўхшамас ўз тасаввурларини айтиб берганлиги” мисолига қиёсан шундай фикрни ўртага ташлайди:

“Биз “кўрлар ривояти”дан олишимиз мумкин бўлган биринчи сабок шундан иборатки, буддизм жуда кенг қамровли ва ўта мураккаб мавзу, шунинг учун бундан буён илмий ишларда таълимотнинг қандайдир факат бирор йўналиши ҳақидаги “Буддизмнинг таълим беришича,...”, “Буддапарастларнинг фикрича,...” сингарои сўзлар билан бошланувчи умумлаштирилган “якуний

хулосалар”дан ти~~й~~илмок кераж, йүкса, “бұнда қандай буддизм ва буддапарастлар нәзарда тутилаяпты, улар таълимотнинг қайси йўналишига таалуқли ёки қайси мактабига тегишли?” деган саволлар эртами-кечми аниқлик киритил ишини тала~~б~~ қилади. Башарти бу саволларга тўғри жавоб то~~п~~илмас экан, айтилган фикрларнинг сарик чақатик қиймати йўқ. Ёки айрим буддашунослар ўзби-лармонли к қилиб, - дея фикренни давом эттирган оғим, - гарбда “буддизм” номи билан маълум “трансмадданий во қелинни ягона ва яхлит эмас, балки йўнал ишлар мажмуи маъносида тушунадилар.. У ҳолда балки “буддизм” эмас, “буддизмлар” тўғрисида гаприлгани маъкулдур?!” (13:126.).

Дарҳакиқат, бундай эътиrozда жон борлиги шубҳасиз. Бинобарин, қадимдан биринча “Корейс буддизми”нинг ўзида мустақил оқим «кашф этиш”га даъвогарлик қилган сектантлар етарлари бўлган, масалан:

“Тез орада Курияда ортодоксал буддизмдан айри ҳолда турли секталар пайдо бўлди. Мелоднинг VII асррига оид шундай секталарнинг асосчиларидан бири Вон Хё (617-683) сарҳуш этувчи иҷтималиклар истеъмолидан эътиқодга зарар йўқ, деган. Унинг учун маҳаянанинг маъноси ва ҳақиқати, роҳибнинг бундай нарсалардан сақланишида эмас, балки қалбининг поклигига. Агар қалб тоза бўлмаса роҳиблар тажрибасидаги бундай парҳез ва аҳдлар бефойда. Чунки ташлаб юборилган таги тешик идишининг ёмғир остида хам ичидаги сув турмайди» ва ҳоказо.

Бизниң на зарими~~зда~~ тадқиқ отчи буддизмнинг турли йўналиш ва мактаблари маъжудлигини инкор этаётгани йўқ, балки таълимотнинг асосига бўлган муносабатнинг турли тус олганлигига ишора қилаётган кўринади. Афсускі, юкори~~яд~~аги тарижий “кашфиётлар”ни қайсиdir маъносда ҳозир хам кузатиш мумкин.

Масалан, “Сунгги йилларда синтоизм тушунчаси шунчалик турли-туман ҳамда бир-бирига қарама-карши талқеңнларга дучор бўлаяптики, Япониянинг ўзидаги ёки Farb мутахассислари ҳам мазкур эътиод номини истифода қилмасликка ва бунинг ўрнига синтоизнинг конкрет турлари - “Ибодатхона синтоизми” ёки “Ёсида мактаби синтоизми” деб аташга ҳаракат қилмоқдалар” (15:136.). Ҳолбуки, бундай -- дунёнинг энг қадимги эъти қод шаклларидан то исломгача бўлган фирмаланиш ҳеч бир замон ва жамиятда аксарият томонидан ижобий қабул қилинмаган. Бордию, динтар ичидағи мазкур жарәённинг кўнгилсиз оқибатлари илдизини қадим тарихдан изласак, бу “анъана”нинг ибтидосини наинки бирор дин, балки энг кенг маънода ибтидодан “Одамларнинг динларини парчалаб бўлиб олганлиги” ёки “динларини турларга бўлиб юборганлиги” билан тугалланганигини кўрамиз:

وَتَقْطَعُوا أَمْرَهُمْ بِيَنْهُمْ كُلُّ إِلَيْنَا رَاجِحُونَ

“(Одамлар) эса ишларини (динларини) ўзаро парчалаб бўлиб олдилар. Барчалари Бизга қайтгувчидилар’’ (1.Анбие сурасининг 93-ояти) Ёки:

وَتَقْطَعُوا أَمْرَهُمْ بِيَنْهُمْ زُبْرًا كُلُّ حِزْبٍ بِمَا لَدِيهِمْ فَرَحُونَ

“Сўнг (одамлар) ишларини(динларини) турларга бўллиб юбордилар. Ҳар бир гурух ўз олдиларидағи нарса (дие) билан мамундирлар”.(2. Мўминун сурасининг 53 ояти).

Мазкурда мисол тариқасида келтирилган буддизм ва қисман синтоизмга тааллукли ва ҳали ҳам мујсим ечимга эга бўлмаган муаммолар бошқа диний-

фалсафий таълимотларда ҳам кам эмас. Лекин биз конфуцийлик, даосизм, синтоизм ва буддизм тадқиқоти атрофидаги муҳим ва долзағб мағалаларни инобатта олган ҳолда, риасола мавзуига яна ўша синашта динларни қиёсий ўрганиш ва таҳлил қилишдаги буюк Берунийнинг “хар бир диний эътиқоднинг ўз тақво ахлигагина маълум томо нлари бор”лиги тамойили асосида ёндашдик. Яъни, ўз баён ва таҳлилимизда асосий эътиборни мазкур диний-фалсафий таълимотлар юзасидан диншуносликда чиқарилган ижобий ёки айтайлик, салбий хулосаларнинг тўғри ёки хатолигига эмас, балки биргламчи эътиборни үларнинг рационал мағзи моҳиятига -- Хиной, Куря, Япония халклари диний қадриятларининг маъна вий, ижтимоий ва маданий ҳаётдаги ҳамон барқарор ижонпазвар ҳуҳиятига каратдик. Чунки ушбу мамлакатлар билан бўлгуси барча сиёсий, ижтимоий, иктисадий ва маданий муносабатларимизнинг диний фанатизм ва очик терроризм авж олган бир шароитда инсонларнинг ибтиододан ўзаро бир-бирига бегона эмаслиги асосида ўратилиши, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорликнинг энг ишончли кафолатидир.

Маълумки, ҳар қандай ишдаги каби илмда ҳам дастлабки қадам доим үрушкул ва шунинг қаторида хато ва камчиликлардан ҳоли бўлмайди. Лекин имонимиз комилки, биз истиклол шароғати Билан баҳоли қудрат илмий муоммалага кирит ишга иштилған Жануби-Шарқий ва Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотларининг ҳар бири бўйича яқин көлажақда малакали диншунослар етишиб чиқиб, үларнинг бу соҳада юрти-мизда амалга оширилган ишларни янада юнори савияга кўтаришлари шубҳасиз.

**The short thesis of the book on subject
"The East Asian religious-philosophic teachings and
Islam"**

Owing to the Independence nowadays the Republic of Uzbekistan has fruitful relations with China, Korea and Japan in the field of social-economy and culture. No doubt, that for the further strengthening of such a relationship together with peoples of above mentioned countries it is necessary to have a good knowledge of history, religious and national traditions as philosophic foundation of their outlook. To our mind, only in this case we will be able to have mutual understanding and successful cooperation in the future. Having taken into consideration the need of time we completed the second book as logic continuation of the first one devoted to "The South-East Asian religious-philosophic teachings and Islam", as a result of following studies:

1. The study and research of geography, history and culture of ancient China, Korea and Japan.
2. The study of Confucianism, Taoism, Sintoism and Buddhism as religious, ethic, moral and cultural sources of East Asian peoples.
3. The study of certain similar points of East Asian religious doctrines with Islam in the context of spiritual values of the mankind.

Moreover, during the study of so called "Chinese Buddhism", "Korean Buddhism" and "Japanese Buddhism" we tried to pay attention to the initial history of Buddhism and other religious-philosophic teachings of India like Vedic religion, Brahmanism, Jainism, Buddhism and Hinduism.

The main methodology of our comparative study of presented religious has been based on toleration which ones again emphasizes the variety of races, nations and religions is a bright reflection of the beauty of God's will and might.

Шарқий Осиё мамлакатлари ҳақида мухтасар маълумот

1. Ҳитой халқ Республикаси

Ҳитой Халқ Республикаси Марказий ва Шарқий Осиёда жойлашган бўлиб, аҳоли сони ва майдони жиҳатидан дунёнинг энг йирик давлатларидан бири. Шарқда Ҳитой Тинч океанининг Сарик, Шарқий Ҳитой ва Жанубий Ҳитой дengizlari билан ӯралган. Майдони 9,6 млн. квадрат км. Қирғоқ бўйлаб жойлашган оролларнинг энг каттаси Тайван ва Хайнандир.

Аҳолиси 2003 йил маълумоти бўйича 1 миллиард 292 миллион 750 минг киши. Пайтакти Пекин шахри. Маъмурий жиҳатдан 23 прови ния, 5та миллий автоном район ва 4та марказга бўйсунувчи шахарларга бўлинган: Пекин, Шанхай, Тянцзин, Чунцзин.

Давлат тузуми – Ҳитой халқ республикаси. Амалдаги конституция 1988 йилда қабул қилинган ва кейинги йилларда айрим тузатишлар киритилган. Конституцияга кўра Ҳалқ ҳакимлари Умумхитой Мажлиси давлат ҳокимиятининг олий органи.

Ҳитой кўғимиллатли давлат. Жами аҳолининг 95 фоизи ҳитойлар, қолганини эса турли тиллар гурухи ва оиласларига мансуб бўлган 56 халқ ва элатлар ташкил қилади. Ҳитойларнинг аксарияти мамлакатнинг шарқий кисмида яшайди. Ҳитойнинг шимо ли-ғарбидаги аҳолиси эса, туркӣ тиллар гурухидаги халқлар – уйғурлар, қозоқлар, қирғизлар, саларлар, шимолий ва шимоли-шарқидаги дашт ва чалға чўлларда мўғуллар, дунсянлар, тулар, шимоли-шарқидаги тунгуслар, манжурлар, ғарб ва жануби-ғарбда Тибет-Бирма халқларидан иборат.

Ҳитойдаги диндорлар буддизм, даосизм ва конфуцийликка эътиқод қиласидилар. Улардан тибетлик ва

мүғулларни нг диний эътиқоди буддизм-ламаизм. Хуэйлар ва туркий гурухга кирувчи халқларнинг кўпчилиги исломнинг сунна мазҳабидаги мусулмонлар(48:427-428б).-

2. Корея давлатлари

Корея – корейсча айтганда Чосон, яъни тонги тароват ўлкаси Шаркий Осиёда жойлашган. Ярим оролни шарқда Япон денгизи, гарбда Сарик денгиз ўраб олган, жанубда Корея бўгози уни Япониядан ажратиб туради. Шимолда Хитой ва Россия Федерацияси билан чегара дош. Майдони 291 минг квадрат км. Аҳолиси 2001 йилдаги маълумот бўйича 69,87 миллион .

Ярим оролининг шимолий кисмида Корея Халқ Демократик Республикаси ва унинг жанубий кисмида Корея Республикаси жойлашган. Умумий аҳолининг 99 фоизиган ортиги корейслар. Дини: буддизм, конфуцийлик ва қисман христианлик(48:33б.).

Корея Республикаси

Корея Республикасининг майдони бутун ярим оролининг 45 фоизини ташкил қилади. Маъмурий нуктаи назардан Корея Республикаси алоҳида статусга эга бўлган бир шаҳар, беш шаҳар-метрополия ва тўқиз провинцияга бўлинган. 1992 йилги маълумотга кўра. Жанубий Корея аҳолисининг сони 43663000 киши етган. Аҳолининг зичлиги – 1 квадрат метрга 440 киши тўғри келади.

Антрапологик ва лингвистик тадқиқотлар хамда оғзаки халқ ижодиёти гувоҳлик беришича, корейсларнинг этник илдизлари Олтой тоглари ва Ўрта Осиё халқлари билан тугашган.

3. Япония

Япония Шарқий Оссиёда Тинч океанидаги оролларда жойлашған мемлекет. Уни нг худудида минглаб ороллар бўлиб, улар шигмоли-шарқдан жануби-гарбга қараб 3,5 минг километрга чўзилган. Уларнинг ичида энг йириклари: Хоккайдо, Хонсю, Секоку ва Кюсю. Япония шимолда Охота денгизи, шарқ ва жануби-шарқдан Тинч океани, гарбдан Япон ва Шарқий Хитой денгизлари билган ўралган. Майдони 377,8 минг квадрат км. Аҳолиси 2004 йил маълумоти бўйича 127,8 миллион киши. Мамлакат маъмуриси жиҳатдан 47 префектурага бўлинган. Энг жатта шаҳарлар: Токио, Йокажама, Осака, Нагая, Саппора ва Кобе.

Японияда давлат тузуми – конституциявий монархия. Амалдаги конституция 1947 йил 3 майда кучга кирган. Конституцияга мувофиқ император мустақил ҳокимиятга эга эмас. Императорнинг давлат ишларига алоқадор бўлган ҳар кандай фаолияти Вазирлар маҳкамаси маслаҳати ва маъқул лаши билан амалга оширилади. Қонун чиқарувчи олий ҳокимият 2 палатали парламент. Мамлакат аҳолисининг 99 фоиздан қўпроги японлар. Хоккайдо оролида Япониянинг энг қадимги аҳолиси “айн”лар 50 минг киши атрофида сақланиб қолган. У ерда шунингдек, корейслар, хитойлар ва бошқа миллат вакилларида яшайди. Асосий динлар: синтоизм ва буддизм, лекин шунингдек, Японияда конфуцийлик ва даосизм ақидалари ҳамон кучли таъсирга эга. Бу ерда христиан, ислом ва индуизмга эътиқод қилувчилар ҳам яшайди. Христианлик дини Японияга XVI аср ўрталарида, ислом эса XIX аср охирида кириб келган. Соң жиҳатдан христианлар 1,5 миллионга яқин ва мусулмонлар 100.000 киши атрофида. 1966 йилдан Японияда “Ислом мәрказы” фаолият кўрсатиб келмоқда(48: 396-397б.).

Диний - фалсафий атамалар изоҳи

А.Неолит даври – эрамиздан аввалги саккизинчи ва үчинчалик мингийилликлардаги янги тош асри. Бу даврда тоғиздан ясалган куроллар тарошланган ва төшилган. Қиғман ип йигириш, тўқишишлари қатори сопол идишлар ҳам ясала бошлаган.(41:8786.).

Б.Веда – санскрит тилидаги лугавий маъноси “бъилим” бўлиб, у ҳиндларнинг илк илоҳий қаломи ҳисобла-нади.

В. Ле-го – кўп сонили подшоликлар даври.

Г. Чжан-го – жангари подшоликлар даври.

Д.Шанди – қадимги Хитой мифологиясида энг олий илоҳ, лугавий маънода самовий император.

Е.Брахманлар – таркибан ведалар тафсири билан қадимги ҳинд жамияти ҳаётига доир тарихий воқеалар ва ривоятларнинг насрый матнидан иборат тўплам. Брахманизм таълимоти тугал шаклланганидан кейин унинг таркиби шунингдек, тақводор учун бажарилиши возжидиб ёурсатмалар, расм-русумлар ҳамда табиат ходисалтари тафсири билан бойитилган.

Ё.Пуран – ведаларнинг таҳлилига бағишлиланган ўн саккиз қисмдан иборат асар.

Ж.Брахма – ўз фаолияти бўйича коинотдаги ҳаётини нг барча шаклларини барпо этиши билан бирга шунингдек, ҳис-туйгулар мажмуини ҳам бошқаради.

З.Притхвий – қадимги ҳинд мифологиясида ерни нг ти мсолидаги илоҳ.

И.Сансара – индуизмда туғилиш ва ўлиш, яралиш ва йўқ бўлиш жараёнининг даврий равишда муттасил би р ҳолатдан иккинчисига ўтиб, ўзгариб туришининг фалсафий инъикоси.

Й.Шудра – ослий нақабли зотларга хизмат қилувчи энг күйи табақа вакили.

К.Чамара – иңдилизміда табақа тизигіміга киритилмаган кишилар.

Л.Хинаяна – лугавий жиҳатдан “кичик ғилдирак” маъносини англатыб, буддизмнинг ибтидоий шаклига амал қилувчи тақвадорларнинг мазҳаби.

М.Маҳаяна – лугавий жиҳатдан “кәтта ғилдирак” маъносини англатыб, буддизмнинг роҳиablардан озод ҳолда барчани баробар эътиқодга жалб этишга мүлжалланган мазҳаби.

Н.Тантризм – таълимит сифатид а индуизм ва буддизмнинг турлар йўналашлари га тегишли бўлиб, унинг келиб чиқиши қадимги хиндуларнинг “дравид дини”дан деб тахмин қилинади. Таълимитнинг характерли жиҳатлари сирастага аёллик ва қисман эрлик ибтидои ҳақидаги билим ҳам киради.

О.Дигамбарлар – жайнизмнинг талқинига муовфика осмонни ўзлағига ёгинич Билиб, она қорнидан қандай туғилган бўлсалар шундай яшаганлар.

П.Шветамбарлар – жайнизмнинг талқинига муовфика баданларини мусаффо осмон рамзиидаги оқ матоёпингич билан ўраб юрган лар.

Р.Сатиог, тре та, двала, калиюг – индуизмда фалак гардишининг тўрт босқичли ҳаёт жараёни. Бу даврлар шунингдек, юнонлардаги каби ўз моҳияти билан олтин, кумуш, жез ва темирга ҳам қиёсланди.

С.”Ўлмас сақкизли“:

І.Чжунли Цеоань – харбий саркarda сифатида урушда мағлуб бўлгач, дарвешлик даврида темирни олтинга айлантириш сирини ўрганиб, камбағалларга олтин улашиб мангу яшашга муяссар бўлган.

II.Чжан Го-лао – ўз сехрли жачири билан машхур бўлиб, жуда кўп маротаба ўлган бўлсалада, аммо ҳар

сағар яна тирилавергач, у охири мангуликка мұяссар бўлган.

III. Люй-Дун-бинь – ёшлигидан ақли бўлиб, сўнг у Дао таълимотини эгаллаб мангуликка мұяссар бўлган .

IV. Ли Те-гуай – бир куни Лао-цзи билан учрашувга равона бўлаётib, у ўз баданидан ташқари чиқиб, униза ўқувчисига қолдириб кетади. Учрашувдан сўнг уйинга жайтиб келиб қараса, ўз бемор онасини кўргани шоши лган ўқувчиси устоз баданини куйдириб жўнаб кетибди. У шунда бир ўлган чўлок камбагалнинг танасига кириб бир умр шундай – чўлоқлигича қолган экан.

V. Хан Сянь-ци – машхур конфуцийпараст Хан Юяннинг жияни бўлиб, көзжакчи ниҳоятда аниқ башорат қилиш қобилиятига эга бўлган.

VI. Цао Го-цзю – кироличанинг укаси бўла туриб дарвешликка ўтгач, доасизмнинг сир-асрорларини билдирибони бўлганлиги билан ҳаммани қойил қолдирган.

VII. Лань Цай-хэ – қўшиқ айтиб, садака йиғиб камбагалларга улашгани учун машхур бўлган.

VIII. Хэ Сянь-гу – ёшлигидан ўзининг ажойиб одатлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирган қиз. У турмушга чиқмай, узоқ йиллар рўза тутган ва тоғу тошлардан макон топиб мангуликка мұяссар бўлган(10:324-325б.).

T. Ци – хитой фалсафасининг муҳим тушунчаларидан бири бўлиб, нафас ва қон таркибида мавжуд бўлган куч-кувиат манбай.

У. Браҳман – кишиларнинг хинд жамиятида тутган ўрни ва касб-кори бўйича табақаларга ажратувчи Веда талқинига кўра энг юқори табака вакили.

Ф. Мокша – индуизмда инсоннинг сансара силсиласидан бутқул озод бўлиб, бақога ўтиши ҳақидаги фалсафий тушунчा.

Х.Паньгу – қадимги Хитой мифологиясида биринчи Одам ҳисобланиб, у шунингдек, табиатнинг пайдо бўлишига таалуқдор зот.

Ц.Бўддхисаттва – буддизмнинг маҳаяна йўналишида мұнавварлиқка эришгач ёки баъзи нашрлардаги тафсилга кўра, “н ирванзага ноил бўлиш”дан воз кечиб оддий авомни дин сари Башловчек роҳиб.

Ч.Нирвана — лугавий жиҳатдан “сўниш” ёки “йўқ бўлиб кетиш” мәъносиен билдириб, индуизмда эса транс ҳолатига муяссарлек мақоми.

Ш.Ағитанга йога – йога таълимотидаги саккиз босқичдан иборат машқулар мажмуюи.

Щ.Бронза даври – эрами здан аввалги тўртинчи мингийилликнинг схери – биринчи мингийилликнинг бошида темирчилик, хусусан бронза куйиш ва ундан ҳарбий ҳамда иш қурозиларни ясашига ўтилиши билан характерли. Бу даврда ғуунингдек, чорвачилик ва ерни суғориш ишлари ривожланган.

Э.Эрмон – (*Artemisia absinthium*)аччик шувоқ, мураккаб гулдошлар оиласидан бўлиб, шу туркумга мансуб кўп йиллик ўсимлик тури. Эрмон Кавказ, Сибир ва Ўрта Осиёда таржалган. Ундан тайёрланган препаратлар овқатни ҳазм қилувчи, ўт ҳайдовчи дори сифатида фойдаланилади(48 :252-2 536.).

Ю.Карма – индуизмда молдий дунёдаги савоб ва гуноҳ ишларга доир фаолият натижаси ёки улар моҳијати ва асоратининг фалсафий қонуни. Инсон ҳаётидаги туғилиш ва ўлиш силси ласининг давом этавериши ёки ўз поёнига етиши, унинг “карма” сида акс этади.

Я.Сутра – унинг санскрит тилидаги лугавий маъноси иш.

Ў.Дҳарма – индуизмда оламда мужассам нарса ва ҳодисаларнинг ун иверсал тартибда сақланиш қонуни. Бу қонун маълум маънодда кишилик жамиятига ҳам таал-

лукълии бўлиб, унда диний эътиқод ва аъмол бирлиги масъулияти муҳим аҳамият касб этади.

Қ.Сангҳ – буддизмнинг илк даврига тегишли роҳиблар жамоасининг номи.

Ғ.Антропоморф – “антропо” ва юонча “морфэ” қўшма сўзларидан тузилган атама бирор нарсани шаклан одамга ва хатто унинг хусусиятларига ўхшашигни билдиради(41:66.).

Адабиётлар рўйх ати

- 1.Куръони кары́м (Таржима ва изоҳлар Алоуддин Мансурники) Т.1992й.
- 2.Куръони кары́м. (Таржима ва изоҳлар Абдула-зиз Мансурники). Т.2001й.
- 3.Хадиси шариф (“Минг бир ҳадис”) I-2 қисм. Т. “Ўзбек маскани” тижорат бирлашмаси. 2001й.
- 4.Инжил. Библ ияни таржима қилиш институти. Стокгольм 1992й.
- 5.Абу Рейхан Беруни. Индия. Избранные соч. II том. Т. изд-во АНУзССР, 1963г.
- 6.Авдиев В.И. Қадимги шарқ тарихи. Ўкув-педагогик нацириёти Г.1956й.
- 7.Александр Мэнь. История религии: в поисках пути, истины и жизни. М.2001г.
- 8.Абдухаким Шарғиён Жузжоний. Тасаввув ва инсон. Т.”Адолат” 2001й.
- 9.Арутюнов С.А., Светлов Г.Е. Старые и новые боги Японии” М.“Наука” Главная редакция восточной литературы 1968г.
- 10.Васильев Л. С. История религии востока. М. 2001 г.
- 11.Гумилев Л.Н. Древние культуры. М. изд-во “Наука” Гл. ред. вост. литературы. М..1967г.
- 12.Гэ Хун Баопу-цзы нэй пян цзяо. Эзотерические главы «Баопу-цзи с комментариями». 1985г.
- 13.Дамъен Кеоун. Буддизм. М. изд-во “Весь мир” 2001г.
- 14.Ева Вонг. Даосизм. М. Изд-во “Гранд” 2001г.
- 15.Ермаков Л.М. Культы и верования в раннем периоде японской культуры. (Синт о путь японских богов. Санкт-Петербург. “Гиперион” I-том.,20002г.).

16.История древнего востока. М.”Высшая школа”.1979г.

17.Ионова Ю.В. Пережитки тотемизма в религиозных обрядах корейцев. (Религия и мифология народов Восточной и Южной Азии) М. 1970г.

18.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т. “Ўзбекистон” нашриёти. 1999й.

19.Корея. Корейская служба информации для зарубежных стран. Самхва Принтинг Ко.Лтд. Сеул.

20.Комилов Н. Тасавиуф.(Иккинчи китоб. Тавхид асрори.).Faфур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат ҳамда “Ўзбекистон” нашриётлари Т. 1999й.

21.Кочетков А.Н. Буддизм. М.”Наука” 1976г.

22.Крывелев И.А. История религии. II том. М. изд-во “Мысль” 1976г.

23.Кудрявцев М.К. Мусульманские касты. (Касты Индии). М. “Наука” 1965..

24.Клайв Эррикер. Буддизм.М. 2001г.

25.Литература древнего востока. М. изд-во московского университета. 1971г.

26.Мещереков А.Н. Синтоизм и древнее государство . (Синто путь японских богов. Санкт-Петербург. “Гиперион” I-том.,20002г.).

27.Мещереков А.Н. Синто и буддизм. (Синто путь японских богов. Санкт-Петербург. “Гиперион” I-том.,2002г.).

28.Мещереков А.Н. Император, миф и государство (Синто путь японских богов. Санкт-Петербург. “Гиперион” I-том.,2002г.).

29.Накорчевский А. Синто. Санкт-Петербург. 2002г.

30.Низомиддинов Н.Ф. Жануби-Шарқий Осиё диний-фалсафий таълимотлари ва ислом. Т. “Zar qalam” нашриёти. 2006й.


- 31.Обидов Р. Гайгамбарлар тарихи исломият тарихидир(1 ва 2-китоб). Т. «Мовароуннахр» 2005й.
- 32.Религии Китая (Хрестоматия). Санкт-Петербург. 2001г.
- 33.Сайд Эхтишам Хусейн. История литературы урду. М. изд-во вост. лит. 1961г.
- 34.Степугина Т.В. Китай в первой половине I тысячелетия до н. э.(История дре~~в~~ного мира: ранняя древность.). М. Гл ред.вост.литературы. 1983 г.
- 35.Степугина Т.В. Первые государства в Китае. (История древнего мира: ранняя древность) М.Гл..ред. вост. литературы.1983 г.
- 36.Степугина Т. В. Идеология и культура Китая периода расцвета рабовладения.(История древнего мира: расцвет древних обществ) М."Наука" Гл. ред. вост. литературы. 1983г.
- 37.Степугина Т.В. Расцвет рабовладельческого общества в Китае. (История древнего мира: расцвет древних обществ) М."Наука" Гл ред. вост.литературы. 1983г.
- 38.Симонова-Гудзенко Е.К. Ками и космогония(Синто путь японских богов. Санкт-Петербург. "Гиперион" I-том.,2002г.).
- 39.Сыма Цянь. Исторические записки (Перевод с китайского и комментарий Р.В. Вяткина и С.Таскина) М. 1975г.
40. Сутта-Нипата (Сборник бесед и поучений) "Алетера" М. 2001г.
- 41.Советский энциклопедический словарь. М. 1984г.
- 42.Торчинов Е.А. Религии мира.Санкт-Петербург 2000г.
- 43.Торчинов Е.А. Даосизм. Санкт-Петербург 1998г.

- 44.Фролова О.Б. Неизвестные рукописные трактаты первой половины XVIII века посвященные Ибн Араби и его философии(Суфизм в контексте мусульманской культуры). М. “Наука” 1989г.
- 45.Хан В.С. Корейская философия. Ташкентский Государственный институт востоковедения Т. 2004г.
- 46.Шри Йшопанишад. Бхактиведанта Бук Траст. Бомбей. 1990г.
- 47.Яблоков И.Н. Религиоведение. М “Гардарика” 2000г.
- 48.Ўзбек миллӣ энциклопедияси. “Ўзбек миллӣ энциклопедияси” Давлат миллӣ нашриёти (5,9,10-жайлд.) Т.2005й.
- 49.100 великих богов. М. “вече” 2003г.
- 50.100 великих пророков и вероучителей. М. “вече”.2003г.
- 51.Ch'en E.M. Tao as the Great Mother and Influence of Motherly Love in the Shaping of Chinese Philosophy.(History of religions Vol.14 No1.) 1974.
- 52.History: Korea, its history and culture. Published by Korean Overseas Information Service. Seoul.1994.
- 53.Mohan Lal Vidiarthi. Indian culture trough the ages. (second edition), London. 1957.
- 54.Romila Thapar. A history of India. Vol. one. Published by Penguin Group.1966.

1. Эрамиздан аввалги X асрдаги Чжоударвига оид подио совғаси ҳақида бронза идишінде ёзилған билдік.




2. Эрамиздан аввалги IV асрға оид қадимги Хитойда тошға ёзилған битік.




**3. Эрамиздан аввалиги 221 йилд аги Цин
Шинхуанинг ўлчов бирлиқлари ҳакидаги
фармони.**



4. Мелоднинг XII асрида Курияда
тайёрланган биринчи темир ҳарфда
босилган матн.



**5. Шан-Ин даврига оид дини й
маросимларда тутилағын бронзас идиш**




**6. Мелоднинг II асрида тош юзига
бўрттириб ишланган Конфуций ва Лао-
цзининг тасвири.**



7. Чжоу даврига оид мармар коса.




8. Эрамиздан авалги XIII асрда тошбака
косасыга өзилгани фол битияги.



9. Үрта Осиё худудын топчилга и Будда
эътиқодиға дөир кәроштхий тилида
өзілганса байтик.

... ۸۷۳۷ ۸۴۴۸ ... ۱۰۰۲
... ۸۰ ۴۱۸۸ ۷ ...
... ۶۵۹ ... ۲۰۹۳ ۷ ...
۸۷۳۵ ۷ ۲۴۵۹ ۳۲۳ ۴ ...

10. Буддизмнинг Осиёда тарқалиши харитаси.



Рассом: К.Ахунов
Тех. редакторлар: Ж.Жўраев
О.Алимов
Корректор: С.Якубова

Бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «Times New Roman» гарнитураси.
Офсет усулида босилди. Шартли босма табоги 8,84.
Нашр табоги 9,5. Алады 500. Бюортма № 5.

«Fan va texnologiyalar markazining
bosmaxonasi»да чоп этилди.
Тошкент ш., Олмазор кўчаси, 171-уй.